

ТЕМУРҖИҖЛАР
ДАВРИ ЁЗМА
МАНБАЛАРИДА
МАРКАЗНИ
ОСИЁ

ОМОХУЛТО БЎРИБ




65.3

65.3

Омонгуло БҮҮРИЕВ

Тошкент
«Ўзбекистон»
1997



Тақризчилар: тарих фанлари доктори,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академиясининг ҳақиқий аъзоси А. МУҲАММАДЖОНОВ,
тарих фанлари номзоди Т. ФАЙЗИЕВ

Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори А. УРИНБОЕВ

Муҳаррир СУРЪАТАБДУКАРИМОВ

Бўриев, Омонullo.

Б 99 Темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий
Осиё (таризий-географик лавҳалар)//Масъул
муҳаррир: А. Ўринбоев/.— Т.: «Ўзбекистон», 1997—
186 б.

ISBN 5—640—02220—5

Ушбу китобда Темурийлар даври ёзма манбалари маълумотлари асосида Марказий Осиёнинг XIV—XV асрлардаги маъмурий-ҳудудий бўлиниши, табиати, хўжалиги, халқаро алоқалари географияси ва топонимияси ҳақида сўз юритилади; манбалардан таржима-лавҳалар ҳам илова этилган. Китоб турли соҳа мутахассислари, айти пайтда, олий ўқув юртларида Марказий Осиё тарихий географияси дарслари учун зарур маълумотларни ўз ичига олади.

№ 335—97
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
давлат кутубхонаси

ББК 63.3(5У)

0503020904—13
Б М 351 (04) 97 97

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 1997.

КИРИШ

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, унинг хорижий мамлакатлар билан алоқалари кенгайиб, географик библимларга бўлган эҳтиёж ортди. Зеро, географияни яхши билиб борган сари кишининг атроф-муҳит, жамият ва олам ҳақидаги тушунчаси чуқурлашиб, мукаммаллашиб боради; инсон ер, сув ва ҳаво, умуман табиатдаги ҳар бир нарсанинг ўрни, вазифаси ҳамда кадр-қийматини тўлароқ англаб етади.

География фани ўз навбатида қатор кичик-кичик соҳалардан ташкил топган бўлиб, улардан бири тарихий географиядир.

Тарихий география ер юзининг ўтмишдаги табиати, рельефи, иқлими, сувлари, тупроғи, ўсимлиги, ҳайвонот дунёси, аҳолиси ва ҳўжалигидан иборат мажмуани ўз ичига олади. Ҳозирги вақтда табиатни, жумладан, унинг тарихини умумий тарзда ёки маълум ўлкалар бўйича инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда ўрганиш қатор муаммолар — табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, экологик ва бошқа шу каби муаммоларни ҳал этишда аҳамият касб этмоқда. Бошқача қилиб айтганда, тарихий-географик тадқиқотлар табиат ва жамият тараққиётининг ўтмишдаги ҳолатини аниқлаш ҳамда уни ҳозирги жараён билан қиёслаб тегишли назарий хулосалар чиқариш, амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва шу асосда айрим мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун зарур маълумотлар бера олади. Масалан, Марказий Осиё табиатини ҳар томонла-

ма ўрганиш бугунги кунда жаҳондаги долзарб муаммолар қаторида турибди (Орол денгизининг тақдири, сувлардан оқилона фойдаланиш, хўжаликни комплекс ривожлантириш ва ҳ.к.).

Тарихий география табиат ва жамият тараққиётининг ўтмиши билан боғлиқ кенг тушунча бўлиб, вақт жиҳатдан узоқ даврни қамраб олади ва бу соҳадаги тадқиқотлар турли манбаларга таянади. Агар анча қадимги давр учун геологик ўрганишлар натижалари, тарихий давр учун археологик топилмалар асосида қилинган хулосалар муҳим бўлса, ўрта асрлар тарихи кўпроқ ёзма манбалардан ўрин олган. Дастлабки ёзма манбалар — бу турли жойлардан топилган тош битиклар ва узоқ мозийда ёзилиб бизнинг давримизгача етиб келган китоблардир. Уларда Марказий Осиёнинг милодгача бўлган табиати ва халқлари ҳақида хабарлар қайд этилган (Аҳамонийлар даври битиклари, Авесто, Маҳабҳарата ва б.). Қадимги юнон олимларининг асарларида ва хитой солномаларида ҳам бирмунча аниқ муҳим хабарлар бор.

Ўрта асрлар даври учун эса, бой ёзма мерос мавжуд бўлиб, улар асосан араб, форс ва туркий тилларда ёзилган. Табиийки, тарихий-географик маълумотлар биринчи навбатда географик ва тарихий-географик асарлардан кўпроқ ўрин олган бўлади. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз», Абу Зайд Балхий, ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқал қаламига мансуб «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик», муаллифи номаълум «Ҳудуд-ул-олам», Нажиб Бакроннинг «Жаҳоннома», Самъонийнинг «Китоб ал-ансоб», Ҳамдаллоҳ Муставфий Қазвинийнинг «Нузҳат ал-қулуб» (XIV), Ҳофиз Абрунинг «География» (XV), Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» (XVI), Рўзбихон Исфаҳонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро» (XVI), Амин Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим» (XVI), Султон Муҳаммад Балхийнинг «Мажмаъ ал-ғаройиб» (XVI), Абулғозийнинг «Шажарайи тарокима» (XVII) ва «Шажарайи турк» (XVII), Муҳаммад Тоҳирнинг «Ажоиб ат-табақот»

(XVII), Маҳмуд ибн Валийнинг «Баҳр-ул-асрор» (XVII), Худойберди ибн Қўшмуҳаммаднинг «Дил ғароиб» (XIX), Муҳаммад Солиҳхўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» (XIX) каби асарлари ана шулар жумласидандир. Қайд этилган манбаларда Марказий Осиёнинг кейинги минг йилликдаги тарихий географияси қамраб олинган ва улардан ўлканинг тоғ, водий, дашт ва чўллари, маъданлари, сувлари, ўсимликлари, ҳайвонот олами, сиёсий-маъмурий таркиби, этник ҳолати, шаҳар ва қишлоқлари, хўжалиги, халқаро муносабатлари географияси ҳақида маълумотлар олса бўлади. Шу билан бирга, тарихий-географик тадқиқотлар учун тарихий ва бошқа мавзуларга оид асарлар ҳам фойдалидир.

Марказий Осиё сайёрамиздаги табиати мураккаб ва маданияти қадимий ўлкалардан бўлиб, унинг тарихий географиясини битта илмий тадқиқотда қамраб олиш мушкулдир; уни алоҳида даврлар бўйича ўрганилса мақсадга мувофиқ бўлади ва ҳозиргача шу йўсинда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу китобда Марказий Осиёнинг XIV—XV асрлар, яъни Темурийлар давридаги тарихий географиясини ёритиш мақсад қилиб қўйилди. Зеро, бу давр Марказий Осиё, айниқса Мовароуннаҳр халқлари тарихида буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ва унинг авлодлари — Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги билан боғлиқ катта сиёсий ва маъмурий ўзгаришлар ҳамда иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳаларга дахлдор ривожланишлар даври бўлди. Шу сабабдан, бу давр илм-фанда Марказий Осиё тарихидаги буюк юксалиш даври деб топилган. Амир Темур Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмронлигини тугатиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди, унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий иқтидорини юксалтирди. Бу анъана XV асрда унинг авлодлари томонидан давом эттирилди.

Марказий Осиёнинг Темурийлар даври тарихий географиясига оид маълумотлар ўша даврда ёзилган тарихий-географик, тарихий ва бошқа асарлар, ҳужжатлар,

тазкиралар, мақомотлар, иншо-ёзишмалар кабилардан ўрин олган. Яхлит ёзма манбалар — Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Муиниддин Натанзийнинг «Мунтахаб ат-таворих», Ҳофиз Абрунинг «География» ва «Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий», «Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Фасиҳ Аҳмад Хавофийнинг «Мужмали Фасиҳий», Ибн Арабшоҳнинг араб тилида ёзилган «Ажойиб ал-мақдур фи навоиб Темур», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн», Мирхонднинг «Равзат ас-сафо», Хондамирнинг «Ҳабиб ас-сияр» асарларидир. Шу даврда Самарқандга Испаниядан элчи бўлиб келган Руи Гонзалес де Клавихонинг кундалигида ҳам қимматли тарихий-географик маълумотлар бор.

Ёзма манбалардаги тарихий-географик маълумотлар ана шу манбаларни тўла ёки уларнинг айрим қисмларини нашр этиш ва таржима қилиш, қисқача тавсифлаш, уларга таяниб илмий тадқиқотлар (илмий ва илмий-оммабоп асарлар ҳамда мақолалар) ёзиб чоп этиш йўли билан жамоатчилик эътиборига етказиб борилади. Темурийлар даври тарихига бағишланган ҳозирги мавжуд тадқиқотларнинг асосий қисми тарихий мавзулардан иборат ва тарихий географияга дахлдор илмий изланишлар жуда кам.

Тарихий география анча кенг мавзу бўлгани учун, ушбу тадқиқотда ҳам Марказий Осиёнинг Темурийлар давридаги тарихий географиясини тўла қамраб олиш имкони бўлмади ва айрим лавҳалар бериш билан чекландик. Унда Темурийлар давлатининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши, Марказий Осиёнинг XIV—XV асрлардаги табиати ва ҳўжалиги, Темурийлар давлатининг халқаро алоқалари географияси, темурийлар даври манбаларида Марказий Осиё ҳудудида қайд этилган жой номлари мавзулари ёритилган. Китобда тадқиқот билан бир қаторда, манбалардан кичикроқ таржималар ҳам ўрин олган. Келтирилган маълумотлар турли соҳа мутахассислари, жумладан, тарихчилар ва географлар учун ҳамда олий ўқув юртра-

рида Марказий Осиё тарихий географияси дарсларида қўлланма сифатида фойдаланишда зарур бўлар деган умиддамиз.

Ушбу китоб соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги юбилейи муносабати билан тайёрланди. Уни чоп этишда ҳомийлик қилиб моддий ёрдам кўрсатган Тошкент шаҳар Ҳокимияти маъмуриятига миннатдорчилик билдирамиз.

Китобда манбалардан берилган таржима-лавҳаларда таржимон иловалари қавс ичига олинди. Манбалар ва адабиётлар рақамланган тартибда берилди ва уларнинг умумий рўйхати китоб охирида келтирилган.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШИ

(Марказий Осиё)

Чигатой улуси. Маълумки, XIII асрда Мўғуллар давлати ташкил топиб, унинг ҳукмдори Чингизхон ўзи эгаллаган барча ерларни тўртта йирик маъмурий бирлик-улусга ажратиб, ўғилларига идора этиш учун топширган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг «Муқадди-ма» қисмида бу ҳақда анча муфассал маълумот берилган. Қуйида ушбу матннинг қисқартирилган таржимасини келтирамиз (форс тилидан **О. Бўриев** таржимаси):

Чингизхон наслидан Турон мамлакатларида ҳукмронлик қилган хонлар ҳақида сўз

Чигатой улусида хонлик тахтига ўтирган Чингизхон авлодларидан бўлмиш подшоҳлар ўттиз иккита бўлганлар.

Чингизхон (ўз подшоҳлиги ерларидан) Туронзамин мамлакатини (ғарбда) Турон билан Эрон ўртасида (чегара) Жайхунгача, суюкли фарзанди (Чигатой)га атади; ҳамда уни, унга ажратиб берилган мамлакат ва сипоҳ билан биргаликда, ўз амакиваччаси Қарачор-нўёнга топширди ва (бош-қош бўлиб туришни) кўп тайинлади. Чунки Чингизхонга шу нарса маълум эдики, ҳар ишда ҳомийлик бу буюк (нўён)нинг қўллаб-қувватлаши билангина кучли бўла олади...

Чигатойхон ота васиятига мувофиқ, унинг(яъни Қарачор-нўён) кенгашисиз ва розилигисиз ҳеч бир ишга қўл урмас ва мурод кавкаби ул улуғ ҳукмрон ихтиёридаги уфқдан бошқа жойда чақнамас эди.

Шунинг учун ишбилармон ва келажакни кўра билувчи (киши)нинг яхши тарбияси натижасида, Чиғатойхон фаҳму фаросатининг баркамоллиги, илм эгаси эканлиги, ўта дов-юраклиги ва мардлиги билан ўз замонининг ягонаси ва турли диёр султонлари дурдонаси бўлди.

Чиғатойхон салтанат тахтининг қароргоҳи Бешбалиғ эди; «балиғ» деб шаҳарни айтадилар.

Назм:

Ому соҳилидан то Ноймон,
Унга берган эди Чингизхон.
Бешбалиғда эди тахтгоҳи,
Хазинасию ҳам сипоҳи.

Чиғатойхон ярғу ва ёсоқ удумларига амал қилишни жуда қаттиқ талаб қиларди, унинг ҳар бир нозик томонларига ҳаддан зиёда амал қилмоқ лозим, деб билар ва бирор бандини тушириб қолдирмас эди. То шу даражагачаки, баҳор ва ёз фаслларида бирор кимса (оқар) сувга тушмасин, қўлини ариқда ювмасин ва ариқдан олтин ва кумуш идишларда сув олмасин, кийим ювиб саҳрога ёймасин, деб буюрган эди. Уларнинг фикрича, бу иш момақалдиروқ ва чақмоқнинг кўпайишига олиб келармиш. Кўпинча, уларнинг злу юртларида аввал баҳордан то ёз охиригача ёмғир ёғади, момақалдиروқ гулдураши то шу даражадаки, унинг овози шиддатидан бармоқларини қулоқларига (тиқиб), унинг гумбурлашидан ўлим (даҳшати)га тушадилар,— ва яшин кетма-кетлиги то шу даражадаки,— у чақнаганида кўзларини кўр қилгудек бўлади.

Жазолаш ва улуғлаш қонун-қоидаларига шунчалик қаттиқ амал қилар эдики, сон-саноқсиз лашкарининг яқин-атрофидан (ўтадиган) ҳеч бир йўловчи учун қўриқчи ва посбонга эҳтиёж туғилмасди. Амир Қарачорнинг яхши (иш)лари ва тадбири натижаси ўлароқ, Ўктойхон билан шундай мақтов ва илтифотга сазовор тарзда борди-келди қилар эдики, оға-инилик ва арз-дод сўраш муносабатларида маслаҳат билан ва ҳамкорликда иш тутардилар. Ака-укалар кўп вақт бирга бўлар, роҳат ва фароғатда умр

кечирар ва қувонч созининг торларини чертардилар... (Эл арзу додини) ақлу идрок билан эшитардилар. Уларнинг ҳамжиҳатлигидан давлат ишию, мамлакат бошқаруви изга ва тартибга тушди, хонлик расмию ва жаҳондорлик қоидалари давомийлиги ва мустаҳкамлиги таъминланди...

Чиғатой хурсандчилик ва овга жуда ишқивоз ва аксар вақт шу билан банд эди. Амир Қарачор-нўён эса салтанатнинг муҳим ишларини олиб борар ва жаҳондорлик қиларди, раият ва лашкар учун нимаики лозим бўлса тўла-тўкис амалга оширарди... Чиғатойхоннинг умр муддати охирлагач ва мизожи саломатлигу ҳаётдан ва яшашдан юз ўгиргач, Қарачор-нўёни васий қилиб, болаларини унга топширди. (Ўзи эса), умид уйи дунё орзу-истакларидан тўлиб, Ўктой-қоондан етти ой илгари, олти юз ўттиз саккизинчи йилнинг зулқаъда ойида (1241 йил, май — июнь ойлари), яъни ўд йили¹ бу фоний саройдан рихлат этди.

Унинг вафотидан сўнг, эслатиб ўтилган нўён, аҳду паймонга мувофиқ, мамлакат ва салтанат ишларини бошқариш ва тартибга солиш, бутун халқ ҳам сипоҳу, ҳам раиятни зарур ва муҳим (нарсалар) билан етарлича таъминлашни шундай олиб борар эдики, ундан ортиғини тасаввур қилиб бўлмас. Тинчлик ва омонлик байроғини ўлкалар узра ўрнатди, олам айвони ва эшикига яхшилик нақшини солди.

Қара-Ҳулоғухон ибн Мутугэн ибн Чиғатойхон. Чиғатой вафотидан бир неча йил ўтгандан сўнг, Қарачор-нўён уни хон қилиб сайлади ва салтанат тахтини унинг вужуди билан беади...

Ёсун-Мункэ Чиғатой ўғли. Гуякхоннинг кўрсатмаси билан Қарачор-нўён Қара-Ҳулоғухонни тахтдан туширди ва уни (Ёсун-Мункэни) олти юз қирқ учинчи йил, яъни ит йили, шаъбон ойида (1245 йил декабрь — 1246 йил январь) тахтга ўтказди...

¹ Ўд йили (ут; ўй) — сигир йили; туркий мучал ҳисобидаги 2- йил.

У вафот этгандан сўнг, номи эслатилган нўён, ўз тўғри раъйига мувофиқ, қайтадан Қара-Хулогунни хонлик тахтига кўтарди.

Тарихнинг олти юз эллик иккинчи (1254) йили, яъни та-вушқон йили ул юртда Қарачор-нўён руҳи қуши (юрак) қафасини синдирди ва даҳшатга тўла бу омонат (дунё)дан кўч боғлади... У саксон тўққиз йил умр кўрди.

Ариқ-Бўка ибн Тўлихоннинг қизи **Арғана-хотун** зри Қара-Хулогухоннинг вафотидан сўнг, ўғли **Муборақшоҳ** ҳали ёш бўлгани учун унинг ўрнида салтанатни бош-қаришни ўз бўйнига олди. Ул бағоят виқорли ва ишбилар-мон; мусулмонларга тўла ён босарди, уларга зътибор бе-риш ва ҳимоят кўрсатишда бирор дақиқани ҳам зоеъ кет-казмас эди.

Олқў ибн Пойдор ибн Чигатойхон. У хуш суратли, яхши феъл-атворли, чеҳраси шуъласига ой ва қуёш рашкда, салтанати улуғворлиги Фаридун ва Жамшид удумидан нусха кўчирган бир сарвар эди... Дастлабки пайтларда у билан Ариқ-Бўка Тўли ўғли ўртасида тўла тотувлик ва са-доқат мавжуд эди. Ўша кезларда Қорақурум тахтида Ариқ-Бўка ҳукмронлик қиларди...

Олқў Чигатой улусига келиши билан лашкар ҳар то-мондан ул сори юзланди ва кўп ўтмай, унинг қошида жу-да кўп қўшин тўпланиб, тўла шавкат ва қудрат ҳосил бўлди. (Олқў) Эронзаминдан Катта Ўрдуга юбориб туриладиган бойликларни ўзига олди. (Натижада) у билан Ариқ-Бўка ўртасида зиддият туғилиб, охири жангу-жадалгача бориб етди.

Дастлаб, Ариқ-Бўка унинг устига қўшин тортиб уруш қилганида Олқў енгилган эди. Ариқ-Бўка қайтиб кетган-дан сўнг, Олқў (янгидан) сипоҳ тўплашга киришди; амир Ийжил ибн Қарачор-нўён (ҳам) катта қўшин тўплаб унга қўшилди. Чигатой улуси йиғилишиб, Ариқ-Бўка устига от сурдилар. У ҳам (ўз навбатида) бутун қўшини билан Ол-қўга қарши жангга юзланди. Лашкар ҳар икки томондан етиб келгач (юзма-юз) саф туздилар. Шу пайт Олқў ўз

қўшини билан ҳужумга ўтди ва қўли баланд келди. Душманлар дош бера олмадилар ва Ариқ-Бўка ўз лашкари билан орқага чекиниб, қочмоққа юз тутди.

Ариқ-Бўкага вазир этиб тайинланган бухоролик соҳиб Ялавочнинг ўғли Масъудбек эса, Олқў хизматига шошилди ва унинг оёғини ўпиш шарафи билан сарафрозлик топиб, илтифотга сазовор бўлди.

Олқў ғолиб ва бахтиёр ўз улусига қайтиб келди ва олти юз эллик саккизинчи (1260) йилнинг охирларида, яъни қўй йили, Олмалиғда хонлик тахтига ўтирди. Ариқ-Бўканинг қизи Арғанани ўз никоҳига киритди. У тўрт йил давомида подшоҳлик қилиб давр сурди ва ундан икки ўғил — Дўбо ва Қуён қолди; (ўзи эса) омонат жонни арвоҳ чангалига тутқазди...

Муборақшоҳ ибн Қара-Ҳулоғу — ақлу идрок ёшига етганида, амир Ийжил ибн Қарачор-нўён барлоснинг ёрдами билан олти юз олтмиш иккинчи (1263—1264) йили, яъни ўд йили Олқўни ўртадан кўтариб, ўзи мустақил хон бўлди. У саховатли, камозор бир хон ва юмшоқ табиатли, сабрматонатли бир султон эди... Унинг салтанати даврида Чиғатой улуси Ийжил-нўённинг яхши иш олиб боруви ва олийжаноблиги туфайли жуда тинч ва ободон, эл эса унинг ҳимояси ва эътибори соясида тотув ва шодмон эди...

Буроқхон ибн Йисун-қара ибн Комкор ибн Чиғатой-хон... Олти юз олтмиш учинчи (1265) йил бошларида, яъни барс йили шаҳзодалар, амирлар ва (хонзода) хотинлар кенгаши билан хонлик унга (Буроқхонга) топширилди ва у подшоҳлик тахтига ўтирди. (Удумга мувофиқ) Ийжил-нўён унга аёқ тутди, амирлар ва шаҳзодалар (унинг олдида) тўққиз марта тиз чўкдилар. Унинг замонида амир Ийжил Озарбайжон томонга Тўкадар-ўғил қошига кетди. Буроқхон хонлик тахтига ўрнашгандан сўнг, у билан Қайдухон ибн Ғози-ўғил ибн Ўктой-қоон ўртасида душманлик пайдо бўлди. Кўп уруш-талашлардан сўнг, ҳар икки томон ярашишга келдилар ва (бунга) аҳду паймон туздилар... Олти юз олтмиш саккизинчи (1270) йил охирларида, яъни қўй

йили у Қайдухон қошиға борди ва Қайдухон макрининг соқийси қўлидаги шарбатдан бир қултум ютиб, оламдан ўтди: подшоҳлик муддати олти йил... Ундан тўрт ўғил қолди: Бек-Темур, Дуво, Бурё, Хўлодо.

Бекшихон ибн Широмир — унинг шуҳрат чодир аτροφидан фалак одоб билан айланарди ва салтанат кўшки савлатидан офтоб ҳурмат билан ўтарди...

Тўқатемурхон — Қадомийнинг ўғли, Мутугэн ибн Чиғатойхоннинг невараси. У ҳақиқатда хонлик мансабига арзигулик ва олий ҳиммати ободончилигу эл сўраш ишларига сарфланувчи подшоҳ эди...

Дуво-Чечанхон ибн Буруқхон. У бахт-саодатли, улуғ савлатли бир ҳукмрон, мамлакат узра хон ҳамда бахтиёрлик тожиге лойиқ ва сазовор эди... Илангиз-нўён ибн амир Ийжил-Бийсун билан собиқ аҳдногани янгиледи ва унга оталар удум-йўриқларини (олиб бориш) белгиланди. Ўттиз йил давомида ҳукмронликда ва бахтиёрликда умр кечирди. Илангиз-нўён яхши тадбир билан Чиғатой улусини ободонликда тутди, ҳар кимнинг у ёки бу истаги бўлса бажо келтирди... Ниҳоят, бир қанча замон умр кўриб, оламдан ўтди.

Кўнжакхон Дувохон ўғли. Бу шаҳриёр иқбол мавсумида бахт ва хуррамлик баҳорини қанот ёздирди, яқину узоқдаги барчага орзу-умид шукронасини етказиб берди... У салтанат тахтига ўрнашгандан сўнг, кўрдик Қайдухон ибн Ғозиўғул ибн Укто-қоон фарзандлари салтанат ишини олиб бориш ва мамлактни бошқаришни эплай олмаяптилар. (Шу сабабдан), уларнинг эл ва улусига илтифот соясини солди ва ўз қўл остига олиб, Чиғатой улусига киритди...

Талийқухон Бўри ўғли. У ҳукмронлик нурлари улуғворлик тожидан порлаб турган подшоҳ ва давлатнинг ўлка уфқидан толе кулиб чақнаган офтоби эди... Бир муддат хонлик тахтида эл сўради, қудрати билан жабру ситам оёғини боғлади ва зарурат (учун) қарам қўлини ечди. Халойиқ жабр-ситам, адолатсизлик бандидан қутулиб, унинг

адолати соясида паноҳ топарди ва оғзини дуоси учун очиб, белини хизмати сари боғлаган эди...

Эсан-Буқо Дувохон ўғли. Унинг адолат чодир сояси адолатсизликнинг жазирама иссиғида қолганлар учун паноҳ ва давлати кўшкнинг остонаси ҳаёт заҳматини тортган ситамдидалар учун қўнимгоҳ бўлган бир подшоҳ эди...

Кебекхон Дувохон ўғли. У юриш-туриши мақтовга арзигулик, тўла ҳашаматли бир подшоҳ эди, салтанатдорлик шуҳрати, фаҳму фаросати ва улуғворлиги элга дoston бўлди, адолати жаҳон узра шуҳрат топди. Чингизхон замонидан бери хароб бўлиб, қамишзорга айланиб ётган Балх шаҳрини қайта тиклади... Ҳаёт муддати тугагач, уни Қаршида дафн этдилар ва қабри устига бир гумбаз барпо қилдилар.

Илчигдай Дувохон ўғли. У жаҳондорлик хилъати келишган қоматига мос, шавкатли, юрт улуғларини сийловчи ва душманларнинг додини берувчи бир хон эди...

Дуво Темурхон ўғли Уқрохон. У жангу жадал учун мардлик камарини боғлади ва осмон ўпар қўрғонларни забт этди, ҳожатмандларнинг муҳтожлик эшигини ёпди...

Тармаширинхон Дувохон ўғли. У кадр-қимматли хон, одилу саодатли ҳақиқий султон эди; давлати чеҳрасини ислом саодати гулгун қилди. Ўзи эса, Оллоҳ тавфиқ ато этиб, бул фоний саройда доимий фароғатга эга бўлди. Унинг бахтиёр кечган замонида Чигатой улуси нури ислом ила бойиди, бу дунёдаги мўл-кўлчилик охират тўхфаси (тайёрлаш) учун имкон яратди, дини Муҳаммадийнинг йўл-йўриқларини олиб боришда, миллати Аҳмадийнинг бирлигини мустаҳкамлашда жидду жаҳд кўрсатарди. Унинг подшоҳлиги замонида худойи таоло бандалари тўла хотиржамликда эдилар... Бўрон ибн Дуво-Темурхон ибн Дувохон (Тармаширинхоннинг) жияни ислом зийнатидан маҳрум эди, етти юз йигирма саккизинчи (1327—1328) йили Жетедан лашкар тортиб келди ва Кеш яқинидаги Қўзимундоқ (мавзеси)да Тармаширинхонни (жангда) шаҳодат даражасига етказди. Уни Самарқанд яқинидаги бир қишлоқ (мозорига) дафн қилдилар.

Бўрон (ибн) Улжойту Султон Муҳаммад Худобанда. У Чигатой улуси подшоҳзодаларидан сўнг, фармондорликда

зътиборли бўлмасада, ул улуснинг улуғ амирлари — Дурчи Икжилдойхон ўғли, унинг отабегиси амир Жондуни ва бошқаларни қилич дамидан ўтказди.

Жингшухон Абуканўғил ўғли. У жаҳонпарвар бир подшоҳ эди. Золимлардан маҳрумлар ва муҳтожлар ҳақини қаҳр билан олиб берарди: ғазаб қилган вақтида сиёсат ва савлат қовоғи осилиб, қонхўр Баҳром жуссасига титроқ тушарди...

Жингшухоннинг биродари Йисун-Темурхон. У давлат чеҳрасини кенгаш билан равшан этган ва салтанат байроғини йўл-йўриғи билан юксалтирган бир (подшоҳ) эди; зулм хирмонини сиёсат билан ёқиб ташлади ва мазлумлар ҳожатини адолат билан ўринлатди...

Ўқтойхон наслидан бўлмиш Али Султон Йисун-Темурхон устига юриш қилди, ноҳақлик ва зўравонлик билан хонлик тахтига ўтирди: хон хазинасини талон-торож қилди, ҳамда Туманакхон муҳри босилган ва (кейинчалик), уни Чингизхон ва Қарачор-нўён янгилаб, имзо чеккан Қабулхон ва Қочули аҳдномасини йўқ қилиб юборди...

Муҳаммад ибн Пўлодўғил ибн Кўнжакхон ибн Дувохон. У подшоҳлик ҳашамати билан ўз даври султонларидан ажралиб турарди. Унинг бахтиёр замонида зулм эшиги бутунлай берк ва адолат эшиги доим очик эди...

Қозон-Султон ибн Йисун-Темурхон. У етти юз ўттиз учинчи (1332—33) йили Мовароуннаҳрда хонлик тахтига ўтирди. Ўша пайтлар Эрон тахтини Абу Саид-баҳодирхон эгаллаб турарди ва яна уч йил Эрон тахтида подшоҳ бўлиб турди. Абу Саид-баҳодирхондан сўнг, Эрон тахтида ҳукмронлик қилган, Чингиз (хон) авлодига мансуб бошқа хонлар — жумладан Арпахон, Мусохон, Муҳаммадхон, Тағой-Темурхон, Сотибек Муҳаммад Худобанда Улжойтухон қизи, Сулаймонхон, Нўширвонхон ҳаммаси унинг (Қозон-Султон) замондошлари эдилар.

Қозон-Султонхон подшоҳлиги айёмида ҳумоюн ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур) овозаси.

Б а й т :

Оламга келди, деди иқбол бахтга,
Энг муносибу мос шул эрур тахтга,

деган байт (мазмунидан) иборат туғро билан қутли ва саводатли тарзда зийнат топди.

Б а й т :

Башарият иқбол лангарини ваъда қилингандек йўнди
Ва юксак уфқ баландлигидан ғалаба юлдузи кўринди,

деган мазмунни ифода этди.

Қозон-Султонхон ва ундан сўнг Чиғатой улусида (хукмрон) бўлган бошқа хонлар аҳволининг шарҳи санаб ўтилган тартибда, биринчи мақолани ёзаётганда ўз ўрнида келажак.

Чиғатойхон ва унинг болаларию невараларининг салтанати муддати, то Қозон-Султонхон (даври)гача, бир юз тўққиз йилдир.

Йигирма учинчи — **Донишмандчахон**, Ўктой-қоон наслидан. Гарчи нисбаси Чиғатойхонга етмасада, бироқ ул улуснинг подшоҳлик (тахти) унга тегди...

Йигирма тўртинчи — **Баёнқулихон** ибн Суғдо-ўғлон ибн Дувохон. Йигирма бешинчи — **Темуршоҳхон** ибн Йисун-Темурхон ибн Абукал ибн Дувохон. Йигирма олтинчи — **Туғлуқ-Темурхон** ибн Эмилхожа ибн Дувохон. Унинг ҳақида ушбу китобда яна тўхтаб ўтилади: Олмалиғда, у учун маҳсус қурилган мақбарада дафн этилган. Ул диёр удумига кўра подшоҳлар қабрини ол т у н атайдилар.

Йигирма еттинчи — **Илёсхожа** Туғлуқ Темурхон ўғли. Йигирма саккизинчи — **Кобулшоҳ** Рўжи ибн Ийкжилдой ибн Дувохон ўғли. Йигирма тўққизинчи — **Одилсултон** ибн Муҳаммадхон ибн Пўлодўғил ибн Кунжакхон ибн Дувохон. Ўттизинчи — **Суюрғатмишхон**. Ўттиз биринчи — **Султон Маҳмудхон** ибн Суюрғатмишхон.

(Шундай қилиб), Чингизхон ва унинг фарзандлари ҳамда ул насл-насабга мансуб турли хонлар (ҳақида), уларнинг ишончли тарихларидан ва бошқа машҳур китобларда

битилган (ёзма) маълумотлар ва хабарлар ўрганиб чиқилди ва мазмунидан хабардор бўлинди... (60, 746—82а арақлар).

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарининг «Муқаддима» қисмида берган ушбу маълумотга кўра, Чиғатой улусида хонлик тахтида ўтирган шахслар жами ўттиз биттани¹ ташкил этган ва охириги тўрттаси Амир Темур даврига тўғри келади. Улардан биринчиси Кобулшоҳ Рўжи бўлиб, бу ҳақда Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да қуйидагича маълумот беради:

«Амир Ҳусайн ва ҳазрат Соҳибқирон ўзаро кенгашиб, Чиғатойхон наслидан бирор кишини хон қилиб кўтармоқни маъқул деб топдилар. Ушбу фикрни тасдиқлаш мақсадида, (ҳижрий) етти юз олтмиш бешинчи (1363—1364) милодий йили барча амирлару нўёнларни йиғиб қурултой туздилар. Унда ҳаётнинг турли ўзгаришлари заҳмати ваҳимасидан фақирлик кўрғонида дарвишлик кийимига кириб олган Дурчи ибн Элжикди ибн Дувоҳон ўғли Кобулшоҳ-ўғлонни ул либосдан чиқариб олмоқни ва иқболи қоматини хонлигининг кўркам хилъати ила безатмоқни маъқул кўрдилар...


Улар биргалашиб Кобулшоҳ-ўғлонни салтанат тахтига ўтказдилар ҳамда турк султонлари удумидаги одатга кўра, унга аёқ тутиб,

Барча мағрурлару, соҳибхитёр,
Узлуксиз тиз чўкдилар тўққиз бор» (60, 109б арақ).

Кейинги хон — Одилсултон бўлиб, уни Амир Ҳусайн хонлик тахтига кўтарган эди. Амир Темур 1370 йили Балхга Амир Ҳусайн устига юриш қилганида Суюрғатмиш-ўғлонни хон деб эълон қилди ва Балхни эгаллагач, Одилсултонни қатл эттирди. Суюрғатмишхон вафот этгач (1388 йил), унинг ўғли Султон Маҳмудни хонлик тахтига тайинлади ва бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди.

Чиғатой улусида ҳукмронлик қилган хонлар, умуман олганда, Чингизхон наслидан бўлса-да, бироқ ҳаммаси ҳам Чиғатой авлодига мансуб бўлмаган. Сабаби, кейинги йил-

¹ Матнда фарқ бор, дастлаб «32» та дейилган.



ларда Чингизхон авлодлари — Жўчи билан Тўли насли бир томон ҳамда Ўктой (Угэдэй) қоон билан Чиғатой авлоди иккинчи томон бўлиб, тож-тахт учун кураш боради.

Натижада, XIII аср ўрталарида Чиғатой улусининг катта қисми маълум вақт Жўчи улусига киритилган. Чиғатойхон наслидан бўлган Муборакшоҳ тахтга ўтирган пайтдан (1263) бошлаб Чиғатой улусининг ғарбий қисми — Мовароуннахрнинг сиёсий ўрни кучайиб боради. Улус ҳукмдорлари ўз қароргоҳларини Мовароуннахрга кўчирадилар. Шу даврда ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмлари ҳам Чиғатой улуси таркибида бўлган. Ҳатто Кебекхон (1318—1325) ҳозирги Қашқадарё вилояти ҳудудида Қарши шаҳрини барпо этиб, пойтахт деб эълон қилади.

Ундан кейинги йилларда улусда феодал низолар кучайиб, унинг яхлитлигига путур етди. Чиғатой улуси икки қисмга бўлиниб, шарқий қисми «Мўғулистон» ва ғарбий қисми илгаридан шаклланган тарихий номи билан «Мовароуннахр» деб аталди. Иккала маъмурий бирлик ўртасидаги чегара тахминан Иссиқкўлнинг ғарбидан ўтган. «Мўғулистон» деган ном Амир Темур 1389 йили бу ҳудудни узил-кесил ўз давлати таркибига киритгандан кейин ҳам сақлаиб қолди. Мўғулистон ҳам ўз навбатида иккита йирик маъмурий бирликдан ташкил топган эди: шимолий қисми Мўғулистон, жанубий қисми — Манглай Субе (ҳозирги Шарқий Туркистон).

Мўғулистон. Мўғулистон алоҳида сиёсий бирлик мақомини олиб, 1348 йили Туғлуқ Темур улус амирлари томонидан унга хон қилиб кўтарилди. Умуман, Мўғулистоннинг XIV—XV асрлардаги ҳукмдорлари рўйхати қуйидагичадир (О. Ф. Акимовнинг маълумоти бўйича — 5, с. 156—165):

Туғлуқ-Темурхон (1347—1362)

Илёсхожа ибн Туғлуқ-Темурхон (1362—1363)

Қамариддин — дўғлот аймағидан (1363—1389)

Хизрхожа ибн Туғлуқ-Темур (1389—1400)

Темурийлар даври ёзма манбаларида ёзилишича, Қамариддиннинг узил-кесил тор-мор этилиши ва Хизрхожанинг Мўғулистонда хонлик тахтини эгаллаши 80-йилларнинг бошларига тўғри келади.

Шамъи Жаҳон ибн Хизрхожа (1400—1407)
 Муҳаммадхон ибн Хизрхожа (1407—1415)
 Нақши Жаҳон ибн Шамъи Жаҳон (1415—1418)
 Вайс (Увайс) ибн Шерали-ўғлон ибн Хизрхожа (биринчи марта 1418—1421)
 Шермуҳаммад ибн Муҳаммадхон (1421—1424)
 Вайс (Увайс) ибн Шерали-ўғлон (иккинчи марта 1424—1428)
 Эсонбуро ибн Вайс (Увайс) хон (1429—1461)
 Дўстмуҳаммад ибн Эсонбуро (1461—1468; Марказий ва Шарқий Мўғулистон, Турфон вилояти)
 Кебексултон ибн Дўстмуҳаммад (1468—1473; Турфон вилояти)
 Юнус ибн Вайс (Увайс) хон (1468—1487; 1458—1469, Фарбий Мўғулистон)
 Султон Маҳмуд ибн Юнусхон (1487—1508; Фарбий Мўғулистон)
 Султон Аҳмад (Алачахон) ибн Юнусхон (1485—1504; Марказий ва Шарқий Мўғулистон, Турфон вилояти)...

Мўғулистоннинг XIV асрнинг 2-ярми — XV аср давомидаги тарихи кўпроқ Темур ва темурийлар давлати тарихи билан боғлиқ бўлган.

«Мўғулистон» топонимининг пайдо бўлиши эса, мўғуллар давлатининг ташкил топиш тарихига етиб боради. Ўша даврда ёзилган форсий тарихий манбаларда «мўғул» этнонимига форсча «истон» қўшимчаси қўшилиб, «Мўғулистон» топоними ҳосил қилинган; маъноси: «мўғуллар юрти», демакдир. Бу топонимда XIV—XV асрлар манбаларида иккита жой акс этган.

1. Биринчиси — «Мўғулистон» деганда тахминан ҳозирги Монголия ҳудуди назарда тутилган. Масалан, Шарафиддин Али Яздий қадимги туркий султонлар ҳақида сўз юритганда улар яшаган жой Мўғулистон эканлигини қайд этади:

«Юлдузхон ота ўрнига (тахтга) ўтирди ва (унга) мерос мамлакатни бошқаришга киришди, яхши расму одатларни тутди. У Мўғулистонда подшоҳ бўлиб турганида эл ҳузур-ҳаловатда бўлди» (60, 20 б варақ).

«Тангрихон салтанат бошқарувига тайинлангандан сўнг, ота ва бобоси йўл-йўриғидан четга чиқмади ҳамда ўн йил Мўғулистонда хонлик қилди» (60, 21 а варақ). Ана шу қадимги Мўғулистоннинг чегарасини Али Яздий қуйидагича тавсифлайди: «Мўғул эли шарқ томонда (жойлашган) ва обод ерлардан узоқда. Унинг айланаси етти ва сак-

киз ойлик йўлдир; шарқ томони Хитой чегарасигача, ғарби Уйғур еригача, шимоли Қирқиз ва Салангойгача, жануби то Тибат еригача. У (мўғул)ларнинг овқати, асосан, ов (ҳайвонларидан), кийимлари ҳайвонлар, жумладан, йиртқич ҳайвонлар терисидан» (60, 21 б варақ).

Али Яздий қадимги давр учун «Мўғулистон» топоними-га синоним сифатида «Мўғул улуси», «Мўғул эли», «Мўғул ери» (Замини мўғул) ибораларини ҳам қўллаган.

2. Иккинчиси — кейинги давр, яъни XIV—XV асрлар тарихий воқеалари баёнида «Зафарнома»да «Мўғулистон» деганда Чигатой улусининг шарқий қисми назарда тутилган. Чунончи, Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» номли машҳур асарида (XVI аср) Мўғулистонни шундай чегаралаган: «Ҳозирги вақтда Мўғулистон ҳудуди шарқда — Қалмоқ ери, яъни Барскўл, Эмил, Иртиш; шимолда — Кўкча-Тенгиз (Балхаш кўли), Бумлиш, Қоратол; ғарбда — Туркистон, Тошкент; жанубда — Фарғона, Кошғар, Чолиш, Турфон билан чегарадош бўлган жойдан иборатдир» (42, 6 а варақ; 41, с. 26). Кўриниб турибдики, Мирзо Ҳайдар ҳозирги Шарқий Туркистон ҳудудини Мўғулистонга киритмаган ва уни «Манглай-Субе» деб атаган ҳамда қуйидагича изоҳлаган: «Чигатойхон ўзига қарашли ерларни тақсимлаганда, амир Буложининг бобоси Бадартуга Манглай-Субе (вилояти)ни тегишли этди. (Бу ном) «Қуёшли томон» деган маънони англатади ва Чигатой улусининг шимолий қисмига нисбатан берилгандир» (42, 6 а варақ). Мазкур асарда Манглай-Субе вилоятининг чегаралари ва шаҳарлари ҳақида ҳам маълумот бор: «Унинг шарқий (чегараси) — Кусон ва Бўрлукур; ғарбий (чегараси) — Самгар ва Чақишмон, улар Фарғона вилояти билан чегарадош; шимолий (чегараси) — Иссиқкўл; жанубий (чегараси) — Барсхон ва Сариг-Уйғур. Асосий шаҳарлари: Кошғар, Хўтан, Ёрканд (Ёркент), Кошон, Ахсикат, Андижон, Оқсув, Отбоши, Кусон. Вилоят маркази Оқсув шаҳридир, вилоятни бошқарувчи дуғлот амирининг қароргоҳи ҳам ўша ерда» (42, 6 а варақ).

Темурийлар даври ёзма манбаларида Мўғулистоннинг чегаралари Мирзо Ҳайдар ёзганидан бир оз фарқ қилади. 1) Мўғулистоннинг ғарбий чегараси Еттисувдан, аниқроғи Ашпара шаҳридан ўтган (бу шаҳарнинг қўрғони Амир Темур фармони асосида барпо этилган); 2) Фарғона водийсидаги Ахсикат ва Андижон шаҳарлари, шунингдек Тошкент шаҳри ҳам Мўғулистон таркибига кирмаган, улар Мовароуннаҳрга тегишли бўлган; 3) Шарқий Туркистон ҳудуди учун аниқ бир ном қайд этилмаган, баъзан «Мўғулистон» номи билан эслатилади. Масалан, Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида амирзода Искандар Мўғулистонга юриш қилиб Кошғар, Ёркант, Уч, Оқсув каби шаҳарларга чопқин ясади, деб ёзади (60, 353 а—354 а варақлар). Лекин кўп ҳолларда Шарқий Туркистондаги сиёсий воқеалар устида сўз кетганда, вилоят номи эмас, балки ундаги шаҳарлар — Кошғар, Турфон, Қорахожа, Қумул, Ёркент, Хўтан номлари эслатилади.

Шарқий Туркистон ҳудудининг XV—XVII асрлардаги номи ҳозирги илмий тадқиқотларда ҳар хил қайд этилган. Жумладан, шарқшунос В. В. Бартольд Манглай-Субе (ёки Манглай-Суйе) билан Мўғулистонни бир вилоят деб биледи ва умумий ном билан «Мўғулистон» деб атайди (14, с. 75). И. Я. Златкин «История Джунгарского ханства» («Жунгория хонлиги тарихи») асарида Шарқий Туркистон ҳудудини «Мўғулистон» дейди ва унинг XV аср ўрталарида бир-бирига тобе бўлмаган икки қисм, яъни шарқий (маркази Турфон) ва ғарбий (маркази Кошғар) қисмлардан ташкил топганлигини қайд этади (28, с. 40—41). О. Ф. Акимовский Шарқий Туркистон ерларини Мўғулистон таркибига киритмайди ва бу ўлка учун XVI—XVII асрлар манбаларига таяниб «Мўғул давлати» деган номни ишлатиб, шундай ёзади: «Мўғул давлати деганда биз 1514 йили Шарқий Туркистонда Мўғулистон хонлари авлоди чиғатой Султон Саид томонидан ташкил этилган ва маркази Ёркент шаҳрида жойлашган давлатни тушунамиз» (4, с. 14). Бу давлат XVII асргача барқарор эди ва манбаларда

«Эли мўғул», «Билоди мўғул», «Мамлакати мўғул» тарзида қайд этилган. Бироқ, М. Қутлуқов бунга эътироз билдириб, Султон Саидхон тузган давлатни «Ёркенд хонлиги» деб аташ тўғрироқ бўлади, деган хулосага келган (34, с. 35).

Ёзма манбалар маълумотлари ва илмий тадқиқотларга таяниб хулоса қиладиган бўлсак, Темурийлар даври (XIV асрнинг 2-ярми — XV аср) учун собиқ Чиғатой улусининг шарқий қисми умумий тарзда «Мўғулистон», деб аталгани маълум бўлади. Шу билан бирга, Шарқий Туркистоннинг ҳозирги ҳудуди (Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян-Уйғур автоном райони) икки хил ном: ғарбий қисми — Манглай-Субе ва шарқий қисми — Қалмоқ номлари билан ҳам аталган.

Жете (Жата) — Темурийлар даври ёзма манбаларида Мўғулистон яна шу ном билан ҳам аталган, яъни иккала ном бир-бирига синоним тарзда қўлланаверган. «Жете» топоними «жете» этнонимидан келиб чиққан.

Туркистон — бу топоним Темурийлар даври манбаларида аниқ бир маъмурий бирликнинг номи сифатида қайд этилмаган (136- бетга қаранг).

Уйғур мамлакати — аниқ бир маъмурий бирлик номи сифатида қайд этилмаган.

Мовароуннаҳр — тахминан ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди ва унга ёндаш ерларнинг тарихий шаклланган номи. Чиғатой улуси иккита маъмурий бирликка бўлингач, унинг ғарбий қисми тарихий номи билан Мовароуннаҳр деб аталган ва XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб унинг сиёсий мавқеи кучайди; улуснинг Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган охириги мустақил хони Қозон-Султонхон (1332—1346) эди. Ундан сўнг ҳокимият амирлар қўлига ўтиб, улар анъанани бузмай хонлик тахтига Чингизхон авлодидан хон тайинлаганлар. Дастлаб амир Қазаған (1346—1357) ҳукмдор бўлди ва хонлик тахтига, аввалида, Донишмандча ўғлонни (1348—1357) ўтказди. Амир Қазаған салтанати чегараларини кенгайтириб, Хуросонни

ҳам забт этишга муваффақ бўлди. «У қиш чоғи Соли-Саройда яшарди, баҳорда Қоранавар гулзорига қўнарди, ёзда ва кузда эса Мункда яшамоқ байроғини тикарди»,— деб ёзади Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да (60, 94 а.варақ). Демак, Амир Қазағанинг салтанат қароргоҳи Мовароуннаҳрнинг жанубий ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолий қисмига тўғри келади.

Амир Қазаған ўлиmidан сўнг, ўғли амирзода Абдуллоҳ тахтни эгаллайди ва давлати пойтахтини Самарқандга қўчиради. У отаси тайинлаган хон — Баёнқулихонни ўлдириб, ўрнига Темуршоҳ ўғлонни (1357—1358) хонлик тахтига тайинлайди. Бу ўзбошимчаликдан норози бўлган бошқа амирлар, жумладан, амир Баён-Сулдуз билан амир Ҳожи Барлос Самарқандга юриш қилиб, амирзода Абдуллоҳни ва у тайинлаган хонни ҳайдаб юборадилар. Мовароуннаҳрда ички феодал тарқоқлик авжига чиқади. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да бу ҳолатни қуйидагича шарҳлаган: «Амирлар ва нўёнлардан ҳар бири ўзи (бошқариб) турган жойда ҳийла-найранг билан якка ҳокимлик қилмоқ байроғини тикди. Қўл остида одами бор бўлган ҳар кимсанинг хаёл қуши калласи ошёнасида сарварлик ва мағрурлик тухмини қўйди. Кимнинг бир оз кучи бўлса, орзу бургути салтанат савдоси ҳавосида қанот қоқарди.

Илгаридан ҳазрат Соҳибқирон ва амир Ҳожи Барлоснинг ота-боболарига тегишли бўлган Кеш шаҳри ва унинг ён-атрофлари ҳозир ҳам уларнинг қўл остида эди. Хўжандни амир Боязид жалойир бошқарарди. Баъзи вилоятлар амир Ҳусайн ибн Мусло ибн амир Қазаған ихтиёрида бўлиб, у қўшин ва аркони давлат билан отасининг ўрнига даъвогарлик қиларди. Балхда Улжой-Буғо сулдуз ўз аймағи билан ҳукмронликдан сўз қотарди. Шибирғонда Муҳаммад-хожа апарди, ноймон ўмоқидан шу йўсинда иш тутган эди. Бадахшон шоҳлари ўз тоғларида бировга бош эгмасдилар. Кайхусрав ва Улжойту апарди ҳам Хатлон ва Арҳанг вилоятларида худди шу йўлни тутганлар. Қадимий юрти Самарқанд навоҳийсидаги Сарипул

ва Тонкант бўлган амир Хизр ясавурий барча ясавурийларни (атрофига) йиғиб, ҳеч кимсани писанд қилмасди. Бу турли-туман тоифалар ўртасида анча уруш-жанжаллар бўлиб ўтди, кўп одамлар nobуд бўлди» (60, 94 б—95 а варақлар).

Мазкур маълумотлар XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳр маъмурий жиҳатдан кичик-кичик ҳокимликларга бўлиниб кетганлигини кўрсатади. Шу кезларда Чигатой улусининг шарқий қисми — Мўғулистон тахтини эгаллаб турган Туғлуқ-Темурхон мавжуд вазиятдан фойдаланиб, 1360 йили Мовароуннаҳрга қўшин тортиб уни забт этди ва собиқ Чигатой улуси ҳудудини тиклашга муваффақ бўлди.

Кейинги ўн йил давомида Амир Темур мустақиллик учун курашиб, ниҳоят ўз давлатини тузди ва Мовароуннаҳр бу давлатнинг асосий қисми бўлиб қолди. Амир Темур ўз салтанати доирасини кенгайтириб бориб, ҳукмига кирган мамлакатларни, асосан, ўғиллари ва невараларига суюрғол қилиб берган. Хуросон дастлаб Мироншоҳга, кейинчалик Мирзо Шоҳрухга, Кобул ва унинг атроф ерлари Пирмуҳаммадга, Озарбойжон, Ироқ ва Кичик Осиё аввалида Мироншоҳга, сўнгра унинг ўғли Мирзо Умарга, Мовароуннаҳрдан шарқдаги ўлкалар Улуғбек ва Иброҳим Султонга суюрғол қилинган. Андигон ва унинг атрофи ерлари Мирзо Умаршайхга иқтои хосса қилиб белгиланган эди (60, 405 а варақ).

Улуғбекка суюрғол қилинган ерлар. Темурийлар даври ёзма манбаларида ушбу мавзуга оид маълумотлар умумий сиёсий воқеалар баёнида қуроқ ҳолда учрайди.

Амир Темур вафотидан сўнг, унинг авлодлари ўртасида тож-тахт учун кураш авж олади. Мовароуннаҳр салтанатини аввалида Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон (1384—1411 йиллар) эгаллайди. Аслида эса, Соҳибқирон тахтга невараси Пирмуҳаммад (Жаҳонгирнинг ўғли)ни валиаҳд бўлишини васият қилган эди. Шу сабабдан, Халил Султон номигагина Муҳаммад Жаҳонгир (Пирмуҳаммаднинг укаси — Муҳаммад Султоннинг ўғли)ни хонликка номзод

қилади ва у ҳали ёш (9 ёшда) бўлганлиги учун шу йўл билан ҳокимиятни ўз қўлига олади. Мирзо Шоҳрух бундан норози бўлади ва Халил Султон қошига элчи юбориб бўйсунитишни талаб қилиб, Мовароуннаҳрга юришга отланади. Халил Султон жавоб элчиси орқали қуйидаги арзни етказди:

«Мен он ҳазратнинг бандаси, давлатхоҳи ва инисиман; аммо ҳазратимизнинг злу улуслари Хуросондадир; албатта у мамлакатни ташлаб кетмасалар керак, бу вилоятни бирор қулларига ёки ини ва ноибларига топширарлар. Шундай бўлгач, бу ишга мендан бошқа қайси бир қул қобилиятлироқ бўла олиши мумкин?! Агар илтимосимни қабул айлаб яқин қариндошлик ҳуқуқига риоя қилсалар ва бахту саодат билан қайтиб кетсалар, мен хазина ва мол юбораман ҳамда ҳар нимагаки ишорат этсалар бажо келтираман» (1, 63-бет).

Шундан сўнг бу низо сулҳ билан тугаб, Мирзо Шоҳрух 808 (1405—1406) йили ўғли Улуғбекни Мовароуннаҳрдан ўз ҳузурига — Хуросонга чақиртириб олишга мажбур бўлади ва унга дастлаб Андхўй билан Шибирғонни идора қилиш буюрилади (1, 97—98, 100—103-бетлар). Лекин кўп ўтмай, 809 (1406—1407) йили Мирзо Улуғбекка Хуросоннинг Тус, Хабушон, Калот, Бовард, Нисо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопур вилоятларини топшириб, унинг тасарруфидаги ерлар кўламини анча кенгайтирди. Айни пайтда, ундан ғарбда жойлашган Деҳистон ва Астрободни ўз ичига олган Мозандарон вилоятини Мироншоҳнинг ўғли мирзо Умарга суюрғол қилди. Бироқ, кўп ўтмай, шу йилнинг ўзидаёқ Мирзо Умар ўз мавқеини кучайтириб Хуросонни босиб олишни мўлжаллай бошлади. Шоҳрух унинг устига юриш қилди. Мирзо Умар жангга кирмай қочди, лекин Мурғоб водийсида амир Мизроб навкарлари билан бўлган тўқнашувда ярадор бўлиб оламдан кўз юмди (1407). Шундан сўнг, Мирзо Шоҳрух Мирзо Умарнинг суюрғолини ҳам Улуғбекка қўшиб берди. «Он ҳазрат Мирзо Улуғбекни янгидан Хуросон ҳам Мозандарон ҳукм-

дорлигига тайин қилди»,— деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий (1, 97—98, 100—103- бетлар).

Кейинги икки йил ичида кечган сиёсий воқеалар — амир Худойдод Хусайнийнинг Самарқандни эгаллаши, Мирзо Шоҳрухнинг Мовароуннаҳрга юриши, Худойдоднинг Самарқандни ташлаб кетиши, Шоҳрухнинг Самарқандга кириб келиши, амир Худойдоднинг ўлими воқеаларидан иборат ва унинг тафсилоти қуйидагича:

Худойдод Хусайний Хўжанд сувидан ўтиб Самарқанд яқинида Шероз қишлоғида Халил Султон билан жанг қилиб, уни енгади ва банди қилади. Шундан сўнг, у Самарқандни забт этиб Мирзо Халил номидан ҳукмлар битиб эълон қилабошлади ва шу тариқа Мовароуннаҳрни эгаллади. У айни вақтда, бир қанча темурий шаҳзодалар — Умаршайхнинг ўғиллари Мирзо Аҳмад Мирак (1388—1425) ва Мирзо Сейди Аҳмадни (1391—1429) ўз томонига оғдириб олмоқчи бўлганида, улар Шоҳрух ҳузурига кетадилар. Амир Худойдод бу муваффақиятсизликдан сўнг Мўғулистондан паноҳ излайди. Лекин у Тошкент атрофларида қолиб, шу ерда ёрдам кутади. Унинг ўғли Оллоҳдод Шоҳрухияни эгаллаган эди. Мирзо Шоҳрух Мўғулистонга юриш бошлайди. Амир Худойдод Мўғулистон подшоси Муҳаммадхондан (1407—1415) кўмак сўрайди. Муҳаммадхон ўз биродари Шамъи Жаҳон подшоҳни (чунки илгарироқ хонлик тахтини у эгаллаган эди; 802—810) амир Худойдоднинг илтимосига биноан мададга юборади (1, 132 бет). Шамъи Жаҳон Тошкент атрофида амир Худойдод билан учрашади, лекин ёрдам бериш ўрнига, уни ўлдиради.

Амир Худойдод билан боғлиқ ушбу воқеалар, асосан, Тошкент вилоятида содир бўлган ва унда Шоҳрухия, Ҳаратепа, Ўтрор каби шаҳарлар тилга олинган.

Шундан сўнг, Мирзо Шоҳрух 812 (1409—1410) йили Мовароуннаҳрни ҳам ўз тасарруфига киритади ва уни идора этишни Мирзо Улуғбекка топширади. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий: «Ҳазрат хоқони саид Мовароун-

наҳр ва Туркистон мамлакати вилоятини саодатли фарзанд, руҳ роҳатию дил қуввати, кўз нурию дин кўмакчиси Мирзо Улуғбек кўрагонга бағишлади»,— деб ёзган (1, 145—146- бетлар). Улуғбек 15 ёшда эди. Шу боис, Мирзо Шоҳрух отасининг энг садоқатли амирларидан бўлмиш амир Шоҳмаликни унга ҳомий этиб тайинлайди. Абдураззоқ Самарқандий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «... у вилоятнинг ҳал қилиш ва ман этиш жиловияю йиғиб олиш ва тарқатиш ихтиёрини адолатликда пешқадам бўлган олижаноб амир — амир Ғиёсиддин Шоҳмаликнинг тўғри раъйи ва зийрак фикрига топширди, у ўзининг ўткир билимча нимани муносиб кўрса (шу билан) мамлакат ишларини тартибга солишга киришсин, деб унинг донолиги ва соф билимига эътибор қўйди» (1, 147—148- бетлар).

Олдинги воқеалар баёнидан маълум бўладики, Мирзо Шоҳрухнинг бу фармони билан, биринчидан, Амир Темурнинг илгарироқ, Улуғбекка қилган суюрғоли ҳақидаги сўзларига амал қилинган бўлса, иккинчидан ундан фарқли томони, Мовароуннаҳр ва Туркистон вилоятлари ҳам унга қўшимча қилинган. Яъни Улуғбекка суюрғол қилинган ерлар доираси олдингига нисбатан кенгайган. Чунки Амир Темур ўз вақтида Ахсикатдан то Хўтангача бўлган жойларни Мирзо Шоҳрухнинг иккинчи ўғли — Иброҳим Султонга белгилаган эди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Мовароуннаҳрнинг жанубий ҳудудлари Мирзо Улуғбек ҳукми доирасига кирмасди. «Матла ас-саъдайн»да қайд этилишича, Мирзо Шоҳрух Мовароуннаҳр ва Туркистонни Улуғбекка суюрғол этиб, доруссалтана Ҳиротга қайтаётганида Ҳисори Шодмонни Мирзо Муҳаммад Жаҳонгир ибн мирзо Муҳаммад Султонга суюрғол қилади ва бу шаҳзодани кейинчалик ўзига неvara куёв қилиб олади. Иброҳим Султонга эса, Балх ва Тўхористон вилояти ҳукуматини Кобул ва Бадахшон чегарасигача белгилаб беради (1, 145- бет).

Шоҳрух томонидан катта бир мамлакатнинг Улуғбекка суюрғол қилиниши унинг бу шаҳзодага нисбатан кўр-

сатган алоҳида меҳр ва илтифотининг белгиси эди. Зеро, у бошқа ўғилларига бунчалик катта ҳудудни суюрғол қилмаган.

Халил Султон, ўз вақтида содир бўлган амир Худойдод воқеасидан сўнг, Мирзо Шоҳрух ҳузурига келади. Шоҳрух уни ўзи билан бирга Ҳиротга олиб кетади ва маълум вақтдан сўнг, собиқан унинг марҳум отаси мирзо Мироншоҳ девонига тааллуқли бўлган Ироқи Ажам ва Озарбайжонга юборади (7 зулқаъда 812/13 март 1410). Халил Султон дастлаб Рай вилоятида, сўнгра Исфаҳонда, охирда яна Райда қисқа муддат яшаб, 16 ражаб 814 (3 ноябрь 1411) йилда вафот этади (1, 169- бет).

Мирзо Шоҳрух Мовароуннаҳрни Улуғбекка суюрғол қилишдан олдинроқ, амир Худойдод Ҳусайний воқеаларида «садоқат изҳор этиб жонбозлик кўрсатган мирзо Амирак Аҳмад ибн Мирзо Умаршайхга лутф кўрсатиб, Ўзжанд мамлакатини унга суюрғол қилиб беришни лозим топган эди»,— деб ёзади Абдураззоқ Самарқандий (1, 133- бет). Шоҳрух бу фармонни Мўғулистонга юриши чоғида (Ўратепада) чиқарган бўлиши керак. Чунки «Матла ас-саъдайн»да бу ҳақда Шоҳрух Мовароуннаҳр юришидан Ҳиротга қайтиб келишидан олдинги воқеалар баёнида айтилган. Демак, бу юришда Улуғбек қатнашмаган, Хуросонда қолганга ўхшайди. Лекин умумий ҳокимлик Мирзо Улуғбекка тегишли бўлганлиги сабабли, Амирак Аҳмад унга бўйсунарди; 817 (1414—1415) йили Улуғбек уни бир иш юзасидан Самарқандга чақиртирганида у келмайди. Шунда Улуғбек унинг устига қўшин юборади, улар Аҳси ва Андижон қўрғонларини эгаллайдилар. Бу Улуғбекнинг мустақил ҳоким сифатида биринчи ҳарбий тадбири эди. Амирак Аҳмад Мўғулистондан ёрдам олиб жанг қилади, лекин ғалабага эриша олмайди; мўғуллар қўлга киритган ўлжа билан чекланиб қайтиб кетадилар. Мирзо Амирак Аҳмад Қошғарга қочиб кетади. Шоҳрух унга юпанч хати юбориб Ҳиротга чақиртириб олади, лекин фитна уюштириш пайида эканлиги аниқлангач, 819 (1416)

йили уни мамлакатдан чиқариб, Маккага (сургун) қилишга фармон этади (1, 230-бет). Амирак Аҳмад Хуросонга кетишда Кошғарда Шайх Али Тағойни ўз ноиби қилиб қолдирган эди; у Улуғбекдан узр сўраб, Кошғарни топширди. Улуғбек ўз навбатида Сиддиқ ва Али Такритларни Кошғарга ноиб этиб тайинлади. Шундай қилиб, Мирзо Шоҳрух Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатларини Улуғбекка суюрғол қилганда, унга қўшни бошқа ўлкалар қўйдагича тақсимланган эди: Ўзжанд вилоятини Амирак Аҳмад ибн Мирзо Умаршайх ва Ҳисори Шодмонни Муҳаммад Жаҳонгир ибн Муҳаммад Султон тасарруфига берган эди.

Бадахшон вилояти Мироншоҳнинг ўғли амир Ийжил (1387—1415) ихтиёрига берилган бўлсада, у мухторият ҳуқуқига эга эди ва ўз шоҳлари томонидан бошқариларди; бевосита Ҳиротга бўйсунарди ва Мовароуннаҳрга дахли йўқ эди.

Хоразм мамлакатиди Амир Темур вафотидан сўнг, у ҳоким этиб тайинлаган амир Мусоко Дашти Қипчоқдан амир Идику ҳужумига дош беролмай Самарқандга қочди. Умуман, то 815 (1412—1413) йилгача Хоразм феодал низолар гирдобиди бўлди ва ниҳоят Мирзо Шоҳрух уни урушсиз эгаллаб 815 (1412—1413) йили амир Шоҳмаликни у ерга ҳоким қилиб тайинлади. Хоразм ҳам бевосита Ҳиротга бўйсунарди.

Сирдарёнинг қуйи ҳавзаси кичик ҳокимликдан иборат бўлса-да, лекин Мирзо Улуғбек тасарруфида эди. Кейинчалик бу ерларда кўчаманчи ўзбекларнинг таъсири кучайиб, 1425 йили Буроқ-ўғлон билан Улуғбек қўшинлари ўртасида тўқнашув юз берди ва унда темурийлар лашкари мағлуб бўлди.

Шимоли-шарқий ерлар ҳам — Сайрамдан то Ашпарагача бевосита Улуғбекка қарашли бўлса-да, бироқ марказ — Самарқанддан узоқлигидан бўш ҳимояланган эди. Шу сабабдан, Мўғулистон хонлари Мовароуннаҳрга юриш қилган чоғларида, бу ораликдан айтарли тўсиқсиз ўтганлар

(масалан, амир Худойдод ва шайх Нуриддин чиқишлари воқеаларида).

Улуғбекнинг Мовароуннаҳр ҳокими бўлишига норозилик ҳам бўлган. Юқорида қайд этилган амир Худойдод исёни бостирилиб, Шоҳрух пойтахт Ҳиротга қайтгач, шайх Нуриддин қўшин билан Ўтрордан Самарқанд сари юради. Унга қарши чиққан амир Шоҳмалик енгилади ва Улуғбек Самарқандни тарк этиб Хуросон томон қочишга мажбур бўлади ва Келифга бориб туради. Лекин Самарқанд аҳолиси шайх Нуриддинни шаҳарга киритмайдилар. Шайх Нуриддиннинг Ҳисори Шодмондан мирзо Муҳаммад Жаҳонгирни алдаб ўзига қўшиб олгани ҳам иш бермайди.

813 йил 14 муҳаррамда (1410 йил 19 май) Мирзо Шоҳрух Мовароуннаҳр сари юриш қилади. Қизилпработ ва Оби Ём атрофларида бўлган ҳал қилувчи жангда Шоҳрух лашкари шайх Нуриддин қўшинлари устидан тўла ғалабага эришади. Лекин кейинги йил — 814 (1411—1412) йили шайх Нуриддин Мўғулистон подшоси Муҳаммадхоннинг ҳузурига боради; у ўз биродари Шамъи Жаҳонни ўн беш минг киши билан ёрдамга юборади. Улар Сайрамни қамал қилиб турганларида, амир Шоҳмалик қўшин юбориб тўсатдан Янгига ҳужум қилади ва у ердаги мўғулларни тор-мор қилиб, уларнинг кучини бўлиб ташлайди.

Бу воқеадан сўнг, Муҳаммадхон катта лашкар билан Мовароуннаҳрга юради. Мирзо Шоҳрухга бу ҳақда хабар етгач, у ҳам Мовароуннаҳрга юриш қилишга мажбур бўлади (814/1411 йил) ва Самарқандга келади (10.IX.1411). Шу орада Муҳаммадхон темурийлар билан низога боришдан воз кечиб, Мўғулистонга қайтиб кетади. Амир Шоҳмалик шайх Нуриддинни Саброн (Саврон) қалъасида ҳийла билан ҳалок қилади.

Низолар бостирилгач, Шоҳрух Хуросонга қайтиб ўзи билан амир Шоҳмаликни ҳам олиб кетади. Улуғбек Мовароуннаҳрда мустақил ҳоким бўлиб қолади.

Мўғулистон расмий жиҳатдан Мирзо Улуғбек ҳукмида бўлса-да, бироқ мухторият тарзида эди. Унинг ўз

хонлари, ички зиддиятлари, ташқи сиёсати бўлган. Жумладан, 1418 йили Хизрхожахон авлодлари ўртасида жанжал чиқиб, Вайсхон бош кўтариб Мўғулистон хони Нақши Жаҳонни ўлдиради. Бу воқеа эл-улусда сиёсий аҳволни кескинлаштириб, феодал низони кучайтиради. Мирзо Улуғбек юзага келган тартибсизликни бартараф этиш мақсадида, 1420 йили Мўғулистонга қўшин тортади. Лекин йўлда у улусда осойишталик юзага келиб, улар тобелик изҳор этганларини эшитиб Самарқандга қайтади. Бироқ, кейинроқ, Мўғулистон хони Шермуҳаммад ўғлон (1421—1425) ўзини мустақил хон деб эълон қилганда, Улуғбек Мўғулистонга юриш қилади ва жанг қилиб ғалаба қозониб Вайсхонни хонлик тахтига ўтказди. Улуғбек Мўғулистоннинг ғарбий қисми, яъни Иссиқкўл атрофларига Сотуқхонни ҳоким этиб тайинлагани ҳам маълум (42, 42 б варақ).

Туғлуқ-Темурхон вафотидан (1362) кейин хон бўлган Илёсхожа бир йилдан сўнг Қамариддин дўғлот томонидан ўлдирилади ва Мўғулистон ҳукмдорлиги унинг ихтиёрига ўтади. Бу даврда Мўғулистон ички феодал низолар ва Қамариддин билан Амир Темур ўртасидаги жанг-жадаллар гирдобидида қолган эди. Ундан сўнг Мўғулистонда яна Туғлуқ-Темур авлоди, унинг ўғли Хизрхожа хонлик тахтини эгаллайди. «Хон сайлангач, Мўғулистонда яна осойишталик ҳукм сурабошлади»,—деб ёзади Муҳаммад Ҳайдар (42, 33 а варақ). У ўз ҳукмдорлиги чоғида Амир Темурга бўйсунган; айна пайтда давлати чегараларини, айниқса шарқий ҳудудларини кенгайтиришга, Турфон ва Қорахожа вилоятларида исломни кенг жорий этишга ҳаракат қилган; вафотидан кейин эса ҳокимиятни ўғиллари бошқарди. Яъни хонлик тахти Чиғатой авлодига, улусни бошқариш (амир-оқсоқол)лик эса, собиқ анъанага мувофиқ, дўғлот амирларига қолдирилди. Шарқий Туркистон ҳудуди (маркази Оқсув шаҳри) деярли дўғлот амирлари ихтиёрида эди. Жумладан, олтита хон ҳукмронлиги даврида, яъни Хизрхожахон давридан то Вайсхон салтанатигача (1418—1421; 1424—1428) улус бошлиғи вазифа-

сини дуғлот амир Худойдод эгаллаб турган ва унинг улус-
да обрўси жуда юқори бўлган. Мирзо Ҳайдарнинг ёзиши-
ча, Кошғар шаҳри Чингизхон давридан бошлаб амир Ху-
дойдоднинг аждодларига иқто қилиб берилган эди (42, 36
б варақ) ва улар шу жойнинг волийси ҳисобланардилар.

Бироқ юқорида қайд этилган Амирак Аҳмад воқеаси-
дан сўнг, Улуғбек Кошғарни бевосита ўз қўл остига олди.
Мўғулистонда Нақши Жаҳон, Шермуҳаммадхон ва Вайс-
хон салтанати даврида (1415—1428) Кошғарни Улуғбек
тайинлаган волийлар — Мир Султон Малик Дўладий, хо-
жа Муҳаммад Шойиста ва Мир Муҳаммад барлос бошқар-
дилар.

Вайсхондан сўнг хонлик тахти унинг авлодларига ўтди:
Эсон-Буғохон Вайсхон ўғли (1429—1461); Дўстмуҳаммад
Эсон-Буғохон ўғли (1461—1468; Марказий ва Шарқий
Мўғулистон, Турфон вилояти); Юнусхон Вайсхон ўғли
(1458—1469, Ғарбий Мўғулистон); Кебек-Султон Дўстмуҳам-
мад ўғли (1468—1473, Турфон вилояти); Султон Маҳмуд
Юнусхон ўғли (1487—1508, Ғарбий Мўғулистон); Султон
Аҳмад (Алачахон) Юнусхон ўғли (1485—1504, Марказий ва
Шарқий Мўғулистон).

Эсон-Буғохон салтанати даврида Оқсув ҳокими дуғлот
Сайид Али Сайид Аҳмад ўғли Кошғарга мунтазам юриш-
лар қилиб, пировардида уни эгаллашга муваффақ бўлди ва
чорак аср давомида шаҳарни бошқариб турди. Худди шу
даврда Мўғулистон улусларида низолар кучайиб, унинг ички
тизимида баъзи ҳудудий-маъмурий ўзгаришлар бўлган.
Бунда улус бошлиқларидан кўпчилик қисми Эсон-Буғохон-
дан аразлаб юз ўгирдилар ва Юнусхон томонга ён босди-
лар, баъзилари эса, умуман бирор-бир хонликни тан олмай
ўз ихтиёрларича яшар эдилар. Чунончи, Мирзо Ҳайдар ёз-
ган маълумотларга кўра, Муҳаммадшоҳ Отбошида яша-
ган. Мир Карим берди дуғлот Фарғона томонга кетиб қол-
ган ва Мўғулистоннинг ғарбий чегараси ҳисобланмиш Ола-
буға деган жойда кўрғон қуриб олган ва у ердан Андижон-
га чопқинлар ясаб турган; Мир Ҳақберди Иссиқкўл
атрофларини эгаллаб, Қўйсўй деган жойга ўрнашган ҳамда
Туркистон ва Сайрам томонларга чопқин қилган; чурос ва
барин улуслари бошлиқлари Қалмоқ томонга кетиб, ўйрот-

ларга қўшилган; бир гуруҳ ғарб томонга кетиб, Абулхайрхонга қўшилган; кунжи амирлари ва яна баъзи бир улус амирлари Мўғулистон даштларида жойдан-жойга кўчиб юришарди (42, 45 а варақ; 41, 103—104- бетлар).

Лекин Оқсувни қароргоҳ қилиб олган Эсон-Буғохон салтанатининг охирги йилларида мавқеини бирмунча кучайтиришга ва Мўғулистон амирларини яна ўз таъсир доирасига тортишга муваффақ бўлди. Ҳатто Мовароуннахрнинг Сайрам, Туркистон ва Андижон каби вилоятларига чопқин ясаш учун ҳам куч йиғаолди. Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида Абулхайрхон (1428—1468) билан низолашиб, Мўғулистон томонга бошпана излаб борган шаҳзодалар — Жонибекхон Кирайхонга Эсон-Буғохон ўз мамлакатининг ғарбий чеккаси — Чуй водийси атрофларидан ер ажратиб бергани ҳам маълум. Кейинчалик бу ерда Қозоқ хонлиги вужудга келди. Мирзо Ҳайдар бу жойни «Қўзибоши», дейди (42, 45 а варақ).

XV аср ўрталаридан бошлаб Мўғулистонга қалмоқ (ўйрот) лар кириб келабошлайди. Умуман, қалмоқлар Мўғулистон ҳукмдорлари билан тўқнашувларда кўпинча устун келганлар ва уларнинг Шарқий Мўғулистонга таъсири анча кучли бўлган. Бу даврда Мўғулистон бир нечта феодал ҳокимликларга бўлинган эди. Марказий ва Шарқий Мўғулистонни, шунингдек Турфон вилоятини Эсон-Буғохоннинг ўғли Дўст Муҳаммад (1461—1468) ва невараси Кебек-Султон Дўст Муҳаммад ўғли (1468—1473) бошқарган. Ғарбий Мўғулистон, жумладан Иссиқкўл атрофлари ҳам, Юнусхон (1458—1469) ҳукмида бўлган. Унинг шўхрати тобора ортиб бориб, Мўғулистоннинг катта қисмини, жумладан Оқсув шаҳрини ҳам қўлга киритди. Қалмоқлар билан бўлиб ўтган тўқнашувда Юнусхон дастлаб мағлуб бўлган бўлсада, бироқ кўп ўтмай, уларни Мўғулистондан ҳайдаб яна ҳокимиятни ўз қўлига олди.

Кошғар тўла-тўқис дуғлот амирлари қўл остида бўлиб, уни Мир Сайид Али (вафоти 1457) бошқарарди (42, 48 б варақ). Ундан кейин ҳокимиятга келган авлодлари даврида Мўғулистон хони Дўст Муҳаммадхон билан бир оз нифоқ

вужудга келган бўлса-да, лекин бу туб ўзгаришга олиб келмади. Юнусхон даврида Кошғарда Мир Сайид Алининг кичик ўғли Муҳаммад Ҳайдар («Тарихи Рашидий» асари муаллифининг бобоси) ҳоким бўлиб, бу вазифада 24 йил турган (42, 54 б варақ) ва Кошғар Шарқий Туркистоннинг бош шаҳрига айланган; Турфон ва Хўтан шаҳарлари унга тобе бўлган.

Муҳаммад Ҳайдар ҳукмронлигининг охириги йилларида, XV асрнинг сўнгги чорагида Кошғар Мир Сайид Алининг катта ўғли Мирзо Абубакр Саниз Мирзо ўғли қўлига ўтади ва у 48 йил ҳукмронлик қилади. Баъзи тадқиқотларда у Кошғар, Ёркенд ва Хўтан шаҳарларини бирлаштириб 1465 йили Ёркенд хонлигига асос солган, дейилади (34, с. 35).

Мовароуннаҳрда Мирзо Шоҳрухнинг вафоти (1447), сўнгра Улуғбекнинг ўлдирилиши (1449) воқеаларидан сўнг, Улуғбек авлодлари қисқа муддат ичида тож-тахт таллашиб ўтиб кетдилар. Ундан кейин ҳукмронлик тахтини Мироншоҳ авлодлари эгаллади: Султон Абусаид (1451—1469); Султон Аҳмад (1469—1494); Султон Маҳмуд (1494—1498), Султон Али (1498—1501), Умаршайх (1469—1494, Фарғона ҳокими), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1494—1500, Фарғона ҳокими, қисқа муддат Самарқандни ҳам эгаллаган).

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЁЗМА МАНБАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАБИАТИ ВА ХЎЖАЛИГИ

Ободончилик — табиат билан жамият муносабатига дахлдор фаолият маҳсулидир. Табиат эса, ўз навбатида, рельеф, иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олаmidан таркиб топган географик элементлар мажмуасидан иборат. Ҳозирги даврда Ернинг табиатини, умуман ёки айрим ўлкалар миқёсида тарихан ўрганилиши қатор вазифалар — табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш, табиий бойликларни аниқ белгилаш ва турли экологик муаммоларни ҳал этиш нуқтаи назаридан муҳимдир. Марказий Осиё табиатини тадқиқ этиш жаҳон миқёсидаги биринчи галдаги вазифалар қаторига кўчди (масалан, Орол денгизининг тақдири).

Ер шари табиатини жамият тараққиётининг маълум бир босқичида ўрганишда ёзма мероснинг аҳамияти катта. Зеро, унда табиатнинг турли элементларига дахлдор маълумотлар қайд этилган, жумладан, темурийлар даври ёзма манбаларида Марказий Осиё табиати ва унда жамиятнинг тутган ўрни ҳақида анчагина қимматли маълумотлар бор. Бу маълумотларни тарихий-географик талаб асосида жамлаш, маълум тартиб ва услубда тадқиқ этиш натижасида ўлка табиатининг бугунги ҳолатини кўрсатиш, жамият фаолиятига баҳо бериш ва тегишли хулосалар чиқариш учун имкон туғилади. Шу боис, ушбу бобда дастлаб, темурийлар даври ёзма манбаларидаги Марказий Осиё табиати ҳақида берилган маълумотларга тўхтаб, сўнгра, ободончилик хусусида фикр юритдик.

Денгизлар, кўллар, дарёлар

Каспий денгизи. Темурийлар даври ёзма манбаларида ички сув ҳавзаси шаклида, асосан, Хазар денгизи номи

билан тилга олинган. Шу билан бирга, унинг Обискун денгизи, Гургон денгизи, Дарбанд денгизи, Гилон денгизи каби номлар билан аталиши ҳам қайд этилган.

Орол денгизи. Ҳозирги вақтда Орол денгизи масаласи жаҳон миқёсидаги катта экологик муаммога айланганлиги сабабли, у ҳақдаги ёзма маълумотларга бирмунча кенгроқ тўхталиб ўтамиз.

Орол денгизига бағишланган ҳозирги замон илмий тадқиқотлари XIX асрдан бошланган ва шу кунгача давом этиб келмоқда. Ёзма манбаларга асосланган асосий тадқиқотлардан голланд олими де Гуге, рус олимлари В. В. Бартольд ва Л. С. Берг асарларини кўрсатиш мумкин (15, с. 15—96; 16, с. 74—98; 19).

Юнон олимлари Александр Македонскийнинг юришлари муносабати билангина Марказий Осиё, жумладан, Каспий денгизи ҳақида бирмунча аниқ маълумотларга эга бўлдилар. Кўпчилик юнон олимлари Каспий денгизини дунё океанининг қўлиғи, деб билганлар. Лекин Геродот бу денгизни дунё океани билан туташмаган берк ҳавза, деб тўғри тасаввур этган. Шунингдек, атроф тоғлардан қандайдир Ак номи дарё оқиб чиқиши ва бу сув оқиб ўтган водий хоразмликларга тегишли эканлигини ҳам ёзган; бироқ унинг бирор жойга қуйилиши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Дарёнинг Хоразм ўлкасида эканлигини эътиборга олинса, у ҳолда Геродот Амударё ҳақида ёзган, деб фараз қилиш мумкин, холос. Милоднинг бошларида яшаб ижод этган машҳур юнон олими Клавдий Птолемей эса, ўзининг «География» номи асарида, дунё ўлкалари қаторида, Марказий Осиё картасини ҳам тузган. Птолемей картасида Амударё (Окс) ва Сирдарё (Яксарт) Каспий денгизига бориб қуйилади. Фақат милоднинг IV асрига келибгина, рим олими Аммиан Марцеллин Суғд тоғларида иккита — Араксат ва Дима дарёлари оқиб чиқиши, уларда кемалар қатнай олиши ва улар текисликда қуйи ҳавзасида катта Окс ботқоқлигини ҳосил қилиши ҳақида хабар беради. Марцеллин ёзганларини Орол денгизи ҳақида ғарб мамлакатларида келтирилган биринчи ёзма маълумот деса бўлади.

Милоднинг 568 йили Византия подшоси ҳузуридан Турк хоқонлигига Земарх бошчилигида элчи юборилди. Элчилар қайтишда Орол денгизи бўйидан юриб ўтган, деган тахмин мавжуд. Чунки бу элчилик ҳақида ёзган Меландр Протектор элчиларнинг Оиҳ дарёсидан ўтганлиги,

сўнгра бир катта кўлнинг қумли қирғоқлари ёқалаб Ик (Эмба) дарёсига, сўнгра Даих (Ёйиқ, Урал) дарёсига етиб келганлигини ёзган (15, с. 37).

Хитой манбаларида Марказий Осиё, жумладан, Орол денгизи ҳақида маълумотлар ҳам анча қадимги даврга оид бўлиб, улар Буюк Ипак йўли очилиши билан боғлиқдир. Милоддан аввал 138—126 йилларда хитой сайёҳи Чжан Цянь Марказий Осиёга саёҳат қилиб, Фарғона водийси ва Суғдиёнадан ўтиб Балхгача борган, у ўз саёҳатномасида Фарғона водийсидан шимоли-ғарбда Кангюй ўлкаси, ундан шимоли-ғарбда Яньцай ўлкаси борлиги ва у катта бир кўл соҳилида жойлашганлигини қайд этган. Чжан Цянь бу кўлни «Шимолий денгиз» деб атаган. Милоднинг бошларида ҳам хитойлар Орол денгизига борган, деган тахминлар бор. Кейинроқ, VI аср хитой манбаларида Сирдарё — Яоша ва Амударё — Уху номлари билан тилга олинган.

Қадимги хитой манбаларида Орол денгизи ҳақида узил-кесил аниқ маълумот берилмаган бўлса-да, бироқ унинг мавжудлиги ҳақида эслатиб ўтилган.

Араб халифалиги ташкил топгач, шарқда Марказий Осиёдан то ғарбда Испаниягача бўлган мамлакатлар ягона сиёсий бирлик таркибига кирди ва унинг пойтахти Бағдод шаҳри эди. Савдо-сотиқ ривожланди. Бағдод шаҳри нафақат сиёсий, балки маданий марказга ҳам айланиб, унда илм-фан юксалишига катта эътибор берилди; турли мамлакатлардан олимлар йиғилиб Академия ташкил топди. Бу Академияда Марказий Осиёлик олимлар жуда фарол иштирок этдилар. Мамлакатлараро савдо ва элчилик муносабатларининг кенгайиб бориши натижасида географик билимларни ривожлантиришга эҳтиёж ортди. Бағдод олимлари ичида энг машҳурларидан бири хоразмлик Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (IX аср) ҳам ижод қиларди. У географияга оид «Китоб сурат ал-арз» («Ер сурати китоби») номли асари билан (IX асрнинг биринчи ярмида ёзилган) Шарқда география фанига асос солди. Бу асардан Марказий Осиёга оид анчагина қимматли маълумотлар ўрин олган.

Ал-Хоразмий келтирган маълумотларга кўра, Амударё (Наҳри Балх) ва Сирдарё (Узун дарё) бир кўлга қуйилади; Каспий денгизи эса ўзи яхлит, алоҳида берилган. Кўл (яъни Орол денгизи) чекка нуқталарининг координаталари ҳам берилган: узунлиги $86^{\circ}30'—90^{\circ}$, кенглиги

30°10'—42°. Бу кўрсаткичлар Орол денгизи учун берилган биринчи картографик маълумотдир (71, 58- бет).

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Марказий Осиёлик олимнинг ушбу маълумоти Орол денгизининг тарихини мусулмон манбалари асосида кенг ёритган олимлар — де Ғуе томонидан ҳам, академик В. В. Бартольд томонидан ҳам эслатилмаган. Улар Орол денгизи ҳақидаги дастлабки маълумот ал-Хоразмийдан кейин ижод этган эронлик географ олим Ибн Хурдодбех (820—913), сўнгра бирмунча батафсил араб географ олими Ибн Руста (X аср) қаламига мансубдир, деб билганлар (15, с. 40).

Ибн Хурдодбех «Ал-масолик ва-л-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар») асарида Амударё Қурдар кўлига (Орол денгизи; Қурдар — Орол денгизи бўйидаги шаҳар) қуйилади, деб ёзган.

Ибн Руста таъкидлашича, Амударё Хоразм (Кот) шаҳридан 4 фарсах масофа оқиб ўтгач кўл, қамишзорлар, ботқоқликлар ва ўтлоқлар ҳосил қилади, сўнгра дарё ғарбга бурилиб Журжония ёнидан ўтади. Ундан қуйи-роқда дарёнинг чап ёнидан бир тармоқ ажралади ва Варагдехгача боради. Бу қишлоқ Журжониядан 4 фарсах масофада бўлиб, у ерда Сиёхкўҳ тоғлари бор. Варагдехдан қуйи-роқда дарё бир қанча кўллар ҳосил қилган ва уларни Холижон атайдилар. Бу дарё айланаси 80 фарсах келадиган бир кўлга қуйилади; унинг ғарбий қирғоғи бўйлаб Сиёхкўҳ тоғлари ястанган, шарқда — қалин бутазор, шимол томон Қарят-ул-Ҳадиса (Янгикент, Жанкент — Сирдарёнинг қуйи ҳавзасида, X аср) шаҳри жойлашган (15, с. 40—41).

Араб географ олими ал-Яъқубий (IX аср) шунингдек, Ибн ал-Фаҳихнинг (IX—X асрлар) ёзишларига кўра, Амударё Каспий денгизига қуйилган.

Абу Зайд Балхий, ал-Истахрий ва **Ибн Ҳавқалларнинг** қаламига мансуб «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» номи асарда (X аср) ёзилишича, Жайхун суви Хоразм кўлига (Орол денгизига) қуйилади, у ерда балиқчилар яшайди. Ул жойни Холижон атайдилар, ғузлар юртига яқиндир. Жайхун дарёси қуйилиш еридан то Шош дарёси (Сирдарё) қуйилган жойгача бўлган масофа ўн кунлик йўлдир (Истахрий асарида 4 кунлик йўл). Бу кўлнинг айланаси 103 фарсах, суви шўр, сув сатҳи ўзгармасдан доим бир хил туради.

В. В. Бартольд ушбу маълумотга асосланиб, Орол денгизининг Х асрдаги сув сатҳи билан XX асрдаги сув сатҳи бир хил бўлган, деган хулосага келган (15, с. 42).

Х асрда ёзилган, муаллифи номаълум «Худуд-ул-олам» («Оламнинг чегаралари») номли форсча географик асарда ҳам Орол денгизи ҳақида хабар бор. Унда ёзилишича, Хоразм денгизи (Орол денгизи) Хоразм (Гурганж) шаҳридан қирқ фарсанг шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, унинг атрофи ғузлар еридир. Денгизнинг айланаси уч юз фарсанг келади. Амударё (Жайхун) ва Сирдарё (Ўзганд суви) Орол денгизи (Хоразм денгизи)га қуйилиши ҳам таъкидлаб ўтилган (77, с. 18, 33, 34).

Араб географ олими ал-Муқаддасий (Х аср) шундай ёзади: «Журжония (Хоразмнинг) Хуросон томондаги қисмининг пойтахти бўлиб, Жайхун (дарёси) бўйида жойлашган, атрофини сув босган, сувни ёғочлар билан тўсдилар, дарё шарқ томонга бурилди. Ундан шаҳарга сув келтириш учун ариқлар қазидилар» (44, с. 288; 16, с. 43).

Ибн Руста билан Истахрий ва Ибн Ҳавқал маълумотларида фарқ бор. Истахрий ва Ибн Ҳавқал Амударёнинг Орол денгизига қуйилиш ерини Холижонда деб билсалар, Ибн Руста маълумотида кўра у Сариқамиш кўлига тўғри келади. Агар Истахрийнинг, Курдар илгари дарёнинг асосий тармоғи бўлган деганини эътиборга олсак, у ҳолда Амударё Х асрдан анча илгари шимолга бурилгани ва Орол денгизига қуйилгани маълум бўлади. «Хоразм денгизи» деганда ўша пайтларда фақат Орол денгизини тушунганлар. Гардизий (XI аср) ҳам, печенег (бажанак) лар томонга кетишда ўнг томонда Хоразм кўли жойлашган, деб таъкидлайди.

Агар Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий асарида Орол ҳақида дастлабки картографик маълумот берилган бўлса, иккинчи бир машҳур хоразмлик олим Абу Райҳон Беруний (973—1048) Амударё ва Орол денгизининг узоқ тарихига ҳамда ўз даври учун батафсил илмий хулоса беради. Жумладан, Берунийнинг «Геодезия» асарида шундай маълумотлар келтирилган: «Суткент — Хасарт дарёси бўйидаги шаҳар. Бу дарё Туркистон вилоятида. Шош водийсида энг машҳур дарёлардандир... Қарят ал-Ҳадиса — Хасарт дарёсининг қуйилиш ерида Хоразм кўли ёнида Ғузлар вилоятидадир.

Жайхун ўзани, яъни Балх дарёси (сувини) кўл орқали ўтиб, Болхон деган шаҳар орқали Хазар денгизига қуяр эди... Батлимус «Жуғрофия» китобида Жайхуннинг қуяди-

ган жойи Иркония, яъни Журжон денгизи деб ёзган. Биз билан Батлимус орасида 800 йил... Ўша вақтда Жайхун шу ерлардан ўтган; ҳозир бу ерлар чўлга айланиб қолган ва Замм (Карки) билан Омуйя (Чоржўй) ўртасидаги жойдан (қайрилиб) шу ерларда шаҳар ҳам қишлоқларни то Болхонгача суғорган. Кейин Журжон билан Хазар ўртасида денгизга қуйилган.

Иттифоқо у (Жайхун) тўсилиб қолди, унинг суви фуз ерларининг чеккаларига бурилиб кетди... Кейин ўзан яна тўсилиб қолган. Сув Хоразм билан Журжон орасида жойлашган чўлдаги Маздубаст деб аталадиган дарё ўзанидан ўтиб, чапда бажанаклар ерига бурилган (оқиб борган). Узоқ вақтгача (бу ўзан суви) кўп жойларни обод қилди, бироқ (у жойлар) яна хароб бўлди.

Ундан кейин сувнинг ҳаммаси Хоразм томонга йўналган. Илгари у сувнинг оқоваларигина (қолдиқларигина) ўша Хоразм томонга ҳозирда Хоразм (гил тупроқли) текислигининг олдидаги катта тошлар уйилган жой ораларидан сингиб ўтарди. Кейин сув (қоя тошларни) ёриб, у ерни сув босди ва ўша ердан бошлаб уни кўлга айлантирди... Сўнг кўл (ёйилиб) узоқлашиб бориб, олдида (кўндаланг ётган) тўсиқ тоғ (тепаликка) тақалди, ундан ошиб ўтолмай, шимол томонга ҳозирда туркманлар яшаб турган тарафга бурилиб кетган. Бу кўл билан Маздубаст водийсидаги кўл оралиғи узоқ эмас. У кўл (Сариқамиш) шўрхоқ ва ботқоқ лойликка айланган. Ундан кечиб ўтиб бўлмайди; туркийча «Хиз тенгизи», яъни «Қиз денгизи» деб аталади (70, с. 98—100).

Абу Райҳон Беруний асаридан келтирилган маълумотларда қадимги геологик даврда Амударё Замм (Карки) ёнидан Қорақум орқали Каспий денгизига оққанлиги, кейинчалик у шимолга бурилганлиги ва у ерда бир қисми Қиз денгизи (Сариқамиш) томонга, яна бир қисми Хоразм денгизига (Орол денгизига) оққанлиги; шунингдек, Сариқамиш саёз балчиқ кўлдан иборат бўлганлиги маълум бўлади. Ваҳоланки, В. В. Бартольд ўзининг Орол денгизига бағишланган жиддий тадқиқотида Беруний асарларида Орол денгизи ҳақида ҳам, Амударёнинг қуйи қисми борасида ҳам бирор-бир янгилик айтилмаган, деган хулосага келган эди (15, с. 48). Беруний келтирган маълумотларнинг бир қисми Муқаддасий асарида (986 йили ёзган) ҳам бор, лекин бу хабарлар оғзаки маълумотларга асосланганлиги муаллифнинг ўзи томонидан қайд этилган. Муқаддасий,

қадимда Амударёнинг асосий тармоғи Нисо шаҳри яқинида жойлашган Балхан шаҳригача етиб борган, кейинроқ дарё Хоразм томонга буриб юборилган ва уни қайтариш иложи бўлмаган; Хоразм эли дарёдан ариқлар чиқариб ул жойларни обод қилганлар; Балхан эса хароб бўлган; Нисо ва Абиварддаги аҳоли менга Балханга бориб-келишлари ҳақида айтдилар, деб ёзади (44, с. 185; 15, с. 45).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳаллий халқда Амударёнинг анча қадимда Балхан томонга оққанлиги ҳақида ривоят мавжуд бўлган. Демак, Ўзбой X асрдан анча илгари қуруқ ўзан бўлган.

Масъудий (X аср) ўз асарида, Амударё Журжония шаҳри яқинида Журжония кўлига оқиб келиши, бу жуда катта кўл бўлганлиги ҳамда ундан дарёлар оқиб чиқиб Хазар (Каспий) денгизига қуйилганлиги, Шош дарёси ҳам шу кўлга қуйилиши ҳақида ёзади.

Муҳаммад Ибн Нажиб Бакрон (XIII аср) ўзининг «Жаҳоннома» асарида Орол денгизини Жанд ва Хоразм денгизи, деб атайди ва унинг айланаси 100 фарсанг, диаметри 32 фарсанг, суви шўр, Хоразм дарёси (Амударё) ва Чоч дарёси (Сирдарё) шу кўлга қуйилади, деб ёзган (46, 6 а varaқ).

Мўғулларнинг Марказий Осиёга бостириб кириши ва 1221 йил Хоразмнинг пойтахти Гурганжни хароб этиши билан боғлиқ тарихий воқеалар Орол денгизига ҳам дахлдордир. IX—XII асрлардаги ёзма маълумотларда Амударёнинг асосий қисми Орол денгизига оқиши билан бир қаторда, унинг бир тармоғи Хоразм пойтахти Гурганжни сув билан таъминлагани, шунингдек, ўша йўналишда суғориш мақсадларида ишлатилиб, ортиқча сув Сариқамиш ботиғига бориб тушгани ва у ерда кўл ҳосил қилгани қайд этилган.

Тарихчи Ибн ал-Асирнинг (XIII аср) «Тарих ал-комил» асарида хабар берилишича, мўғуллар Гурганжни қамал қилганларида бош тўғонни бузиб ташлаганлар. Натижада, сув катта оқим билан Гурганж томон оқиб, шаҳар сув остида қолиб хароб бўлган. Катта миқдордаги сув оқиб Сариқамиш ботиғига бориб тушган. Маълум вақтдан сўнг Гурганж шаҳри тикланиб, Урганч номини олди ва у иккита тармоқ оралиғида жойлашган эди; асосий тармоқ Урганчнинг жанубидан оқиб ўтарди (13, с. 323).

Мўғуллар истилоси даври (1221) дан бошлаб Хоразм ҳақида ёзма маълумот кам. Ҳамдаллоҳ Муставфий Қазвиний (XIV аср) «Нузҳат ал-қулуб» (1339 йилда ёзил-

ган) асарида Амударё (Жайхун)нинг баъзи тармоқлари Орол денгизига (Хоразм кўлига) бориб қуйилганини, лекин дарёнинг бош тармоғи Хоразмдан оқиб ўтиши, Хулм (туркийда Гёрлади) остонасидан сўнг Каспий (Хазар) денгизига қуйилиши ҳамда бу жойни Холижон аташларини қайд этган (67, с. 213; 68, с. 214). Ҳамдаллоҳ Қазвиний, шунингдек, Сирдарё (Сайхун) ҳам гоҳ Каспий (Абискун) денгизига, гоҳ Орол денгизи (Хоразм кўли)га қуйилади, деб ёзади (67, с. 215, 68, с. 217). Келтирилган маълумотдан, ўша пайтда Ўзбойдан сув оққан, дейиш мумкин.

XIV асрда араб сайёҳи Ибн Баттута ўз саёҳатида Сарой шаҳридан ўтиб, 1338 йили Хоразмда бўлганлиги ҳам маълум. Бу саёҳатчи Орол ҳақида ҳеч нарса ёзмаган бўлса-да, бироқ «Хоразм (Гурганж шаҳри) ёнидан Жайхун дарёси оқиб ўтади»,— деб қайд этади (30, 58-бет).

Темур ва темурийлар давридаги манбаларда ҳам ушбу мавзуга оид озми-кўпми маълумотлар бор. Жумладан, Амир Темурнинг Хоразмга қилган юришлари ҳикоясида Ўзбой эслатилмаган бўлса-да, лекин Заҳириддин Маръаший 1392 йили Темур фармони билан Мозандарондан у ердаги ҳакимлар ва сайидлар Каспий денгизи орқали кемаларда Хоразмга юборилганлигини эслатиб ўтган (15, с. 63—64).

XV асрда ёзилган манбалар ичида шу даврда ижод этган тарихчи Ҳофиз Абрунинг (вафоти 1430) «География» ва «Зубдат ат-таворих» («Тарихлар сараси») асарида Марказий Осиёнинг сувлари ҳақида айрим маълумотлар келтирилган. Ҳофиз Абру «География» асарида Орол денгизини Жайхун кўли дейди, шунингдек, манбаларда бу кўлнинг Хоразм денгизи аталганини, унинг даврида Балх дарёси (Амударё) ва Хўжанд дарёси (Сирдарё) ўз сувини Хазар (Каспий) денгизига элтиши сабабли, кўлнинг суви қуриб қолганини ёзади. Бу фикр Балх дарёси (Амударё) ҳақида ёзганида ҳам (1417) бор; унда, бу дарё ўз ўзанини ўзгартириб, янги ўзан билан чўл орқали Хазар денгизига оқаётганлиги ва Гёрлади (бошқа номи Африча) деган жойга қуйилиши қайд этилган (72, 34 б варақ). Ҳофиз Абру ёзганларида Амударёнинг қадимги ўзани — Ўзбой назарда тутилган. Тарихчининг «Зубдат ат-таворих» номли асарида XIV аср охирига мансуб тарихий кечинмалар баёнида Амударё сувининг бир қисми пойтахт Хоразм (Гурганж; Урганч) — ҳозирги Кўҳна Урганч шаҳри томон оққанлиги ва бу тармоқ Гурлан суви (Оби Гурлан) дейил-

гани ҳақида хабар берилади. (75, 146 б, 222 б—223 а ва-
рақлар). Амир Темурнинг Хоразмга қилган бешинчи юри-
ши чоғида, унинг саркардаларидан бўлмиш Элчи-баҳодир
Гурлан сувидан ўтаётганида оти билан чўкиб кетган (49,
67- бет, 40, 516- бет).

Амударёнинг Орол денгизига йўналган ўзанидан эса,
дарё сувининг озроқ қисми оққан, Низомиддин Шомий
уни Эски Ўкуз деб тилга олган (49, 67- бет; 40, 518- бет).

XV аср бошида Мовароуннаҳрда бўлган муаллифлар-
дан Испания элчиси Клавихо (1404) ва тарихчи Ибн Араб-
шоҳ Амударёнинг Каспий денгизига қуйилишини қайд эт-
ганлар; Клавихо бу дарёнинг қуйилиши жойини «Боку де-
нгизи», Ибн Арабшоҳ эса, «Қулзум денгизи» деб ёзганлар
(53, с. 99; 29,1 151, 153 бетлар).

Юқорида келтирилган ёзма маълумотлардан хулоса
қиладиган бўлсак, XIV аср иккинчи ярми ва XV аср бошла-
рида Амударё сувининг асосий қисми Гурлан суви номи
билан Урганж (Кўҳна Урганч) орқали Сариқамиш ботиғига
оқиб, унда кўл ҳосил қилганлиги ва у ердан Ўзбойга ўтиб
Каспий денгизига бориб қуйилгани маълум бўлади.

Хондамирнинг ёзишича, 1460 йили Ҳусайн Бойқаро Ас-
трободдан Хоразмга қочган пайтда Ўзбой орқали Ағрича-
дан то Адоққача келган ва 7 кун деганда Амударёга ет-
ган, сўнгра қайиқларда дарёдан ўтиб Хоразмга борган
экан (59, 244—246- бетлар).

Орол денгизи ҳақида бевосита бўлмаса-да, бироқ Сир-
дарёнинг қуйи қисми тўғрисида Заҳириддин Бобурнинг
«Бобурнома» асарида ҳам маълумот бор: «Сайхун дарё-
сиким, Хўжанд суйиға машҳурдир, шарқ ва шимолий та-
рафдан келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтуб, ғарб сари
оқар, Хўжанднинг шимоли Фанокатнинг жануби тарафи-
динким, ҳоло Шоҳрухияга машҳурдир, ўтуб яна шимолга
майл қилиб, Туркистон сари борур. Туркистондан хейли
қуйироқ бу дарё тамом қумға сингар, ҳеч дарёга қотил-
мас» (27а, 5- бет).

XVI аср Хоразм тарихига оид маълумотлар, асосан,
Абулғози Баҳодирхоннинг (1603—1664 йиллар) «Шажа-
райи тарокима» асарида берилган. У ўзидан олдинги давр
учун маълумотни оғзаки хабардан олганини ва ёзма ман-
балар йўқлигини айтган. Унинг Ўзбой ҳақида ёзганлари
XVI асрнинг биринчи чорагига тўғри келади. Жумладан,
Амударёнинг Урганч (Кўҳна Урганч) дан қуйидаги қисми
учун шундай ёзилган:

«Ул вақтда (XVI аср бошларида) Урганчдин Абулхон (Балхан) бормоқ бу авулдин ул овулға боргантек эрди. Анинг учун Аму суви Урганчнинг қалъасининг тубиндин ўтуб Абулхон (Балхан) тоғининг кун туғишина бориб, тоғнинг тубина тегиб, қибла тарафиндин ўргулиб, кун бо-тишига бориб, андин ўтуб Ўғурча бориб Мозандарон (Кас-пий) тенгизина қуяр эрди. Тақи ул ким Аму дарёсининг ик-ки тарафи то Ўғурча борғунча, экинлик ва юзум боғи ва дарахтистон эрди. Баланд ерларга чиқир (чиғир) қура-лар эрди. Молли халқ кўкавун ва чибин вақтинда бир-икки манзил йироқроқ қудуқларга кетарлар эрди. Чибин ётқон-дин сўнг сувнинг яқасига келурлар эрди. Ободонлик ва маъмурликнинг ҳеч ниҳояти йўқ эрди» (2,126 бет).

1558 йили Хоразмга инглиз сайёҳи ва элчиси Антоний Женкинсон келиб кетди ва ўз саёҳатномасида бу ҳақда баъзи хабарлар қолдирди. Женкинсоннинг ёзишича, у пайтда Амударё суви Урганч атрофида кўп миқдорда суғоришга сарфланган, Сариқамиш кўлига оз қисми ке-либ қуйилган. Ўзбойдан Каспийга бу даврда сув оқмаган. Амударё сувининг асосий қисми Адоқ тармоғи (ҳозирги Амударё) орқали Хитой (Орол) денгизига қуйилган. Жен-кинсоннинг, агар дарё суви шу зайлда суғоришга кўп сар-фланаверса, тез орада бу ерлар чўлга айланиб қолади, дегани амалга ошди (15, с. 85). Бу ҳақда Абулғози, ўзи туғилишидан (1603 йил)30 йил муқаддам, Аму дарёси Қора айғир тўқайидан йўл очиб Сир (Орол) денгизига оқабошлагани; шу сабабдан Урганч атрофлари деярли чўлга айланганини ёзади: «Биз дунёга келмасдин ўттуз йил илгари Аму суви, Хост кинорасининг юқорисини Қора айғир тўқайи дерлар, ул ердин йўл ясаб оқиб, Тук қалъа-сина бориб, Сир тенгизина қўйган эркандур. Ул сабабдин Урганч чўл бўлибти. Раъият Урганч чўл ҳам бўлса ўлтуруб, хон бошлиқ сипоҳ халқи ёз Аму сувининг ёқасинда муно-сиб ерларда экин экиб ўлтуруб, экинни олғондин Урганч борурлар эркандур» (2, 167 бет). Демак, бу ҳодиса 1573 йил, яъни Женкинсон саёҳатидан 15 йил кейин юз берган.

1625 йили Урганч ўзбеклари сув йўқлигидан тарқалиб кетди Бухорога, қозоқларга, манғитларга (2, 173—174 бет-лар). Кейинчалик, 200 ўзбек оиласи Бухородан қайтиб Оролга, яъни Амударёнинг денгизга қуйилиш жойи — дельтасига ўрнашдилар.

Юқорида келтирилган ёзма манбалар маълумотлари-дан ташқари, ушбу мавзу бўйича олиб борилган илмий

тадқиқотлар ҳам Ўзбойдан сув оқими бўлганлигини тасдиқлайди, лекин бу фикрларда озми-кўпми фарқлар бор. Айрим тадқиқотчилар Ўзбойдан фақат қисқа муддат сув оққан десалар (55, 56), бошқа бир олимлар, Амударёнинг суви бир вақтнинг ўзида ҳам Орол денгизига, ҳам Сариқамишга оққан деб хулоса қиладилар (25). Шунингдек, Ўзбойдан XIV—XV асрлар давомида сув оққан (62; 63) ёки XIV аср охири XV аср бошларида Амударё бутунлай бурилиб Ўзбойдан оққан (64) деган фикрлар ҳам бор. Мавжуд илмий хулосаларда ёзма маълумотлар эътиборга олиниши билан бир қаторда, археологик ва палеогеографик тадқиқотлар натижаларига ҳам таянилган.

Ёзма маълумотлардан бир қанча хулосалар келиб чиқади:

— Марказий Осиёнинг сув ҳавзалари ҳақидаги ёзма маълумотлардан даврга қараб турли мақсадлар мавжуд бўлганлиги кўринадиган чунончи, юнонларда Каспий денгизининг дунё океанига қўшилганлик масаласи; Араб халифалиги даврида халифаликнинг ўз ҳудудидаги ва бошқа ўлкалар билан савдо-сотиқни ривожлантириш учун аниқ географик билимларга эга бўлиш; хитойларда ғарбий ўлкалар билан савдони кенгайтириш ва Шимолий денгиз (Шимолий Муз океани) ҳақида маълумотга эга бўлиш; Россияда Каспий орқали сув йўли билан Ҳиндистонга чиқиш.

— Ёзма маълумотлар шуни кўрсатадики, Ал-Хоразмийдан бошлаб мусулмон олимлари Орол денгизи ҳақида анча аниқ маълумот бериб борганлар.

— Мўғуллар истилосигача бўлган манбалар хабарлари бўйича, Амударё сувининг бир қисми Орол денгизига ва бир қисми Хоразмни сув билан таъминлаб, ортгани Сариқамиш ботиғига бориб тўпланган, лекин сув сатҳи Ўзбойга тушадиган даражагача кўтарилмаган. Сув махсус қурилган тўғон орқали тартибга солиб турилган.

— Мўғуллар истилоси даврида тўғон буздирилди. Гурганж ва унинг атрофидаги суғориладиган ерлар хароб бўлди. Амударёдан кўп миқдорда сув Сариқамишга йўналиб, у ерда тўпланиб, сув сатҳи кўтарилиб борди. Натижада, XIV асрга келиб Сариқамишдан Ўзбойга сув тушиб, ундан эса Каспий денгизига бориб қуйила бошлади.

— XVI аср ўрталаридан бошлаб Амударё суви, асосан, Орол денгизига оқадиган бўлди. Бу даврда сув оқими

Урганч (Кўҳна Урғанч) шаҳри томон борган сари камайиб борди ва бу шаҳар сувсиз қолиб хароб бўлабошлади. XVII асрда Хива Хоразмнинг пойтахти бўлди.

— Узоқ тарихий давр мобайнида Орол денгизи ҳам, Сарикамиш кўли ҳам мавжуд бўлган. Лекин уларда сув сатҳи Амударё оқимининг ўзгаришига қараб кўпайиб, озайиб турган.

Амударё. Темурийлар даври манбаларида, асосан, Жайхун номи билан, баъзи ҳолларда Омуйя дарёси шаклида қайд этилган. Ҳофиз Абрунинг «География» асарида дарёнинг бошланишидан то қуйилишигача умумий тавсифи берилган. Яъни Бадахшон тоғларидан бошланиши, унга бешта йирик irmoқ келиб қўшилиши, қайси вилоятлардан ва шаҳарлар ёнидан оқиб ўтиши, дарёнинг қуйи қисми тавсифида эса янги ўзан (Ўзбой) орқали Хазар (Каспий) денгизига қуйилиши ҳақида ёзилган. Амударёнинг XIV—XV асрларда Каспий денгизига қуйилганлиги ҳақида юқорида, Орол денгизи тавсифида шарҳ бериб ўтилди.

Сирдарё. Темурийлар даври ёзма манбаларида Сайхун дарёси ва Хўжанд дарёси номлари билан қайд этилган. Ҳофиз Абрунинг «География» асарида бу дарё Туркистон тоғларидан бошланиши, Хуршоб (ҳозирги номи Куршоб) ва Ўш (ҳозирги Оқбура) номли irmoқлари борлиги, сўнгра бутун оқими бўйлаб тавсифи, қуйи қисмида эса, Хоразм чўлидан оқиб ўтиб Амударёга қўшилиши, ундан Хазар денгизига қуйилиши ҳақида ёзилган. Ҳозирги олимлардан Л. С. Берг ва С. П. Толстов, палеогеографик ва археологик тадқиқотларга асосланиб, Сирдарё ўзининг эски ўзани Жанадарё орқали Амударё томонга оққанлиги эҳтимоли мавжудлигини айтган бўлсалар-да, бироқ у ҳолатда ҳам бари бир Орол денгизига қуйилган бўларди, деб хулоса қилишган (56; 19; 20). Демак, Сирдарё ўша даврда Орол денгизига қуйилган. Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ат-таворих» асарида, шунингдек, ўша даврнинг бошқа тарихий манбаларида Сирдарёнинг Оҳангарон ва Парак (Чирчиқ) irmoқлари ҳам тилга олинган ва дарёдан ўтиш жойлари асосий карвон йўлларида, яъни Чинос (Чиноз) ва Шоҳрухия ёнида бўлган.

Зарафшон дарёси. Темурийлар даври ёзма манбаларида Кўҳак суви (Оби Кўҳак) номи билан қайд этилган. Ҳофиз Абрунинг «География» асарида дарёнинг ўрта ва қуйи оқими, яъни Самарқанд шаҳри ёнида то қуйилишигача бўлган қисми ҳақида маълумот берилган; суви суғориш-

да кенг фойдаланиши ва тошиб оққан чоғларида Жайхун дарёси (Амударё) гача бориб етиши таъкидлаб ўтилган.

Мурғоб дарёси. Бу дарё ҳақида анча муфассал маълумот Ҳофизи Аbru «География»сининг Хуросон тавсифи қисмидан ўрин олган. Унда Мурғоб дарёси Бомиён тоғларининг Санжоб дарасида бошланиб, Ғарчистон (Банди Туркистон ва Сафедкўх тизмалари) ҳамда Жарравон (Ҳисор тизмаси) ораларидан оқиб ўтади; сўнгра Бодғис (Бодхиз) ва Мурғоб булук (туман)лари ҳудудидан оқиб текисликка, яъни Марв булукига етади ва охири чўлда қумлар орасида тугайди.

Амир Темур даврида ҳам, сўнгра Мирзо Шоҳрух салтанатида ҳам Мурғоб дарёси сувидан суғоришда кенг фойдаланилган, янги ариқлар қазилиб экинзорлар, боғ-роғлар барпо этилган.

Амир Темур 1381 йили Хуросонга юриши чоғида Мурғоб водийсида тўхтаб, дарёдан ариқлар қазиб сув чиқаришга фармон беради ва бу ишни қўл остидаги аъёнлар ва қўшин қўмондонларига топширади. Мўлжалланган иш барчага бўлиб берилади. Қисқа муддатда кўплаб ариқлар қазилади ва ҳар бир ариқ ўша бошлиқлар номи билан аталган. Ушбу суғориш тармоқлари Мурғоб водийсида ҳозирги Боломурғоб шаҳридан юқорироқда барпо этилган (70- бетга қаранг).

XV асрдаги ободончилик ишлари янада кўламлироқ бўлган. Мирзо Шоҳрух 1409 йили Марв шаҳрини қайта бунёд этишга, Мурғоб дарёсига тўғон қуриб, Марв ариғини қазиб шаҳарга сув олиб келишга фармон беради. Ариқ қазиш ишига раҳбарлик амирлардан Алоуддин Алика кўкалтош, амир Мусоко ва девон амири Али Шоконига юкланган эди (1, 141- бет). Унда ёзилишича, ариқнинг эни бошланиш қисмида 20 газ (14 метр) ва охирида 15 газ (10,5 м), чуқурлиги тепаликларни қирқиб ўтган жойларда 30 газ (21 м), текис ерларда 5 газ (3,5 м), узунлиги Мурғоб тўғонидан то Марв шаҳрининг Аламдор дарвозасигача 12 фарсанг (тахм. 70км)ни ташкил этган. Марв ариғи уч қисмдан иборат эди; юқори қисми — Панжоб сув тақсимлагичигача; ўрта қисми — Панжоб сув тақсимлагичидан то Марв шаҳридан чиққунгача, ана шу қисмда ариқ сувидан Марв воҳасини сув билан таъминлашда кенг фойдаланилган; қуйи қисми — шаҳардан оқиб чиққан жойдан то охиригача. Шаҳарга сув Аламдор дарвозасидан кирган. Ўша давр учун анчагина салмоқли бўлган бу иш бир йил муддат ичида ниҳоясига етказилган экан.

Қашқадарё. Бу дарё XV аср манбаларида ўрта оқимида Кеш суви (Оби Кеш) ва қуйи қисмида Қарши суви номлари билан тилга олинган. Унинг сувидан Кеш туманида суғоришда кенг фойдаланганлар. Шу сабабдан бўлса керак, қўрғоқчил йилларда дарё суви ёз ойларида Қаршигача етиб бормаган ва у ерда боғларни суғоришда қудуқ сувидан фойдаланганлар.

Сурхондарё. Ҳофизи Абрунинг «География» асарида «Чағониён дарёси» (руди Чағониён) номи билан тилга олинган ва Термиз атрофларида дарё сувидан суғоришда фойдаланилиши таъкидлаб ўтилган.

У ёки бу тарихий воқеа баёнида айрим кўл, дарё ва сойларнинг фақат номи тилга олинган: Ём суви (Самарқанд вилоятида), Парак (Чирчиқ), Чу (Чуй), Жорин (Чорин), Вахш, Хуршоб (Қуршоб), Ош (Оқбура), Исиқкўл (Иссиқкўл).

Темурийлар даври ёзма манбаларида Ўрта Осиёнинг йирик дарёлари — Амударё ва Сирдарёдаги гузарлар (ўтиш жойлари) ҳақида ҳам маълумот қайд этилган. Гузарлар қарвон йўлларида жойлашган бўлиб, айниқса халқаро савдо мунтазамлигини таъминлашда муҳим ўрин тутарди. Ана шундай гузарларда сув бўйида аҳоли масканлари ҳам вужудга келган ва улар одамларни, от-уловларни, юкларни кемаларда ё солларда сувдан олиб ўтиш, уларнинг қисқа ҳордиқ олиши учун бошпана ва бошқа зарур хизматларни ташкил этиш билан шуғулланардилар. Жумладан, Термиз жанубий йўналишда ва Келиф ғарбий савдо йўлидаги Амударё кечувида жойлашган эди. Амир Темури даврида Термиз гузари, XV асрда эса Келиф гузари ҳам аҳамиятга молик бўлган. Илгариги даврларда Термиз билан бир қаторда Омўйя (ҳозирги Чоржўй) даги кечув ҳам Мовароуннаҳр билан Хуросонни боғлаб турган асосий гузар ҳисобланган.

Сирдарё бўйида савдо йўлларида жойлашган асосий гузарлар Шоҳрухия (қадимги Банокат) ва Чиноз (Чинос) шаҳарлари ёнида эди. XV асрда кўпроқ Чиноз гузари машҳур бўлган.

Ҳар бир гузар ўша ерда жойлашган аҳоли маскани номи билан аталган. Дарёдан ўтиш учун қайиқлар, соллар ва понтон кўприклардан¹ фойдаланганлар. Амир Темури

¹ **Понтон кўприклар** — таги ясси қайиқлардан улаб ясалган муваққат кўприклар.

юришларида понтон кўприклар ва соллар яшаш кенг расм бўлган эди. Соҳибқирон 1389 йили февраль ойида Дашти Қипчоққа Тўхтамишхон устига юриши чоғида қўшинлари билан Сирдарёдан кўприклар боғлаб ўтган эди. Шарафиддин Али Яздий бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Жаҳонгир ҳазрат Соҳибқирон: «Амирзода Умаршайх, амир Ҳожи Сайфиддин ва Ийку-Темурлар бориб Хўжанд суви (Сирдарё)га кемалардан ва сол боғлаб кўприк қурсинлар»,— деб фармон берди. Улар буйруққа мувофиқ зудлик билан жўнаб кетдилар ва бир неча жойда кўприк тайёрлаб, бу ҳақда ҳазрат Соҳибқиронга хабар қилдилар. Он ҳазрат етти юз тўқсон биринчи йил рабиулаввалда (1389 йил, февраль), яъни илон йилининг бошида у ердан отланиб, улуғ тангрининг омонлиги ва қўллови кафолатида равона бўлди» (60, 199а варақ). Гузарларда истиқомат қилувчилар кўпинча турли солиқлардан ҳам озод қилинганлар.

Темурийлар даври ёзма манбалари маълумотларига асосланиб Марказий Осиё сувлари, умуман, табиати ва хўжалиги ҳолатига назар солсак, унинг иқлими ҳозиргига нисбатан бир оз серёғин бўлган кўринади. Бунга бир қанча мисоллар келтириш мумкин: Зарафшоннинг суви тошиб оққан йилларда Амударёгача етиб борган. Темурийлар даврида Зарафшон водийсида суғорма деҳқончилик нисбатан кенг ривожланган, янги ерлар ўзлаштирилган, боғроғлар барпо этилган, қишлоқлар ва шаҳарлар сони ҳам, аҳолининг умумий сони ҳам кўп (ҳам ободончилик, ҳам миграция ҳисобига) эди; Мурғоб дарёси водийсида кенг миқёсда суғориш тизими барпо этилиб, катта ободончилик ишлари йўлга қўйилган; ҳозирги Туркменистоннинг жанубий қисмидаги сув тармоқлари XV асрда бугунгига нисбатан анча узоқроққа оққан, яъни 40—50 км шимолроққа етиб борган; умуман олганда, дарёлар серсув бўлган. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» сидан бир мисол: «Ҳазрат (Соҳибқирон Омўя дарёсидан) кечув жойни қидириб, синчковлик билан ҳар томонга назар солиб чиқиб Бўрдолик этагидан ўтиш жойини ихтиёр этди. Амирларга тўрт юз отлиқ билан дарёнинг қуйи томонига юришни буюрди, ўзи эса икки юз киши билан чошгоҳда сувга кириб, кеч пешинда у томондан сузиб чиқдилар» (60, 122б варақ).

Иқлимдаги нисбий намгарчилик ўсимлик дунёсига ҳам таъсир этган ва ўт-ўланлар қалин ўсишига, ҳайвонот оламининг бойлигига ва турлари кўплигига имконият яратган.

Ёзма манбаларда Амир Темурнинг Марв атрофларида, Кеш суви (Қашқадарё) ва Зарафшон дарёси этакларида, Сирдарё соҳилларида, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида қишлаб ов билан шуғулланганлиги ҳақида маълумотлар бор.

«Қишлов жойи ҳақида фикрлашиб, масалаҳатлашиб олганларидан сўнг, Кайхусрав Утторга кетди; ҳазрат Соҳибқирон эса, олти юзта сара сипоҳ билан қайтиб, қишни саодат ва иқбол ила Тошкентда ўтказди; Фирдавсий «Шоҳнома»да бу шаҳарни «какликлар жаннати» (бихишти кабк) деб атаган (60, 128 а варақ).

«Онҳазрат (Амир Темур) тангри иноятига йўлдош бўлиб эсон-омон, саодат билан (Жата юришидан) салтанат тахтининг қароргоҳига етиб келди (1375 йил). Аскарларни дам олишга рухсат этди. Ўзи эса, Қарши (шаҳри)дан икки манзил ғарбда жойлашган Занжирсаройга бориб тушиб, ўша ерда қишлоқ қилди» (60, 153 а варақ).

«Қиш (фасли) етиб келгач (1389—1390 йиллар), жаҳонгир Соҳибқирон Бухоро томон йўл олиб, Кўли Фарқатийда қишлоқ қилди. У ерда кўралар қилиб қасрлар ясаиб, уйлар қурдилар. Ул мавзеда кўллар кўп ва турли хил қушлар, айниқса қув, уни форс тилида арж¹ дейдилар, жуда кўп. Бу жой қўшломиши² ва қуш ови учун бағоят муносиб эрур. Шу сабабдан, ўша кўллар ўртасида халифалик буюрилган тахт жаҳонгир Соҳибқирон шукуҳидан зийнат топган эди. Ҳумо савлатли анқо овловчи ходимлар солларни тайёрлаб, кўлларга (овга) чиқардилар. Улар шовқин-сурон кўтариб табл ва ноғораларни чалиб қушларни то (улар) бошқа кўлга етиб олгунча, учириб ҳайдардилар. (У ерда эса),— қушчилар (овчи) қушларни учирай эдилар; тез ҳамла ўткир тумшукли шунқор ва калхат овловчи фалак-суръат қирғий қанот қоқиб қув ва қарқара каби катта-катта қушларни қаҳр-ғазаб билан ҳаводан пастга улоқтирай эди; чир бадал жасра ва баландпарвоз бургут панадан турна ва ғозга ажал етказувчи чангалини ёзиб, уларнинг қони билан ёқутранг қилар эди. Қушчиларнинг шовқин-сурони қувга,— ўз жонингиз ғамини енг,— деган (сўзлар)

¹ Арж — патлари ўта юмшоқ қуш: унинг патларидан ёстиқ қиладилар; туркийда уни «қу» дейишади. Айни пайтда каркидонни ҳам «арж» атайдилар.

² Қўшломиши — матн мазмунидан: «қўшламоқ» ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп бўлиб дам олмоқ.

мазмунини эшиттирарди. Бироқ туғрулнинг ҳалокатли ҳамласидан омон қолмас эди. Ноғора овози қушларни яна кўрқитиб қочтирарди.

(Н а з м)

Қисқа бир фурсатда шунчалик кўп қуш
Овланар эдики, тавсифлаб бўлмас. (60, 2056—206а арақлар).

Иқлим, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳолатини қиёслаганда темурийлар давридан то ҳозиргача ўтган вақт ичида ўлка табиатида айниқса ўсимлик ва ҳайвонот оламида анчагина ўзгариш бўлганлигини ва бунда инсон фаолияти (антропоген омил) асосий ўрин тутганини кўра-миз. Марказий Осиёнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ил-гари анча бой бўлган.

Тоғлар. Темурийлар даври ёзма манбаларида Ўрта Осиё тоғлари ҳақида маълумот нисбатан кам. Ҳофизӣ Абрунинг «География» асарида тоғлар, ҳозирги фанда мавжуд услубда йирик тизмалар тарзида тавсифланган. Ана шундай йирик тизмалардан бири Чин (Хитой) ҳудудидан бошланиб, ғарбга давом этиши, Фарғона ва Ус-рушана ҳудудидан, сўнгра Кеш ва Самарқанд оралиғидан ўтиб тугаши ёзилган. Бу тизманинг Самарқанд ёнидаги қисми Самарқанд Ғарчистони номи билан аталган. Мар-казий Осиёнинг жанубида эса Бадахшон тоғлари (Кўҳис-тони Бадахшон), унинг ғарбдаги давоми эса, турли қисмида турлича — Панжоб, Бомиёни Балх, Ғазна тоғлари номла-ри билан тавсифланган. Сирдарёнинг юқори ҳавзасида Туркистон тоғлари, Самарқанд яқинида ҳозирги Нурота тоғлари (номи кўрсатилмаган) ва Бухоро тоғлари борли-ги ҳам қайд этилган.

Юқорида кўрсатилган тоғлар номларини ҳозирги кар-тага қўйиб қиёслайдиган бўлсак, у ҳолда қуйидагича бў-лади: Туркистон тоғлари — Марказий Тяньшань ва Олой тизмалари; Кўҳистони Бадахшон — Помир; Самарқанд Ғар-чистони — Зарафшон ва Туркистон тизмаларининг ғарбий қисми; Олақасроқ тоғлари — Зарафшон тизмасининг ғар-бий бир бўлаги; Бухоро тоғлари — Оқтош тоғлари. Ҳозирги Ҳиндукуш, Паропамиз, Копетдоғ ва Элбурс тоғ тизмалари кўрсатилган.

Марказий Осиё тоғларида турли фойдали қазилмалар ҳам бўлган ва бу ҳақда X—XII асрлар ёзма манбаларида

ҳам, XV аср манбаларида ҳам маълумот бор. Ўлка ҳудудида олтин, қумуш, мис, қалайи, темир, тошқўмир нефть каби маъданлар мавжудлиги ёзилган. Кеш яқинидаги тоғлардан қизил туз қазиб олинган ва кундалик эҳтиёжда ишлатилган, Ўзганд яқинидан нашатир олинган.

Хўжалиги. Темурийлар даврида Марказий Осиё ва Хуросонда кўплаб, янги суғориш тармоқлари барпо этилиб, ободончилик ишлари кенг йўлга қўйилган эди. Бу ишлар Амир Темур давридаёқ бошланган. Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида боғ-роғлар яратилган. Боғи Шамол, Боғи Дилқушо, Боғи Чинор, Боғи Биҳишт, Боғи Булдо, Боғи амирзода Улуғбек, Боғи Майдон каби боғлар номлари Ҳофиз Абрунинг «География» асарида санаб ўтилган. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» сида, юқорида кўрсатилганларга қўшимча, Самарқанд вилоятида яна Тахтиқорача, Қаротўба ва Давлатобод боғлари номлари ҳам эслатилади. Жумладан, Боғи Биҳишт ҳақида Али Яздий шундай ёзади:

«Шу йили (1377 йил) ҳазрат Соҳибқирон амир Мусонинг пушти камаридан бўлган маҳди аъло Туман-оғони шариатга мувофиқ тўй-ҳашам қилиб ўз никоҳига олди.

Он ҳазратнинг муборак хоотири ҳурлар зотидан бўлган малаксимон маликанинг кўнглини хушлаш учун жаннат мисол бир бўстон барпо этилишини тақозо этди. Бу ҳақда тезда фармон берилди ва Самарқанднинг ғарбида юлдузлар уй (бурж)ларининг сонига мувофиқ ҳолда бир-бирига туташ ўн иккита боғдан иборат битта боғ яратдилар. Унда бир муҳташам кўшк ҳам қурдилар, яхшилаб безадилар ва номи ҳам ўзига мос қилиб қўйилди, яъни «Боғи Биҳишт» деб аталди» (60, 162а—162б varaқ).

Самарқанднинг Темурийлар давридаги боғлари ҳозирги илмий тадқиқотларда ҳам ёритилган; жумладан: В. Л. Вяткин, В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский, У. А. Алимов ишларида (адабиётлар рўйхатига қаранг). Умуман, ўша пайтларда Самарқанд вилояти ҳозиргига қараганда анча катта ҳудудни ўз ичига олган; Ўратепа ҳам Самарқанд туманларидан ҳисобланган. Вилоятнинг шарқий чегараси Сирдарёгача эди. Ҳофиз Абру Самарқанд вилояти таркибига қуйидаги туманларни киритади: Шовдор, Ўратепа, Иштихон, Ёркент, Ёряйлоқ, Анҳори Жаид, Суғд. Самарқанд билан Бухоро ўртасидаги чегара тахминан Нурота тоғларининг ғарбий этагидан ўтган. Ҳофиз Абру Са-

марқанд атрофида Жўйбори бозор, Жўйбори Маздохин, Жўйбори Обираҳмат, Жўйбори Коранда, Жўйбори Жаид ариқларини санаб, улардан 72 та қишлоқ сув ичишини қайд этган. Самарқанд, Бухоро, Кеш, Насаф, Тошкент вилоятларидаги туманлар, қишлоқлар, экинзорлар ва бошқалар ҳақида XV аср ер-мулк ҳужжатларида (54, с. 49—298) ҳам анча батафсил маълумотлар бор (улар ушбу китобда жой номлари рўйхатида берилди).

Хуросон тавсифида эса, ҳар бир вилоят, ундаги булук (туман)лар, экинзорлар номлари берилган ва Ҳофиз Абру бу маълумотларни девон дафтарларидан олганлигини айтади (Ҳофиз Абрунинг «География» асаридан Ҳирот вилояти булуқлари рўйхати ушбу бобнинг охирида таржима-лавҳалар қисмида берилди).

Шаҳарлар. Темурийлар даврида Марказий Осиё ҳудудида жойлашган йирик аҳоли масканлари тарихий-географик нуқтаи назардан йирикроқ шаҳарлар ва шаҳар-қўрғонлардан иборат бўлган. Ёзма манбаларда ҳам айрим аҳоли масканлари номидан сўнг «ҳисор» (қўрғон) атамаси келади (Каркин ҳисори, Кот қўрғони). Мовароуннаҳрда: Самарқанд, Бухоро, Кеш (Шаҳрисабз), Хўжанд, Тошкент, Шоҳрухия, Ахсикат, Андигон, Ўзганд, Ўтрор, Термиз, Хоразм (Урганч), Ҳисори Шодмон; Хуросонда: Ҳирот, Балх, Марв; Шарқий Туркистонда: Оқсув, Кошғар, Ёркент, Хўтан, Турфон, Қумул ёзма манбаларда шаҳарлар сифатида қайд этилган. Айни пайтда бу шаҳарлар ҳам девор билан қўрғон қилиб ўралган бўлган. Оқсарой (Хатлон вилоятининг маркази), Чағоно (Чағониён), Қарши (Насаф), Занжирсарой, Каркин, Хива (Хивак), Кот, Дизак, Ўратепа, Саброн, Сиғноқ, Сайром, Ашпара (Ошпара) қабилар манбаларда кўпроқ шаҳар-қўрғонлар сифатида тилга олинади. Булардан ташқари, нисбатан кичикроқ шаҳарлар ҳам бўлган ва улар учун «қасаба» атамаси қўлланилган. Бундай аҳоли масканлари учун баъзан «кичик шаҳар», «унча катта бўлмаган шаҳар» иборалари ҳам қўлланилган. Масалан, Ҳофиз Абрунинг «География» асарида Бухоро вилоятидаги Кармина «қасаба» ва Дабусия «кичик шаҳар» деб ёзилган.

Марказий Осиё шаҳарларининг ривожланишида савдо, айниқса халқаро савдо-сотиқ катта аҳамият касб этган. Кўпгина шаҳарлар Буюк Ипак йўли ва унинг тармоқлари устида жойлашган эди. Темурий ҳукмдорларнинг бошқа давлатлар билан олиб борган элчилик муносабатларида,

ёзишмаларида мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқни ривожлантириш масаласини алоҳида таъкидлаб ўтишлари замирида ҳам шаҳарларнинг ривожланиш истиқболи ётарди (бу ҳақда ушбу китобнинг халқаро алоқаларга бағишланган бобида муфассал шарҳ берилган).

Айрим шаҳарлар, аниқроғи шаҳар-қўрғонлар кўпроқ мудофаа аҳамиятига эга эди. Жумладан, Сирдарёнинг қўйи ҳавзасидаги қўрғонлар (Сигноқ, Саброн, Ўтрор), Амир Темур фармони билан Мўғулистоннинг ғарбий чегарасида қурилган Ашпара қўрғони, Ахси, Андигон, Ўзганд қўрғонлари кабилар ана шулар жумласидандир.

Темурийлар даврида Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри, сиёсий-маъмурий, иқтисодий-маданий маркази **Самарқанд** эди. Самарқанд Амир Темур давлатининг пойтахти бўлган. Шу сабабдан, ёзма манбаларда ҳам Самарқанд ҳақида, айниқса, ундаги маданий обидалар тўғрисида бирмунча кенгроқ маълумот мавжуд.

Милоддан аввал қадимги юнон муаллифлари асарларида бу шаҳар Мараканда номи билан тилга олинган ва Суғдиёна давлатининг пойтахти, деб қайд этилган.

Шаҳарнинг ўрта асрлардаги тарихи ҳақида эса, араб, форс ва туркий манбаларда муҳим маълумотлар мавжуд. Араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим бу шаҳарни кўриб, «Биз Самарқандга яқинлашганимизда, унинг гўзаллигини қиёсламоқчи бўлдик, бироқ бу жуда мушкул эди. Унинг ранги зангори осмонга, кўшклари юлдузларга, оқар сувлари Сомон йўлига ўхшаб кетарди»,— деган эди. «Масолик ва-л-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар») номли асарнинг муаллифи Ал-Истаҳрий (X аср) эса: «Шарқ томондан қўрғонга чиқиб Самарқандга назар ташласанг, боғзорлардан бошқа ҳеч нарса кўра олмайсан, улар орасида оддий уйлар ҳам, кўшклар ҳам кўринмайди; оқар сувсиз, боғсиз бирорта ҳам ҳовли йўқ; Самарқанд шаҳрида тол дарахти кўп, улар орасида битта ҳам қуригани учрамайди»,— деб ёзган (30, 25—26-бетлар). Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар даврида Самарқанд пойтахт бўлмаса-да, бироқ йирик савдо ва маданий марказ эди.

Самарқанд мўғуллар истилоси арафасида ҳам яхшигина обод шаҳар саналарди. Чунончи, Муҳаммад ас-Самъоний (1113—1167) шаҳарда XII асрнинг иккинчи ярмида ўн саккизта маҳалла, саккизта катта кўча, иккита жоме масжид, учта мадраса ва қўрғонида учта дарвоза

борлигини қайд этиб, уларнинг номларини ҳам ёзган (32, с. 77—100).

Мўғуллар ҳужуми чоғида шаҳар қаттиқ қаршилиқ кўрсатди ва шиддатли жанглардан сўнг забт этилди, кўрғони ва саройлари вайрон қилинди. Чингизийлар даврида шаҳар Чигатой улуси таркибида эди. Улус ҳукмдорлари яйлов чорвачилигига мойил бўлиб, шаҳар шароити уларга торлиқ қиларди. Шу сабабдан, улар кенг яйловларга яқинроқ жойларда маскан қурдилар. Жумладан, Кебекхон (ҳукмронлик йиллари 1318—1325). Қашқақдарё воҳасида Қарши кўрғонини, Қозонхон (ҳукмронлик йиллари 1332—1346) Занжирсаройни барпо этиб, ўзларига қароргоҳ этдилар. Амир Қазаған ҳақида тарихчи Шарафиддин Али Яздий: «Амир Қазаған киш чоғи Соли-Саройда яшарди, баҳорда Қоранавар гулзорига кўнардди»,— деб ёзади (61, 57-бет). Самарқанд мўғуллар даврида пойтахт бўлмаган, лекин халқаро савдо йўлидаги муҳим шаҳар мавқеини сақлаб қолганди. Дарвоқе уни пойтахт қилишга уриниш ҳам бўлган эди. Али Яздий «Зафарнома»да бу ҳақда шундай маълумот беради: «Амир Қазаған ўлими воқеасидан сўнг (1358) амирзода Абдуллоҳ Самарқанддан келиб, отасининг ўрнини эгаллади.

Дастлабки пайтларда (Баёнқулини) олдинги келишувга мувофиқ хонликка тайинлаб тахтга ўтқазди. Отасининг замонида маълум муддат Самарқандда яшаганлиги ва ул фирдавсмисол диёрнинг дилкаш боғ-бўстонлари ёқиб қолганлиги сабабли, давлати байроғининг маркази ўша ерда бўлишини истади. У Самарқандга йўл олди ва Баёнқулихонни ҳам ўзи билан бирга олиб кетди» (61, 58-бет).

Бироқ орадан бир йил чамаси ўтгач, Мовароуннаҳрда феодал низо кучайиб, амирзода Абдуллоҳ ҳокимиятдан кетишга мажбур бўлади. Мамлакат маъмурий жиҳатдан турли қабилаларнинг кичик-кичик мулкларидан иборат бўлиб қолади. Самарқандда ўша пайтда ясаурийлар ҳукмрон эди.

Тарихий воқеалар таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, Чигатой улусида XIV асрнинг ўрталарига келиб, Самарқанднинг сиёсий мавқеи кучайиб борган. Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон биринчи марта 1360 йили ва иккинчи марта 1361 йили Мовароуннаҳрга лашкар тортиб келганда асосий эътиборини Самарқандни эгаллашга қаратган эди.

Амир Темур сиёсий майдонга чиқиб, Амир Ҳусайн билан бирга Мовароуннаҳрни мўғуллардан озод қилгандан сўнг, Кобулшоҳ-ўғлонни хонликка кўтарадилар ва бу маросим Самарқандда ўтган (бу ҳақда илгарироқ айтиб ўтилди). Кобулшоҳ-ўғлон расмий хон этиб кўтарилган бўлса-да, бироқ сиёсий ҳокимият Амир Ҳусайн қўл остида эди. Амир Ҳусайн Самарқандда қолмади, ота юрти Соли-Саройга кетди ва маълум муддатдан сўнг, у ердан кўчиб, Балхни пойтахт қилди. Амир Темур эса, бу даврда (1370 йилгача) Кешда турган ва ўзини фақат ана шу вилоятнинг ҳокими деб билган.

Ун тўртинчи асрнинг ўрталаридан бошлаб Самарқанд шаҳрига нисбатан эътиборнинг янгидан ортиши, унинг равнақи ва халқининг кайфиятига ижобий таъсир қилиб борди. Бунга мисол, Илёсхожа бошлиқ Мўғулистон лашкари «Лой жанги»да устун келиб, сўнгра Самарқандга етиб келганида, шаҳарликлар сарбадорлар бошчилигида қаттиқ мудофаада туриб ёвни киритмадилар. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да бу воқеа ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Жата лашкари Самарқандга етиб келди. Уша кезларда (шаҳарнинг) қўрғони бўлмаганлиги сабабли, мавлонозода Самарқандий, мавлоно Хурдак Бухорий ва Абубакр Калавий наддоф шаҳар аҳлини оёққа турғизиб, шаҳарни кўчабанд ва муҳофаза қилишга киришдилар. Маълум муддат раият ҳеч бир подшоҳнинг шон-шукуҳисиз бош-оёқ қуролланган ғаддор ёв билан адолат ва ҳақиқат учун мардларча курашдилар. Душманга ҳужум қилишда ва мудофаада шундай матонат кўрсатдиларки, ғанимларнинг истило қўли шаҳар аҳолисининг номус ва моли этагига етмади» (61, 113-бет).

Умуман олиб қараганда, 1360—1370 йиллардаги (Мовароуннаҳрдаги) тарихий кечинмаларда Самарқанд ҳар доим Амир Темурнинг диққат-эътибори марказида турган бўлса-да, лекин у, аввалида, Кеш (Шаҳрисабз) шаҳрини ўз давлатининг маркази, пойтахти деб билган. Соҳибқирон 1370 йили Амир Ҳусайн устидан ўзил-кесил ғалаба қозониб, Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлгандан кейин Балхдан қайтади ва дастлаб Кеш шаҳрига келиб қўнади.

Амир Темурда худди шу кезларда буюк давлат қуриш орзу-режаси пайдо бўлган. Бундай давлат учун эса Самарқанд ҳар томонлама мос келарди. Тез орада, аниқроғи икки ойдан сўнг, Кешдан Самарқандга ўтади ва бу ша-

ҳарни ўз давлатининг пойтахти деб эълон қилади. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да бу воқеа сабабини жуда аниқ ифодалаган:

«Шу вақт ичида, саодат ва иқбол ила шон-шавкат ва улғуворлик, салтанат ва истиқлол юзини бахтли фолга эга, фирдавс мисол Самарқанд вилоятига қаратди. Даштининг фозиллиги, боғларининг таровати, иморатларининг яхшилиги ва сувларининг равонлиги шуҳратидан бошқа диёрларни хижил қиладиган ва турли шаҳар ва ўлкаларнинг рашкини келтирадиган **ул муборак шаҳарни давлат байроғининг марказига айлантириб, пойтахт қилди.** Шаҳар кўрғонининг қалъасини қуришга, олий иморатлар ва тиллакори қасрлар барпо этишга фармон берди... Тез орада Самарқанд, ул динпарвар жаҳондорнинг ҳукмронлиги ва адолати бахтига, ўта ободлигидан, аҳоли кўплигидан, дунёнинг атроф ва чеккаларидан келиб-кетувчиларнинг серқатновлигидан шу даражага етдики, унинг овозасидан Миср (Қоҳира) рашк либосини Нилга отди; Бағдодни беҳиштининг сифати билан «Дор-ус-Салом» атасалар ҳам ҳасад ва рашк билан тўккан кўз ёшидан чехрасида узлуксиз сел оқарди. Байт:

Самарқанднинг (ҳуснига) рашк қилганидан.

Бағдод юзида кўз ёши Дажла бўлмиш» (61, 227- бет).

Шарафиддин Али Яздий, «Зафарнома» асарида бундан кейинги тарихий воқеалар баёнида, Самарқанд шаҳрининг номини эслатганда, унга «салтанат тахтининг қароргоҳи», «Салтанат тахтининг қароргоҳи ва халифалик байроқларининг маркази», «доруссалтана» («салтанат, подшоҳлик уйи») каби ибораларни илова қилади.

Темурийлар давлатининг бошқа бир машҳур тарихчиси Ҳофиз Абру ўзининг «География» асарида ҳам Самарқанд шаҳрининг табиати, ўтмиш тарихи ҳақида талайгина аниқ маълумотлар келтирган (шу бобнинг охирида берилган таржима-лавҳага қаранг).

Амир Темурнинг Самарқанд шаҳри билан боғлиқлик бошқа томони ҳам бўлган. Бу ерда анча илгаридан унинг қариндош-уруғлари яшаган бўлиши керак. Зеро, Али Яздий «Зафарнома»сида Самарқанд шаҳрида Соҳибқироннинг опаси турганлиги таъкидлаб ўтилган. 1362 йилги Мовароуннаҳр воқеалари баёнида, жумладан, Амир Темур ва Амир Ҳусайн биргаликда мўғулларга қарши курашга аҳдлашганда, Соҳибқирон маълум муддат яширинча Самарқандда бўлади. Шарафиддин Али Яздий «Зафарно-

ма»да бу ҳақда: «Ҳазрат Соҳибқирон от жиловини Самарқанд томонга бурди. У ерга етгач, ўта эҳтиёткорлик билан, ул ҳазратнинг опаси бўлмиш Қутлуғ Туркон-оғонинг уйига шод-хурсанд кириб борди. Яхлит ҳисоблаганда қирқ саккиз кун ўша ерда бўлди»,— деб ёзади (61, 87- бет).

Ёзма манбаларга таяниб келтирилган мазкур маълумотларда Амир Темурнинг Самарқанд шаҳрини ўз салтанатининг пойтахти қилганлиги сабаблари маълум бўлади. Уларни лўнда санаб ўтиш ҳам мумкин:

Биринчидан, Самарқанднинг пойтахт бўлиши қадимий тарихий аъъанага асосланган, яъни у илгаридан Суғдиё-нанинг пойтахти эди.

Иккинчидан, шаҳарнинг географик ўрни — серсув Зарафшон дарёсининг ўрта ҳавзасида жойлашганлиги, ободончилиги, боғ-роғлари, майсазорлари, экинзорлари ва ҳ.к. кўп сонли лашкарни сақлаб туришга имкон берган;

Учинчидан, Самарқанд халқаро савдо карвонлари келиб қўнадиган ва турли мамлакатларга мол тарқатиладиган марказ эди, у Буюк Ипак йўлида жойлашган;

Тўртинчидан, Амир Темурни Самарқанд шаҳри билан қариндошлик риштаси ҳам боғлаб туриши билан бир қаторда, у шаҳар аҳли наздида ҳам катта обрў-эътиборга, ҳурматга эга эди.

Шу сабабдан, Самарқанд — доруссалтана, Амир Темур давлатининг пойтахти бўлди (қуйида Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари ва ободончилик ҳақида Темурийлар даври манбаларидан таржима-лавҳалар келтирдик).

Ҳофиз Абру «География»сидан

Ҳирот шаҳри анча кўҳна тарихга эга. Шаҳар ҳақида айниқса ўрта аср ёзма манбаларида талайгина маълумотлар мавжуд. Ҳиротлик Сайф ибн Муҳаммад ибн Яъқубнинг «Тарихномайи Ҳирот» (XIV аср), Ҳофиз Абрунинг тарихий-географик асари (XV аср), Муиниддин Исфизорийнинг «Китоб равзат ул-жаннот фи авсоф мадинати Ҳирот» (XV аср) Хондамирнинг (1475—1534) «Хулосат ул-ахбор фи аҳвол ал-аҳёр» («Ҳайрли кишилар аҳволида (жаҳон) хабарларининг хулосаси» (1498—1499 йиллар орасида ёзилган) каби асарлари ана шундай манбалар жумласидандир.

Ҳирот шаҳрининг ўтмишдаги энг юксалган даври XV асрга тўғри келади. Дастлаб Шоҳрух ҳукмронлиги замонда (1405—1447) у Шарқдаги машҳур шаҳарлар қаторида танилди. Султон Ҳусайн Бойқаро (1469—1506) замонида келиб Ҳирот яна равнақ топди ва унинг бу даврдаги юксалишида улуғ шоир Алишер Навоийнинг хизмати айниқса катта бўлди.

Ҳиротдаги йирик иморатлар асосан Шоҳрух подшолиги даврида қурилган. Бу даврда асосий қурилиш ишлари 1405 йилдан бошланган эди. Шоҳрух замонидаги иморатлар узоқ вақтлар давомида шаҳар меъморчилиги асосини ташкил қилиб келди. Улардан баъзилари ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолган.

Қуйида Ҳирот шаҳрининг XV асрдаги тарихий-географик ҳолати ҳақида Ҳофиз Абрунинг «География» асари-дан маълумот берилади.

Ҳирот ва унга тобеъ (жой)лар ҳақида

Хуросон, айниқса доруссалтана Ҳирот, гарчи уни бино этишда, ушбу рубоийда кўрсатилганидек,

Гиштасп ниҳодааст Ҳириро бунёд,
Баҳман пас аз ў бинои дигар ниҳод.
Дороб дигар иморате аз сар кард,
Искандар Румияш ҳама дод ба бод.

М а з м у н и:

Гиштасп Ҳирини айлади бунёд,
Баҳман ундан кейин қайтадан қурди,
Дороб (ҳам) бошқатдан иморат қилди.
Искандар Румий эса ҳаммасини елга совурди.

Бир неча улуғ подшоҳлар саъй-ҳаракат қилган бўлсалар-да, бироқ (Шоҳрухнинг) бахтли ҳукмронлиги замонда беқиёс равнақ топди ва юксалди. Шоҳрух саккиз юз еттинчи (1405) йили уни қайта қуришга ишорат қилди.

Ҳирот шаҳри Амир Темур забт этгандан буён, дарвозалари қўпориб олинган ва деворларида ўйиқлар пайдо бўлган ҳолатда эди. Уни тиклашга олий фармонга мувофиқ амир Фирузшоҳ тайинланди. Бугунги кунда абадпайванд давлатнинг қудрати билан Ҳирот доруссалтана лақабини олди; бу ер жаҳон аҳлининг мақсади, илму фазилат манбаи ва ҳунар маъданига айланди ва Чин чега-

расидан узоқ Румгача, Ҳинд Мўлтонидан Шом ниҳоя-тигача машҳурдир...

Кўча-бозорлар қадим замонда усти ёпилмаган бўлиб, чанг-ғубор асоратидан ва ёғин-сочиндан бозорчилар ва савдо аҳли заҳмат чекардилар. Подшоҳ (Шоҳрух) фармони билан бозорларнинг асосини ганч ва ғишдан ишлаб, олий тоқлар барпо этдилар, бозор расталарини бир-бирига қўшдилар, ҳар ер-ҳар ерда ёруғ тушиб туриши учун тўйнуқ қолдирилди. Кузатувчилар нигоҳида ул дилкушо жой расталар бўйича жойлашган дўконлар, баланд супалар, юксак ҳужралар ва бозордан иборат эди... Чорсу мураббаъ (квадрат) шаклида қурилган бўлиб, атрофдаги яхши жойларнинг марказида жойлашган. Бу ерга тўрт дарвозадан тўртта раста чўзилган.

Подшоҳ Шоҳрух шаҳарнинг шимол томонида, қўрғон этагида, унинг жануб томонида бир-бирига туташ мадраса ва олий хонақоҳ қурдирди, оралиқ масофа катта сарой саҳни билан баланд супадан иборат эди, кириш эшигининг икки томонидан бир-бирига рўпара икки минора жойлашган. Бани одам муҳандислари ва муқаддир (қурувчи)лари шундай бир фикрда ва иттифоқдадирларки, чунончи, ер юзида ундан баландроқ, узунроқ, нозикроқ, девори мустаҳкамроқ ва мукамалроғини қурмаганлар. Миноралар тагидан тепасигача мармар тошдан қурилган, куфий китобалар билан безатилган, бир киши унга маъқалий услубида хат битган. Улардан бирини устод Қувомиддин, ганчга нақш ўйиш санъатида ягона, тенги йўқ уста, иккинчисини Қуръонни қироат билан ўқий оладиган хожа Али Ҳофиз Табризий қурган... Улар мустаҳкам ва латофатли гумбазлар қуришда бағоят уста ва ниҳоятда ҳунарманд эдилар. Уни лойиҳалашда ва қуришда ажойиб шакллар, ҳашаматли, ҳақиқий нозик санъат ишлатиб, тезкорлик билан қуриб тақдим этдилар. Иморат санъатидаги нафисликлардан бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмадилар.

Бугунги кунда ер юзида дарс ва фатво учун ундан кўркамроқ мавзе ва тароватлироқ мавқе кўрсата олмайдилар. Жуда кўп экинзор ерлар ва мулклар унга вақф қилинган. Мадрасанинг тўрт супасида илмда ва таълимда энг етакчи тўрт мўтабар донишманд дарс ўқишади; қобилиятли талабалар илму фазилат ўрганиш билан машғулдирлар, хонақоҳда ҳофизлар каломуллоҳни тўла тиришқоқлик билан қироат қилишмоқда; дарвишлар ва фуқаро кечаю кундуз унинг дастурхонидан бахтиёрдирлар.

Куббат ал-ислом Ҳирот ҳазрат салтанат шиор Шоҳрухнинг ватан ва шаҳар қилиши натижасида, ишончли арбобларнинг балқиб турувчи қуёши, аслзодалар ва ҳақиқатжӯйлар қибласи, улуғлар ва яхшилар каъбаси, дин ва тақво аҳлининг маркази, зоҳидлар, ибодат қилувчилар, мискинлар, эътиборли сўфийлар, дин ҳомийлари паноҳгоҳига айланган эди...

Мазкур подшоҳ ҳукмронлигида, у узоқ айём бардавом бўлсин, Ҳирот шаҳри тўла равнақ ва тартиб топди. Дин аҳлининг ўз подшоҳлари олдидаги мажбуриятлари, унинг аҳолиси мавқеи ва улуғлиги бўйича, ҳар ким ўз мартабасига қараб шаҳар қурилишида қатнашди.

Давлат арбоблари ва сарой аъёнлари деворлар ва қасрлар қуриш, кўшк ва боғлар бунёд этиш, тоқ ва равоқ барпо этиш билан машғул бўлдилар, Жаннат боғлари рашкдан хижолат чекадиган боғлар ва сайргоҳлар қуриб битказилди.

Салтанат шиорли ҳазрат Шоҳрух... истаги билан Ҳирот шаҳрининг шимоли-шарқий томонида, илгари Боғи Сафед деб аталган мавзеда, яна бир қанча мавзени унга қўшиб, зодагонлар, меъморлар, бинокорларни йиғиб, саккиз юз ўн учинчи йили зулқаъда ойининг йигирма тўртинчисида жума куни (1410 йил 20 мартда) кенг бир боғ ва бир кўшк қурилишига асос солдилар. Устод ва боғ қурувчилари меъморлар... кенгашиб, унинг лойиҳасини шундай бир тарзда туздиларки, жаҳон бино бўлиб, олам яратилиб, ҳеч ким унга ўхшашини кўрсата олган эмас... Ана шундай иморат қисқа вақт ичида қуриб битказилди...

Ҳирининг ўзига хос шамоли бор: ёз фаслининг бошла-рида, яъни шамол лозим бўлганда эса бошлайди. Бу шамол шимол томондан эсади. Шу сабабдан иморатларнинг бодгирларини фақат бир томондангина очадилар.

Турли нав яхши мевалар бор, айниқса узумнинг юз хили бор, ҳар бир нав алоҳида ном билан аталади.

Ҳирот шаҳрининг беш дарвозаси бор: шаҳарнинг ғарби, яъни қибла томондаги дарвозасини Ироқ дарвозаси дейдилар; шаҳарнинг шарқ тарафидагисини Хўш дарвозаси дейдилар; жанубдагисини, Сижистон ва Ҳиндистон томонга қараганини Фирузобод дарвозаси деб атайдилар; шимол-ий деворининг иккита дарвозаси бор: бирини серқатнови-ни Майдон дарвозаси ёки Барамон дарвозаси, ёхуд Малик дарвозаси деб ҳам атайдилар; бошқа бири бу дарвозадан шарқда, шаҳар девори бурчагига яқин жойда бўлиб, уни

Қипчоқ дарвозаси деб атайдилар. Бу дарвозадан бошқа, қолган тўрт дарвозанинг қай биридан кирилмасин тўғри бозорга борилади, яъни шаҳар ўртаси Чорсугачадир.

Ҳар бир дарвозага бир нечта катта темир эшиклар ўрнатилган. Дарвозалар оралиғи бир қисм масофада туя бўйни шаклида бурмадир. Хандақ устига осма кўприк боғланган.

Шаҳар деворининг эни қадимда, яъни бунёд этилган вақтида олтиш газ бўлган, баландлиги ўттиз газгача етган. Кейинчалик девор ва шинаклар хокрездан ажратилди; ҳозирда ҳар қайси томондаги девор узунлиги икки минг газ ва ундан ортиқдир. Хандақ ташқарисининг айланаси бир фарсанг.

Дарвозалар оралиғида, то бурчаккача, девор устига буржлар қурилган ва тўрт арконида тўртта катта минораси бор. Шарқий деворга қурилган иккита минорадан бирини, шимол томондагисини, Али Асад минораси ва жанубдагисини — Ҳариқ минораси деб атайдилар; ғарбий деворга қурилган иккита минорадан (бирини), шимолдагисини Хокистар минораси, ғарбдагисини эса Самъониён (Шамъониён) минораси дейдилар.

Шаҳарнинг шимолий деворида одил подшоҳ Ҳозонхон замонида Малик Фахриддин курт тупроқ устига хом ғишдан алоҳида қўрғон қурдирди.

Ҳазрат салтанат шиор Шоҳрух саккиз юз ўн саккизинчи йили (1415—1416) мустаҳкам қалъа, забт этиб бўлмайдиган қўрғон асосини бунёд этишга киришди... Шоҳрух буйруғи билан уни кенг қилиб ўраб олдилар.

Бу қалъа Ҳирот шаҳрининг шимол тарафидаги девор билан туташ қурилган бўлиб, уни курт маликлари замонида Малик Фахриддин қурдирган ва Ихтиёриддин ҳисори номи билан машҳур бўлди... Амир соҳибқирон Амир Темур Ҳиротни фатҳ қилган вақти (1383 йил)да уни бузишни буюрди ва шаҳар деворларини хароб қилдилар, аммо қалъани ишончли кишиларга топширди; бир қанча вақтдан кейин эса қалъа билан шаҳарнинг асл девори орасида, токи қалъага саркуб бўлмасин учун, фосила пайдо қилсинлар деб буюрди; шарқ томондан эллик газ деворни тағи-гача қулатдилар ва нусхада келтирилганким унда етти юз минг киши ишлаган. Ҳазрат соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг, ҳазрат салтанат шиор Шоҳрух Ҳирот шаҳри деворини қайтадан қурдирди, чунончи, бу ҳақда (юқорида) айтиб ўтилди...

Бугунги кунда тупроқ устига хом ғишдан барпо этилган ўша эски қалъа ўрнида оҳак, ганч ва охардан бир қўрғон қурдирдики, тупроқ устида қурилган бу каби мустақкам бинони ҳеч бир мамлакатда кўрмаганлар. Ўша жойда ушбу қалъани тош ва ғишдан бунёд эттирди ва жуда чиройли қилиб икки йил муддат ичида қуриб битказилди. Қалъанинг бир дарвозаси шаҳар ичида, иккинчиси шаҳар ташқарисида эди.

Муаллифнинг ушбу қурилиш тавсифи ва унинг тарихи ҳақида ҳамда ҳазрат салтанат шиор Шоҳрух ва унинг фарзандларини мадҳ этиб, Аллоҳ уларнинг салтанатини абадий қилсин, ёзган бир қитъа (шеър) бор. Бу байтлардан баъзилари қалъа китобаларида битилди...

Аммо Ҳиротга қарашли жойлар ва атроф ерлар булуклардан ва вилоятлардан иборатдир. Ҳирот жулгоҳ (вилоят) идаги шаҳарга туташ жойларни булуклар деб атайдилар.

Ҳиротруд (Ҳерируд) билан Фушанж (Бушанж) ораси узунасига тахминан ўн беш фарсах ва энига беш фарсах келади. Бу жулгоҳ узунасига шарқдан ғарбга йўналишда ястанган. Булуклар дарёдан шимол томонда ҳам, жануб томонда ҳам жойлашган, дарё эса жулгоҳнинг ўртасидан оқади. Дарёнинг ҳар иккала томонидан ариқлар чиқарилган, обод қишлоқлар ва экинзорлар барпо этилган. Ҳар битта ариқни бир булук ҳисоблайдилар.

Бу дарёнинг бир хосияти борки, уни тўсиб сувини бирор ариққа оқизсалар, ҳамма сувни боғласалар ҳам, бир оз масофадан кейин қазисалар унда кўп сув пайдо бўлаверади. Бундан ташқари дарёда ранг-баранг чағиртошлар бор, улардан фойдаланиш мумкин.

Булуклар

Гудора (Гузора)¹ булуки дарёнинг жануб томонида. Бу каттагина булук, унинг марказини қасабаи Молон дейдилар, ариғини ҳам шу қасаба номи билан Жўйи Молон деб атайдилар. Ҳирот дарёсига катта кўприк қурилган. Хуросонда Султон Санжар ҳукмронлиги замонида, яъни 505

¹ Ҳофизи Абру «География»сидан Ҳирот булукларини афғонистонлик олим Мойил Ҳаравий нашр эттирди (76). Ушбу нашр билан фарқли жойлар қавс ичида берилди.

(1111—1112) йили ҳам бу кўприк Молон кўприги деб аталган. Бу булукнинг қишлоқлари Молон ариғидан сув ичади. Баъзи коризлар ҳам шу булукка тааллуқлидир. Бу булукда қуйидаги машҳур қарялар бор: Молон; Ҳрвон (Ғўрон, Ғўрвон), Сирнон (Сиринон), Жўён, Миён-ду жўй, Наҳри жадид, Кўфон, Варсаҳ (Миёнваҳа, Миёни Варях), Наҳрихурд (Наҳри-жадид), Варсаҳ (Вараҳ), Мурғоб, Маҳаллайисодот, Маҳаллайи-хожа Шиҳоб, Қасри Абной, Ногаҳон, Қалби Хилжон (Хилжон), Талос (Малос), Мийно (Мийшо), Гунжон, Гавошон, Сиёвашон, Наҳри Зангий, Курт, Табаркан (Нишин), кориз суви бор. Юқорида келтирилганлардан ташқари, бу булукка тегишли бўлган кўпгина экинзорлар бор.

Инжил булуки. Бу булукни Инжил, яъни «лом» ҳарфи орқали ва Инжир, яъни «р» ҳарфи орқали ҳам ёзишади, бироқ «лом» билан ёзилгани тўғрироқдир. Шаҳарнинг суви шу булукдан, Шаҳарнинг яқинлиги сабабли иморат, сарой, кўшк ва боғлар ушбу булукда кўпдир.

Бу булук дарёнинг шимолида ва Ҳирот шаҳри ҳам ушбу булукка киради. Бу булукнинг машҳур қишлоқлари қуйидагилар: Инжил булуки қишлоқлари: Удрон, Бурдон (Буздон), Жалвоча, Юқори ва Қуйи Навиб (Навин), Арива (Азиз), икки ариқдир, Туркон, Сарвишон (Сарвистон), Корта, Уқоб, Юқори ва Қуйи Ғизон, Фирузобод, Болиён, Бикиробод, Бодмурғон, Жакон, Маллоҳон, Ғўра-Дарвор (Ғўра ва Дарвоза), Пуросон, Боби-Ҳавз, Сусон, Катта ва Кичик Девонача, Шайхон, Баландоб, Қасри Ширин, Жисон, Муломисон (Мулосиён), Ғалвор Сайсон (Сайнон), Озодоб (Озодон), Талоба; Сирвон; бу ерда шайх ул-муҳаддис Аҳмад ибн Абу-л-Валиднинг табаррук (мозори) бор; Парвон¹, Обода, Ғалвон, Гавзажон (Гавҳангиён), Зиндарон, Саройнав, Улво, (Туғорий, Сариталл, Шоди патра, Жибраил, Боғдашт, бу ерда келтирилганлардан ташқари яна экинзорлари бор).

Олинжон булуки. Бу булукда қишлоқлар бошқа булуклардагига нисбатан кўп. Бу булук дарёнинг шимоли ва шаҳарнинг жануб томонида (жойлашган). Боғлар ва экинзорлар бу булукда кўп. Машҳур қишлоқлари қуйидагилар: Бурдоб (Буздон), Гурозоб (Гурозон), Ҳиндувон, Хартушон, Жағора, Бодсона (Шодмона), Қавис (Гависон), Дар-

¹ Бу қишлоқ номи Мойил Ҳаравий нашрида берилмаган.

фароҳ, Мароғиз, Фарошон, Милдон, Бузон, Фариза¹, Симъон (Шимъон), Дастжирд, Сӯрсон (Жағратон), Бораф (Басодақ), Макизон, Масалдум (Маладум), Масгирд, Жирый, Шибрий (Шибрин), Шӯрон (Бушурон), Зиришт, Талоб, Кабарзон, Гависонон, Сақафон (Хафсон), Қипчоқон, Хардузон, Пасраҳ (Бабрах), Сархез, Канъон, Қибчоқиён (Бичигиёл). Бӯй мосон, Туркобод, Хондар, Санба (Ханба), Куҳраки, Тақачий (Тасҳий), Жода, Чокарон, Баҳара ва Қипчоқ (Паҳва ва Қаймоқ). Бундан ташқари яна экинзорлари ҳам бор. Бу булук дарё қирғоғига туташдир. Булукнинг бошидан охиригача беш фарсанг келади.

Ғӯрувон (Ғӯрон, Ғӯрувон) ва Поштон булуки. Ғӯрувон. Бу булукда экинзорлар боғларга нисбатан кўпроқ. Бу булук дарёнинг шимолий томонида, шаҳарнинг юқорисида. Машҳур қишлоқлари қуйдагилар: Канор, Зерак, Сом (Бом), Жоварс, Бағни, Ғӯрувон, Пойсин (Пой-ҳисн), Бойсин, Бу Талҳа, Хожа Ғарибон, (Жиндахон).

Поштон. Қаҳдистон, Гозронча, Поштони хожа Лаъмар (Поштони хожа Аҳмад), Поштони хожа Мавдуд, Саджон, Али Афғон, Мазраъайи Сулаймон, Хонони, Мазраъайи Новабурён (Мазраъайи-Босабурён), Мазраъайи Работи хожа Мавдуд Поштоний. Султон Санжар замонида мўътабар бўлган бу шахс ана шу Поштонда яшаган. Бу булукда кориз кўп.

Турон (Турон ва Тўнён) булуки. Бу булукда боғларга нисбатан экинзорлар кўпроқ, дарёнинг шимолида, шаҳарнинг юқорисида жойлашган. Бу булукнинг машҳур қишлоқлари қуйдагилар: Турон (Тўнён), Риндон (Зиндон, Зиндарон), Пўстин, Қасри Дувора (Қасри Жўлоҳ), Кажоба, Наҳри Ҳалвои, Мос, Чокарон (Гўши улё, Гўши, суфло)

Хиёбон булуки. Бу булук дарёнинг шимолида, шаҳарнинг ҳам шимолида жойлашган. Инжил булукига туташ, унинг шимолида. Шаҳар аҳлининг қабрлари аксари ана шу Хиёбон мазраъасида жойлашган ва бу ғўристонда улугларнинг қабрлари кўп. Бу булукнинг машҳур қишлоқлари қуйдагилар: Хиёбон, Ҳамсар (Сафча), Миён ду жўй, Бағни марғ (Бўй марғ), Қасри Абу-бакр, Нағори, Сўҳ Салмон, Работи Ғўрён, Бадла (Бадалў), бу холис вақфдир; Қаноти Мухтор, Софава бирён (Товаҳ бирён), Қаноти

¹ Мойил Ҳаравий нашрида: Юқори ва Қуйи Фаризан, ҳозир Работи Фариза.

Қириқл. Мазкур қишлоқлар баъзиси дарёдан ва айримлари кориздан сув ичади, бироқ дарёдан сув ичадиганлари кўпроқдир.

Сабқар булуки. Бу булукда боғ ҳам, экинзорлар ҳам кўп; дарёнинг шимолида, шаҳарнинг юқорисида. Бу булукнинг машҳур қишлоқлари қуйидагилар: Ғовардон, Артихон, Ғиша, Кўшкак, Суғдравон (Сафидравон), Тарёк, Навбодон. Навсон (Найсон), Фарак (Пирак), Хўшбошон, Кихшавони (Китвони), Чағонгар (Чунгар), Шодихужом (Шодижом), Ўрам (Навён).

Парвона ва Ҳаводаштак булуки. Бу булук шаҳарнинг шимолида, ўртада бир тоғ бор, уни Козургоҳ тоғи деб атайдилар. Козургоҳда хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг мазори бор. Бу булукнинг машҳур қишлоқлари қуйидагилар: Ҳаводаштак, Ғарқоб, Парвона, Тағур работ (Тағуз работ). Қоризи нав, Жаржарак; Кандаоб. Бу булукда экинзорлар кўп, аммо боғлар кам. Тағур работким юқорида қайд этилди. Анварий мадҳ этган, хожа Мавдуд Асмо томонидан Султон Санжар замонида қурилгандир. Шаҳардан бу работгача икки фарсанг келади. Бу булукнинг суви аксари кориз сувидан иборат.

Камбароқ (Камирон) булуки. Бу булук Ҳирот дарёсининг жанубий томонида. Бу булукда боғ ҳам, экинзор ҳам бор, аммо экинзор кўпроқ. Дарё ва кориз суви, яъни ҳар иккаласидан бор. Машҳур қишлоқлари қуйидагилар: Гулмир, Дашт бом, Миён ду жўй, Азлар (Азуддин), Сиёҳак (Сиёгирд), Шутро, Али Баҳром, Салвин (Салими), Манзил, Лаклакхона, Осиёча, Дошон, Кундур, Амир Ҳамид, Руд соний (Руд моҳий), Шаҳрак, Сангисуроҳ, Сароф (Бийчақий). Санаб ўтилганлардан ташқари яна кўпгина экинзорлари бор, ғалласи мўл.

Удвон ва Тизон булуки. Бу булук ҳам дарёнинг жанубида. Бу булукда боғ ва экинзор, яъни ҳар иккаласидан бор. Дарё ва кориздан сув ичади. Удвон булуки: Удвон қишлоғи, Чокарон қишлоғи, Мазраъайи Манор, Мазраъайи Деҳнав, Мазраъайи Сидон, Мазраъайи Шамсиобод (Мазраъайи Ишқобод), Мазраъайи Асироб (Сароб), Мазраъайи Ғарибон, Чўпонак қишлоғи, Маъонак қишлоғи, Мазраъайи Зинобод, Мазраъайи Чоркафтархон.

Тирон (Тизор) булуки: Тирон қишлоғи, Кинмир (Гўшмир) қишлоғи, Рабўна (Райўна) қишлоғи, Мазраъайи-Онон (Ломон), Мазраъайи-Қутлуғшоҳ (Кулишоҳ), Алижу (Алишоҳ) қишлоғи, Амир-Яҳё канали, Гувонча (Гувон-

шинча), Али Соҳар, Амир Симин қишлоғи. Юқорида келтирилганлардан ташқари яна кўпгина экинзорлари бор.

Ҳиротнинг ҳозирги булуки ва қишлоқлари¹.

Гузара булуки. Работи Мирак, Қаряйи Абди, Қаряйи Аҳмадобод, Баландоби Ақа Мирқосим, Қаряйи Нишин, Қаряйи Чилдухтарон, Қаряйи Кунжон, Қаряйи Курт, Работи Мусо, Чокабутархона, Қаряйи Гирдоб, Қаряйи Севашон, Маҳаллайи хожа Шиҳоб, Қасри Яҳё, Гавошон, Зоҳидон, Миён ду жўй, Равзабоғ, Наҳри Занги, Килогирд, Қасри Анбой (Анбиё), Урдўбоғ, Манзили содот, Зиёратжоҳ, Сирнон, Жўён, Бахтиёрийҳо, Каримобод, Ҳуснобод, Коробод, Молон, Ғўрон, Кўфон, Исфағон, Работи Мирзо, Охундҳо (Охундон), Кабкон, Мирўхон, Пойпадаҳ, Шукурхоний, Талос, Халачон, Чорбурчак, Ногаҳон, Диҳложий, Саҳипаҳа, Мурғоб, Баландоби Мурғоб, Боғшоҳий, Ҳазоржариб, Диҳзақ, Тамқочак (Тунқорчон), Санўгирд, Тўпчибоши, Работи Садр, Кўча Исфизор, Чорбоғи Сайид Нуриддин, Чўрён, Хожа Исом, Пўштоба, Миёндеҳ.

Инжил булуки. Ғулбади Пунбаҳ, Удрон, Боғ Мосон, Буздони улё, Буздони суфло, Жулворчайи улё, Жулворчайи суфло, Навин улё, Навин суфло, Туркон, Баландоб, Қулбчаҳ, Сарвистон, Азиздуруд (Азизруд), Таҳкод, Гирдоб, Уқоб, Валиобод, Мулло Яҳё, Ғизони улё (Ғизон чашма), Ғизони (Ғайзон) вусто, Ғизони (Ғайзон) жўйча, Замонобод, Жакон, Фаллохун (Маладом), Фирўзобод, Бикрободи улё, Бикрободи суфло, Қулбчайи Баландоб, Бодмурғон, Боғи мурод, Боғи сафед, Давлатхона, Байт ул-амон, Боғи гулшан, Боғи шаҳзода Малик Қосим, Чаманоро, Бибигул, Дарёча, Мухторий, Қундур, Кўлоб, Масраҳ, Саронав, Шоди Барраҳ, Дарвеш Алам, Мусалло, Чамгар, Дарби Малик, Мулосиён, Девонача, Боғи-Зоғон, Хушкруд, Жибраил, Улво, Шўрак, Кориз нав, Баромони улё, Зулайҳо-бека, Баромони суфло, Жийсон, Ҳавзи султон, Ғалвор, Девоначайи кўчак, Девоначайи бузруг, Ободиҳи (Ҳавода), Баландшоҳий, Қасри шоҳий, Пурон, Қулобайи улё, Озодон, Сийнон, Ғалвон, Тулобайи суфлон.

Олинжон булуки. Буздон, Ҳиндувон, Кабарзон, Соқихона, Хартўшон, Баҳоробод, Хожанур, Бўйнон, Шодмона (Шода ва Ўға), Қависнон (Қавшинон) Дарқарор, Фар-

¹ Бу рўйхат Мойил Ҳаравийнинг юқорида қайд этилган асаридан олинди (76).

рошон, Чорбоғ, Қулбча, Мароғиз (Марғаз), Милдон, Фаризан (Работи Фариз), Исломи улё, Дастгирд, Деҳпуда, Деҳсурх, Шўрандақ (Шўрадақ), Саҳархез, Мўғулбачча, Дўстобод, Маликобод, Жағратон, Бодақ, Пуштоба, Камизон, Саркўча, Пуштидеҳ, Маладон, Уланги, Говмеш, Сўфиён, Талоб, Равошон, Работи қулқ, Саркўча, Кўшкнур, Чийри, Яққубобод, Жаъфарий, Работи чап, Сарвис-тон, Турқобод, Қалмуғулон, Деҳ мири, Алванд, Муқимобод, Деҳғариб, Зиришк (Ражишк), Деҳи ўзбак, Нақобод, Ошуробод, Арабобод, Сўфиобод.

Турон ва Тўнён (Отшон) булуки. Тўнён, Турон, Жандахон, Али афғон, Гавшан, Пўстин, Деҳ кинор, Сурх хожа, Жоврас, Ёўрон, Бойи, Деҳи шакар, Хонони, Бағано, Деҳи зерак, Ғарзақ, Тавбирён, Работи дарвеш, Гозаронча, Бу Талҳа, Миёнируди.

Хиёбон булуки. Ёиша, Саросиё, Лакано, Ҳунармурод, Қушқака, Хўшбошон, Ғовардон, Катвун, Шоди жом, Ўжанг канда, Чорбоғ, Навбодом, Номазрў, Фарак (Пирак), Қулзум, Нўробод, Ўрдўхон, Чўнгар, Наққош, Фаридўнобод, Гирдоб, Работи Вайс, Бадалў, Қалъайи Мухтор, Қобулдароз, Нақобод, Ногаҳон, Работи ғўриён (Работи ғўлдўк), Хаймадўзон, Бобоҳож, Боғи Назаргоҳ, Боғи Мурод, Тўлаки, Ёўдорон, Чаманоро, Қосимобод, Боғи шоҳ, Мўқриён, Боғи оҳу, Абу-л-Валид, Исҳоқ Сулаймон (Исмоқи Сулаймон).

Сабқар булуки. Фатҳобод, Катвун (Катони), Хўшбошон (Киштпошон) Бандким, Сафедравон, Азизруд, Тарёк, Кўшки Исҳоқ, Кундур, Сирож, Чорбоғ, Коришк, Ростажўй, Работ, Наҳргаҳ, Асаҳ.

Камбароқ булуки. Тешрез, Қабчоқ, Синжидак, Кундур, Манзил, Сарироб, Саришаст, Гулмири улё, Гулмири суфло, Деҳи пойин, Дашти бом, Деҳи ёздаҳ, Деҳи шайх, Сиёхгирд, Али Баҳром, Работи Ҳофиз, Чор ҳаёт, Салимий, Осиёча, Бийжақий, Тархон, Жўйи мирон, Амригирд, Тўқчи, Қаймаст, Работи Шаҳриёр, Суроб, Садиробод, Ҳуснобод, Алиобод, Работи нав, Работи Файзулаҳ, Работи Ғавсий, Шанбеобод, Улангёрхўш, Додшон, Работи латаҳ, Миён ду жўй, Камбароқ, Маҳалла пучих, Навбар, Работи Сулаймон, Работи Дода, Фахробод.

Удвон ва Тизон булуки. Охундон, Шоҳаварди хон, Кинча, Миён ду жўй, Удвон, Қалъайи вакил, Кумаҳ, Мазраъайи Калота, Фарошон, Шамсобод, Фаржоний, Шўробод, Деҳнав, Килодўз, Истироб, Деҳи минор, Кабутархон, Чака,

Фўрчанг (Кучанг), Калакиён, Қувашмир, Ғавошониша, Хожжа Олим, Зангон, Қалабгаз, Қулишоҳ (Қулбшоҳ), Бахтиёрӣ, Қанон, Мирварди, Шўрак, Маланг, Тизон, Гургон, Жўйи Пуштоба, Коризи сўфи.

Бодғис (вилояти)

Баъзилар унинг номининг келиб чиқиши ҳақида (сўзлаб, уни) «Бодхез», яъни у ердан шамол кўтарилади, дейдилар. Бодғисда яйловлар кўпдир ва унда кўп улус ўз чорвалари билан яшаб тураолади. Булоқлари, дарёлари, ариқлари бор бир кенг жойдир; унинг айланаси юз фарсангдан ортиқ. Шарқий чеккаси — Қурух, сўнгра Ҳиротруд ва Ғарчистон (вилоятлари)га қарашли ерлар келади; шимоли — Мурғоб суви ва унинг ҳавзасидан (иборат); ғарби — Сарахс ва Жом ерлари бўлиб, у то Кўсуягача давом этади; жануби — Фушанж ва Ҳирот (вилоятлари)га қарашли ерларга туташган.

(Бодғис вилоятининг) ҳозирги вақтдаги йирикроқ ариқлари қуйидагилардир: Халил, Заърон, Жул ва Ҳаррон, Будун, Саркий, Лашкари Амир Фиёс, Қорабоғ...

Подшоҳ Чингизхоннинг лашкари Ҳуросонга (бостириб) кирган пайтда Бодғис жуда обод экан. Колвин ва Бағшўр каби йирик шаҳарлари, ҳар бирида йигирма минг-ўттиз минг аҳоли яшайдиган қасабалари бўлган. Чингизхоннинг қўшинлари у ерда ҳам кўп қирғинлар қилдилар.

Ҳозирги (подшоҳ Шоҳрух салтанатининг) саодатли айёмида (катта) бир ариқ қазилган ва юқорида санаб ўтилган қишлоқлардан ташқари яна икки юзга яқин экинзорлар (мазраъа) бор. Уларнинг номлари девон дафтарида қайд этилган ва ортиқча тафсилотга ҳожат йўқ. Шу сабабдан қисқача тўхтаб ўтилди (72, 228 а варақ).

Мурғоб — Ҳирот ноҳияларининг шимол томонидаги чеккасидир. Ундан сўнг Чечекту келади ва уни Балх (вилояти)га киритадилар. Мурғоб Бодғисдан шимолда жойлашган. Бу жой Мурғоб дарёси соҳилида бўлганлиги учун уни «Мурғоб» дейишган. У ердаги ободончиликнинг аксар қисми ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур) Хуросон мамлакатини забт этгач, (унинг буйруғи билан) амирлар ва аркони давлат ҳар бири биттадан ариқ қаздирдилар ва шу асосда ободончилик қилдилар ва экинзорлар барпо этдилар. Чунончи, ҳозирги вақтда деҳқончиликда фойдаланаётган мазкур ариқлар қуйидагилардир:

Дилкушо ариғи¹, Ганжравон ариғи, Дарбанд, Ганжхона ариғи, Умар Тобон ариғи, Оқ-Буқо ариғи, Қутлуғ Темур ариғи, Шайх Абу Саъд ариғи, Шайх Али ариғи, Давлатшоҳ Жондор ариғи, Гулбоғон ариғи, Қутлуғ хотун ариғи, Ҳасан Жондор ариғи, Амир-Алоуддин ариғи. Санжидак ариғи, Наврӯз ариғи, Кебекчи ариғи, Менгли хожа ариғи, Қавсанжон ариғи, Али Малик ариғи. Ҳозирги вақтда унда бешта қишлоқ бўлиб, Марўчоқ унинг қасабаси эрур (72, 228 б варақ).

Марв ва унга ёндош ерлар. (Марв) — Хуросоннинг қадимий шаҳарларидан саналади. Чўлда жойлашган ва ҳеч қайси томондан тоғ кўринмайди...

Подшоҳ Чингизхон Эрон мамлакатларига юзланганда, аввал Балх шаҳрини эгаллади... Сўнгра шаҳзода Тўлихонни саксон минг аскар билан Хуросон ўлкасини эгаллашга тайинлади ва аҳолидан қилични аямасликни, бешикдаги боладан юзга кирган чолгача барчасини ўлдирмоқни васият қилди.

Тўлихон олти юз ўн олтинчи² йил раби ул-аввал ойининг ўрталарида (1219 йил, июнь) Толиқон ҳудудидан Харлонни босиб олиш учун жўнади. У дастлаб Марв шаҳрига етиб борди. Ўша пайтда Харлон вилояти, хусусан Марв шаҳри жуда обод эди. У узоқ муддат давомида Султон Санжар (давлати)нинг пойтахти бўлган ва ўша кезларда Марв шаҳрини «Марви Шоҳижон» дейишаркан. Марвда учта катта жомеъ масжид бўлиб, жумъа куни учала масжид ҳам одамга тўларкан.

Марв шаҳрида тўқсон минг жангчи бор эди, улар жангга киришдилар. Ниҳоят, Тўлихон шаҳарни босиб олди. Бир неча кун давомида одамларни чўлга олиб чиқдилар ва эркакларни хотинлардан ажратиб ҳаммасини қириб ташладилар. Шаҳарни хароб қилдилар. (Жувайнийнинг) «Тарихи жаҳонгушой» асарида ёзишича, бир неча кун ўлдирилганларни санаганлар. Саноққа олинмаганлар ва ёзилмаганлардан ташқари қатл қилинганларнинг ўзидан бир юз ўттиз тумандан кўпроқ киши рўйхатга олинди. Жаҳон қалбида

¹ Ариқлар номи нусхаларда ноаниқ берилган: улардан баъзилари Ҳофизи Абру «География»сидан Хуросон қисмининг Д. Кравулский нашр этган матнидан олинди (Виесбаден, 1982).

² Абдураззоқ Самарқандий «Матла ас-саъдайн» асарида бусанани 618 (1221) йил, дегани тўғрироқдир (1, 141- бет).

кўрк бўлиб турган шундай бир шаҳар мазкур ҳодисада мурдалар ва ваҳший ҳайвонлар масканига айланди; унинг дарахтларидан бирорта шох ва қасрларидан бирорта бутун айвон ҳам қолмади. Ана шундай жой (оятда таъкидланган) — бўмбўш воҳага¹ — айланди. Яратганнинг қаҳр-ғазаби ул эл-юртнинг кулини кўкка совурди; мана икки юз йилча вақт ўтди, (у ерда) савдогар бир лаҳза ором олиши мумкин бўлган на бир соя на муқим яшовчи замон ҳодисаларидан гаплашиб ўтириши учун на бир ҳамсоя бор.

Ҳижрий йил ҳисоби саккиз юз ўн иккига (милодий 1409—1410) етганда, Аллоҳнинг битмас-туганмас гардининг файзи ҳазрат салтанат шиор (Шоҳрух)нинг, — Аллоҳ таоло унинг подшоҳлигини абадий этсин, — хотирида қурмоқ ва обод қилмоқ истагини пайдо қилди ва у хисравона иноят назарини ул диёрга қаратди. Унинг фармони асосида турк ва тозик мамлакатларининг турли томонидан барча фуқаро зодагонлар ул муҳим ишга киришдилар.

Марв (шаҳри) Мурғоб² дарёсидан сув ичади; унинг тўғонини сув бўзиб, ариқлар кўмилиб кетган эди. Ариқлар қайта қазилсин, тўғон тиклансин, токи ошиқлар дили каби хароб ва ҳунармандлар иши юзидек чанқоқ ерлар юздаги зулф мисоли қадрли бўлсин ва гўзаллар (чеҳраси) хаттидек сабза уриб кўрк топсин; кийиклар, қуёнлар, сиртлонлар, тулкилар маскани бўлиб қолган жойлар ястанган дарахтларга ва сайроқи қушлар макони бўлсин; (оятда таъкидланган): — экин ўсмайдиган бир водийни³, — хуррамлик боғларига айлантирсинлар, — деб фармон берди.

Бу тўғон тикланиб, сув яна ул (шаҳр)-диёр узра таралгач, теварак-атрофдан одамлар у ерда ободончилик қилиш ва яшаш учун рағбат ва истак билдирдилар. Бозорларни обод қилдилар, масжидлар ишга тушди, ҳаммомлар ва уйлар қурдилар. Унинг бахтли замонида хонақоҳлар, мадрасалар, работлар, ариқлар барпо этилди.

Марв ариғини қайта тикладилар. Унинг кенглигини бошланишида йигирма газ⁴ қилдилар, охирида ўн беш газ-

¹ Қуръони карим, 20- сура (Тоҳа сураси), 106- оятдан.

² Матнда «Марғоб» шаклида берилган.

³ Қуръони карим, 14- сура (Иброҳим сураси), 37- оятдан.

⁴ Газ — узунлик ўлчов бирлиги, бир газ тахминан 70 см.

ни ташкил этади. Чуқурлиги тепаликларни кесиб ўтган жойларда ўттиз газга етарди, текисликда эса беш газдан кам эмас эди. Унинг узунлиги Мурғоб тўғонидан то шаҳар дарвозасигача ўн икки фарсанг¹. Бу дарвозани Аламдор дарвозаси дейишади, сабаби, Бурайда ва Ҳакам (исмли) кишиларнинг қабрлари ўша ердадир. Улар жаноб пайғамбар (Муҳаммад) нинг, унга энг афзал салавотлар ва таъзимлар бўлсин,— аламдорлари эканлар... Марвнинг шаҳрбанд (девори) ушбу Аламдор дарвозасидан ўтади. Шаҳардан ортиб чиққан сув қумларга сингиб тугайди...

Султон Санжар (1118—1157) замонидан сўнг, (ҳижрий) беш юз эллик саккизинчи (милодий 1162—1163) йили Мурғоб дарёси тўғонни ювиб кетди. Қанчалик ҳаракат қилмасинлар уни тиклай олмас эдилар. Уч йил давомида Марв (ариғининг) суви кескин камайди. Кўпчилик аҳоли тарқаб кетди ва уларнинг ҳаёти хароб аҳволга тушиб қолди. Ниҳоят, Хоразмшоҳ одамлар юборди ва улар тўғонни тузатдилар.

Айтишларича, Султон Санжар замонида (Марв) ариғини тузатиб, қараб туришга ўн икки минг киши белгиланган экан. Марвнинг қолган аҳолиси уларни боқаркан.

Мурғоб дарёси номининг келиб чиқиши ҳақида баъзилар илгари «Марв-об» бўлган, кейинчалик омма талаффузида «Марғоб» аталиб кетган, дейдилар. Баъзилар эса, бу дарё Фарчистоннинг дараларидан сув олади ва ул дараларда «марғ» — тоғ ўтлоқлари кўп, шу сабабдан уни «Марғоб» аташган, дейишади.

Марвда қовун яхши бўлади, (мазаси) ширин; унинг (бир қисмини) қуришиб оладилар ва уни «қоқ» аташади. Қовуннинг сувидан душоб (шинни, қиём) тайёрлайдилар. Бугдой ҳам Марвда бошқа жойларга нисбатан яхши, нони ҳам оқроқ, мазалироқ бўлади. Марв чўлидан бутун дунёга уштурғоз² олиб кетишади...

Султон Санжар замонида Марв жуда обод бўлган эди, унинг давлатининг охирги йилларида ғузлар кўп хароб қилдилар. Ҳозирги пайтда (Марв шаҳри) Султон Санжар замонидагидан ҳам ободроқ бўлади, деган умид бор. Ин-

¹ Фарсанг — тахминан 6—7 км.

² Уштурғоз — ўсимлик, коврак (ферула)нинг бир тури.

шоаллоҳ, унинг ягоналиги ҳаққи-ҳурмати! (72, 236^а—237^а арақлар).

(Мовароуннаҳр тавсифи)¹

Маъмуранинг Мовароуннаҳр деб аталувчи қисми, асосан, етти иқлимнинг бешинчи иқлимида жойлашган. Ул мамлакатнинг бошланиши ғарб томондан, Холидот оролларида бошлаб ҳисоблаганда узунлиги тўқсон беш даража бўлган жойдир ва бу Хоразмнинг узунлигига тўғри келади; то Кошғар ва Хўтангача, унинг узунлиги бир юз етти даража. Ана шу ўн икки даража узунликни Мовароуннаҳрга тегишли, деб биладилар. Узунлик (Атлантика) соҳилидан ҳисобланган баъзи бир (зижлар) нусхаларида бундан ўн даража кам кўрсатилган; яъни бошланиши — саксон беш даражадан, охири — тўқсон етти (даражагача).

Мовароуннаҳр мақтовида шундай демишлар: «Унда гуллаб-яшнаган жойлар ҳаддан зиёд ва ободончилик, шаҳар, қишлоқ, экинзор қилинмаган жойнинг ўзи топилмайди. Ҳавоси ҳаволарнинг энг соғломи, сувлари мавжуд сувларнинг энг тотлисидир. Ширин сувли булоқлар унинг барча тоғларида ва водийларида мавжуд; дашт-чўллари беқиёс хушманзара эрур. (Йирик) шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Термиз, Хўжанд. Одамлари дин ва илмда энг яхши ва солиҳ, саховатпеша ва довурак эрурлар. Дунёнинг иқлимлари ичида ери унумдор ва нознеъмати шуҳрат қозонган (жой)лардан бири Мовароуннаҳрдир.

Кенглиги Омўя ва Жайхундан, бу тўртинчи иқлимнинг охири ва бешинчи иқлимнинг бошланишидир, то Чоч ва Фарғонагача, бу бешинчи иқлимнинг охири, шунингдек, Кошғар ва Олмолиғача, бу олтинчи иқлимнинг бошланишидир. (Градус ҳисобида) ўттиз тўққиз даражадан то қирқ тўрт даражагача, жами беш даража. (Шундан) тахминан чамалаганда, Мовароуннаҳрнинг майдони юз фарсанг бўлади.

Баъзилар Мовароуннаҳр мамлакатини бир томондан Омўя дарёси ва иккинчи томондан Сайхун² дарёси ора-

¹ Мовароуннаҳр тавсифи Ҳофизи Аbru «География»сининг фақат Бодлеян (Оксфорд) кутубхонаси қўлёзмасида сақланган (73).

² Сайхун — матида хато: «Жайхун» ёзилган.

лиғини (айтадилар). Китобларда уни Жайхун ва Сайхун давлати (ҳам деб ёзганлар). Чегаралари: Мовароуннаҳрнинг шимоли-шарқий чеккаси — Кошғар ва Хўтан вилояти, то Мўғулистон ҳудудигача, ундан сўнг Уйғур ери келади. Мовароуннаҳрнинг ғарбий чеккасида Хоразм жойлашган, Хоразмни (одатда) Мовароуннаҳрга киритадилар. (Аммо) баъзилар Хоразмни Журжонга тегишли, деб биладилар. (Мовароуннаҳрдан) шимоли-ғарбий томонда Дашти Қипчоқ, Ўзбек диёри ва Туркистон жойлашган. Унинг жанубида бир чўл (Қорақум) борким, у Хоразмни Хуросон ва Хазар денгизидан ажратиб туради. Мовароуннаҳрнинг шимоли олтинчи иқлимга киради, яъни Олмалиғ ва Баласоғундир, улар барчаси Турк мамлакатидир. Мовароуннаҳрнинг жанубий томонида Жайхун дарёси бўлиб, у Хуросон ўлкаси билан Мовароуннаҳр ўртасида чегара ҳисобланади. Шу сабабдан уни Мовароуннаҳр¹ дейишади.

Мовароуннаҳрда турли қазилма бойликлар бор: олтин, кумуш, симоб, темир, мис; нашатир кони эса фақат шу ўлкада бор холос. Ул мамлакатда нефть кони ҳам бор; бу маъдан Тукристон билан Мўғулистон то Хўтан ҳудудигача бўлган тоғлардадир, улар барчаси Туронзаминга тааллуқли. Кишилар эҳтиёжи учун нимаки зарур бўлса Мовароуннаҳр мамлакатада етиштирилади. Мовароуннаҳрнинг ажойиботлари: у ерда тоғда бир ғор бор ва ундан бир булоқ сизиб чиқади. (Булоқ суви) қишда шундай иссиқки, бирор киши унга кирмоқчи бўлса иссиғига чидолмайди; ёзда эса ўта совуқ, ҳатто музлайди.

Туркистон билан Мовароуннаҳр оралиғидаги тоғда қора тош бор, худди тошкўмирга ўхшаб ёнади. Уни отуловларда (кўплаб) олиб келишади ва одамлар сотиб оладилар. Ёниб бўлгандан сўнг, ундан оқ модда — кул ҳосил бўлади ва ундан ишқор сифатида фойдаланадилар.

Яна бир тош борким, уни сувга солсалар дўл ва ёмғир ёғади, шамол (пайдо) бўлади. Аҳли ҳикмат, (ул жой учун) хос бўлган нарсана шу тош зрур, дейдилар.— Барча ишларнинг ҳақиқатини фақат Аллоҳ билгувчидир.

(Мовароуннаҳр ер юзидаги) барча мамлакатлар ичида ноз-неъмат энг кўп жой саналади, иқлими соғлом. Ул диёрда очарчилик ва вабо камдан-кам ҳоллардагина бўлади.

¹ Арабча «Мовароуннаҳр» — «дарёнинг нариги томонидаги (ерлар)», деган маънони англатади.

Агар аҳён-аҳёнда экинларга бирор зарар тегиб қолган тақдирда ҳам, уларнинг ўтган йилда йиғиб қўйган захиралари шунчалик кўп бўладики, яна бир йилдан ортиқ муддатга ҳам етади. Ул мамлакатда турли навдаги мева-лар фаровон эрур. Мовароуннаҳрнинг тоғларида pista ўсади. Ҳиротнинг Бодғис (вилоятидагидек).

Мовароуннаҳрнинг бир-биридан гўзал тўртта (йирик) шаҳри бор.

Назм:

Мовароуннаҳр мамлакати бўйлаб,
Тўртта шаҳар бор, бир-биридан гўзал.
Аввал Бухоро — илм ва фазилат манбаи,
Рум ва Чин диёрларига ҳам донғи кетган.
Улуғ Самарқанд шаҳри — салтанат макони,
Шуҳратда шаҳарлар ичра нигинли¹ тож қабидир.
Ундан сўнг Термиз — сахийлар ва авлиёлар маскани,
(Кўркам) сув бўйлари зилол дарёларнинг рашкини келтиради.
Ҳўжанд шаҳри ул мамлакатда,
Кайф-сафо жойи, обод мавзеъ ва сўфийлар ватани эрур.

Мовароуннаҳр аҳолисининг от-улов ва чорва моллари кўп. Ул мамлакатда туя жунидан жуда чиройли чакмон тайёрлайдиларким, ундайини бутун дунёда ҳеч бир жойда тайёрлай олмайдилар; барча иқлимларга шу ердан олиб кетадилар.

Мовароуннаҳр ўлкаси Туркистоннинг бандаргоҳидир², тулки, сувсар ва олмахон тери-мўйналарини кўпинча шу ерга олиб келадилар ва у ердан турли иқлимларга олиб кетадилар.

Мовароуннаҳр аҳолиси улуғворлик ва мардоналик ила донг таратган.

Айтмишларким, (бир куни) Кашосиф Жомосибдан «Менинг ўғилларим мард, лашкарим буйруқни бажарадиган ва қизларим иболи бўлиши учун нима қилишим керак? — деб сўраганда, у: «Лашкарни Мовароуннаҳрдан йиғ, хотинни Румдан ол ва Балхда яшагин», — деб жавоб қилибди.

Халифа Маъмун (Бағдод халифаси, 813—833) аскарлар мақтови ҳақида сўз қотганда: «Мовароуннаҳрдан бир ки-

¹ Нигин — қимматбаҳо тош; подшоҳнинг муҳри, узук.

² Бандаргоҳ — чўл, дашт ва тоғли ерларда йўллар кесишган, гавжум, карвонлар қўниб ўтадиган жой.

ши, Шомдан икки киши ва Ироқдан бир кишига (тенг келадиги)», — деган экан.

Мовароуннаҳр ислом замонида Сомонийлар давлати вақтларида жуда обод бўлди, айниқса Бухоро, уларнинг пойтахти эди. (Бухоро шаҳри) қадим замонлардан буён сувининг хуштаъмлиги, ҳавосининг тозаллиги, хизматкорларининг эътиборлиги, чорвасининг кўплиги, ноз-неъматлар мўл-кўлчилиги ва халқининг бисёрлиги билан танилган ва машҳур экан.

Айниқса, улуғ амир ҳазрат Соҳибқирон (Амир Темур)нинг — Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин қилсин, — ҳушою замон ва бахтли айёмида, (Мовароуннаҳр) ер юзи мамлакатларининг пойтахти бўлди. Жаҳоннинг турли жойларидан ҳунармандлар, фозиллар ва муҳандислар ул ерга келиб яшай бошладилар. Ул диёрнинг одамлари он Ҳазрат ва унинг бола-чақалари хайрихоҳлиги соясида ҳамда марҳамати ҳимоясида турфа ҳодисалардан асралган ва омонликда умр кечирадилар.

Ҳозир, яъни ҳижрий сана 823 (милодий 1420) йилга етганда, ўн бир йил бўлдики жаҳон ва жаҳон аҳлининг ҳукмдори, саодат ва ҳукмронлик фалакининг қуёши, парвардигор инояти ила тасдиқлангани ҳақиқат, давлат, дин ва дунё ҳомийси Улуғбек кўрагон, — Аллоҳ унинг подшоҳлигини ва султонлигини абадий этсин, — давлати бахтиёрлигида тинчлик-осудалик қуёши ул (ўлка)нинг ҳавоси ва фазосида парвозда эрур; ободончиликлари итир фалаги¹ билан ҳамроз бўлмиш: теварак-атрофлари эса тозаллик ва тароват бобида жаннат боғлари билан тенглашмиш; турли ноз-неъматлар (мўл-кўллиги) жиҳатдан барча иқлимларда мумтоз бўлмиш. Унинг давлати кўланкаси дунё иқлимлари, хусусан, Мовароуннаҳр аҳолиси узра доим тушиб турсин Муҳаммад ва унинг тақводор авлоди ҳаққи-ҳурмати!

Самарқанд. Тарихдан маълум бўлишича, қадим замонда Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқанд бўлган экан. Айтишларига қараганда, унинг биринчи ҳукмдори Кайковус экан. Ундан сўнг Искандар (Александр Македонский)

¹ Итир фалаги — эфир, яъни етти қават осмондан юқорида жойлашган фазо.

ҳам уни қурмиш. Самарқанд шахрини Шамар (исмли) муътабар амир қурганмиш ва у Туббаъ¹ амирларидан бўлиб, Туркистонга келиб қолган. Шундан сўнг ул (шаҳар)ни «Шамар-канд» дейишган, яъни «Самар қишлоғи». Бориб-бориб «Самарқанд» аталиб қолган. Баъзи тарихчиларнинг айтишича, Шамар — бу Баъраш Абу Карб ибн Ифриқиш ибн Абраҳа бўлиб, узоқ Туркистон ўлкасини босиб олган туббаълардан эди. Айтишларича, у Самарқандга етиб келганида, қанчалик тиришмасин уни забт эта олмади. Самарқанд ҳокимининг бир қизи бўлиб, ўша юртнинг ҳаммасига ҳукми ўтарди. Шамар унга турли ваъдалар қилиб алдади ва кўплаб совға-саломлар билан унинг ҳузурига элчи юбориб, шундай деди: «Сени деб бу ўлкага келмишмен. Мақсадим, юкларим, қимматбаҳо нарсаларим ва хазинамни шу ерда қолдириб Чин (ўлкаси)га бормок эрур».

Қиз унинг макридан ғафлатда қолиб, уларнинг юклари ва қимматбаҳо нарсаларини шаҳарга киритишга рухсат берди.

Самар тўрт мингта сандиққа куролланган аскарларни жойлаб шаҳарга жўнатди. Сандиқларни шаҳарга олиб кирилгач, уларга ярим кечада, қўнғироқ овозини эшитган заҳоти сандиқлардан чиқиш келишилган эди. Белгиланган пайтда шаҳар ташқарисидан Шамарнинг лашкари дарвозаларга ҳужум қилди. Сандиқдагилар қилич яланғочлаб чиқдилар. (Шамар) ушбу ҳийла билан ул шаҳарни босиб олди ва хароб қилиб, (таг-туғи билан) қазиб ташлади. Шундан сўнг (халқ) «Шамар канд» («Шамар қазиди»), деган экан.

Шамар Чин томонга кетди, лекин йўлда ҳамма лашкари сувсизликдан ҳалок бўлди. Ундан сўнг Туббаъ¹ келиб уни (қайта) қурди. У Чин (мамлакати)гача борди. Чин (ўлкаси)дан қайтганда, ул мамлакатдан кўп (киши)ларни бирга олиб келганди, улардан бир қисмини Самарқандга жойлаштирди. «Масолик ал-мамолик» китоби муаллифининг таъкидлашича, Самарқанд қоғозчилари ўша Чин мамлакатидан келганлар эмиш. Яна шу «Масолик ал-мамолик» китобида қуйидагилар айтилган: «Мен Самарқандга борганимда усти темир билан қопланган бир дарвоза кўрдим. Унда ҳибрий тилда: — Сафодан Самарқандгача,

¹ Туббаъ — Малик Туббаъ Яман ва Арабистоннинг исломгача бўлган подшоҳларидан (3, 17 бет).

яъни минг фарсанг келадиган оралик ҳаммаси, юқорида айтилган, Самарқандни қурган Туббаъ қўли остидадир,— деб ёзилган эди. Ўша кезларда қўзғолон бўлиб, дарвозага ўт қўйдилар ва ул ёзув йўқ бўлди. Ундан сўнг Абу-л-музаффар Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Наср ибн Аҳмад ибн Асад ул дарвозани илгаригидай темир билан қоплатди. Бироқ ул ёзув (илгарироқ) ўчиб кетган эди».

Баъзилар шаҳар номининг келиб чиқиши ҳақида шундай дейишади: «Бу ном асли туркий тилда» «Самизканд» эрур, яъни «Семиз (катта) қишлоқ»; уни арабчаштириб «Самарқанд» деганлар.

Исломнинг дастлабки йилларида ул диёр (Мовароуннаҳр) забт этилгач, кимгаки Хуросонни бошқариш топширилса, унинг ҳукми Мовароуннаҳрга ҳам ўтарди. Ал-Муътамид Ала-л-лоҳ даврига келиб ҳижрий икки юз олтмиш биринчи (милодий 874—875) йили Наср ибн Аҳмад ибн Сомонни Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмронлик қилмоққа жўнатди. Сомонийлар салтанати тарихи ўша пайтдан бошланади.

Сомонийлар Бухоро шаҳрини Мовароуннаҳрнинг пойтахти қилдилар ва бир юз йигирма йил давомида салтанат уларнинг хонадонига мансуб бўлиб, шу даврда пойтахт Бухоро эди. Улардан (сўнг) Мовароуннаҳрни туркий хонлар ва ғазнавий султонлар (идора қилдилар). Ғазнавийлар давлати инқирозидан кейин (бу ерда) Салжуқийлар (ҳукмрон) эдилар. Лекин ҳар доим Мовароуннаҳрнинг катта шаҳри Самарқанд бўлган экан.

Туркистон хонларидан Тағмочхон ва Муҳаммад Салжуқийлар билан иттифоқ туздилар, уларнинг пойтахти Самарқанд эди. Усмонхон Муҳаммад Хоразмшоҳга куёв бўлгандан сўнг Мовароуннаҳр мамлакати бутунлай Хоразмшоҳлар қўлига ўтди.

Жаҳонгир подшоҳ Чингизхон мамлакатни Хоразмшоҳлардан урушиб тортиб олгандан сўнг, Мовароуннаҳр мамлакатини ҳамда Мўғулистон ва Туркистоннинг бир қисмини ўғли Чиғатойхонга берди. Чиғатойхон ва унинг авлодлари шаҳарларда яшамас эдилар, улар Мовароуннаҳр ва Туркистонда яйлоқ ва қишлоқ қилиб ҳаёт кечирардилар. Мовароуннаҳр аҳолиси ҳар доим ўз подшоҳларига бўйсунардилар ва уларнинг аскарлари ўз матонатия содоқатлилиги жиҳатидан бошқалардан устун турарди.

Самарқанд шаҳри бутун маъмурада бамисоли, мисра: Бутун ислом (олами) ва миллатлари (сув ичадиган) булоқ

кабидир. Шаҳар аҳли ҳақида эса, самарқандликлар жуда вафодор эрурлар; у ерда тухматчи, сотқин, сўз ташувчи кишилар йўқ, (дейилган).

Самарқанднинг биолари ҳаммаси синчли (қилиб қурилган). Самарқандда зилзила бўлиб туради, бироқ кучли зилзила кам бўлади. Шу сабабдан деворларни синчли қиладилар ва устини лой билан сувайдилар. Шаҳар атрофи ўзининг тароватию ободлиги билан жаҳоннинг узоқ ўлкаларида ҳам шуҳрат қозонган ва руҳ бахш этувчидир. Маҳаллалар, бозорлар, кўчалар ва аксар хонадонларда оқар сувлар бор. Қайси жойга бормагин катта ҳовлиларнинг бирортаси ҳовузсиз ва дарахтсиз эмас. Шу сабабдан, (шаҳар) «Жаннат ад-дунё» («Дунёнинг жаннати») деган унвон олмиш.

Унинг расму удумлари фалакиёт ҳолатига ўхшаш (яъни) камчилигу нуқсонлар ҳужумидан эминдир; унинг боғларию масканлари чарх (коинот)нинг йўллари ва қисмларидек, ҳодисалар тасарруфидан омонликда; унинг бўстонларидан ҳар бири Саратон буржидек Шиъро¹ (юлдузлари) чиқадиган (жой) ва Ой оромгоҳига айланган; унинг боғларидан ҳар бир гўшаси жаннатдан бир кўринишу обод жойларининг ҳар тарафи фирдавсдан бир намунадир...

Илгарилари Самарқанд шаҳрининг улуғвор қўрғони бўлиб, унинг устма-уст қурилган бир нечта борўси ва чуқур хандақи бор эди. Унинг қолдиқлари ҳозиргача мавжуд. Уни Боло-Ҳисор дейдилар. Чингизхоннинг хуружи замонида хароб бўлди.

Салтанат навбати улуғ амир Соҳибқирон (Амир Темури)га,— Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин этсин,— етганда, у етти юз етмиш учинчи (1371—1372) йили ҳозирги пайтда (ҳам) мавжуд шаҳрбандни бунёд этди. Уни қисқа муддатда ниҳоясига етказиб, ўша йилнинг ўзидаёқ аркнинг қалъасини (ҳам) қурдирди. Шундан сўнг Мовароуннаҳр ўлкаси, хусусан, Самарқанднинг ободонлиги тобора ортиб борди.

Он Ҳазрат қурилишларидан бири, жумладан, Самарқанднинг ўзида қурилган Жоме масжид эрур. Тамоми рубъи маскунда унингдек иморатни кўрсата олмайдилар.

¹ **Шиъро** — Катта Айиқ (Сириус) ва Кичик Айиқ (Процион) юлдуз туркумлари. Бу ерда Сириус назарда тутилган.

Унинг асоси хоро тоши (гранит)дан, меҳроби пўлатдан; унга ғаройиб шакллар, ажойиб нафисликлар, латиф ёзувлар ва нозик санъаткорликлар қилинган. Тўрт рукнида тўртта минора Айюқ (юлдузи)гача¹ бўй чўзмиш. Ҳар бири ўн газ келадиган тўрт юзта мармар устун узоқ жойдан бирданига олиб келиниб ул ерга ўрнатилган. Саҳни ва томи ҳаммаси тошдан шундай бир санъат билан териб чиқилганки, ойлар ва йиллар таъсиридан, нақшлари ўчиб кетишдан, биноси емирилишдан ҳимоялангандир.

Б а й т :

Томига мармар тахта ёпилган дерсан.

Саҳнига сирланган гилам тўшалган дерсан.

Бошқа олий иморатлар жумласидан шаҳар атрофида барпо этилган бир нечта катта боғлардурким, ҳар бир боғда шоҳона кўшқлар қурилган. Уларнинг тафсилоти қуйидагича:

Боғи Дилкушо

Боғи Чинор

Боғи Биҳишт

Боғи Булдо

Боғи Амирзода Шоҳрух

Боғи Зоғон

Боғи Баланд

Боғи Амирзода Улуғбек

Боғи Майдон

Булардан ташқари яна (бир қанча) мадрасалар, хонақоҳлар, маъмурий бинолар, уй-жойлар қурилиб, вақфлар белгиланганким, улар ул табаррук шаҳардаги истеъдод соҳиблари ва хизмат кўрсатган кишилар учундир. Кундалик эҳтиёждан келиб чиқиб, ўз дин ва подшоҳларининг ҳурмати юзасидан амирлар, аркони давлат, оқолар ва фарзандлар он Ҳазратга эргашиб ҳар бири ул дёрда мадрасалар, масжидлар ва хонақоҳлардан иборат ўз биноларини қурдилар ҳамда улар учун обод ерлар ва

¹ **Айюқ юлдузи** (Капелла) — Савр юлдузлар туркумидаги Сурайё юлдузлар гуруҳига мансуб энг баланд юлдуз. Ҳозирги илмий талқинда Капелла — Аравакаш юлдуз туркумидаги энг равшан юлдуздир, осмоннинг шимолий қисмида.

кўчмас мулкларни вақф қилиб, олимлар, зоҳидлар ва обидларга маош белгиладилар.

Илгари Самарқанднинг барча биолари лой ва ёғочдан (синчли) эди. Бу давлат чоғида кўп иморатлар пишиқ ғишдан қурилган. Бутун Мовароуннаҳрда Самарқанддан бошқа жойда Дор-ул-зарб (танга-пул чиқарадиган жой) йўқ. Самарқанд атрофида, ҳазрат Амир (Соҳибқирон) ва улуғ амирзода (Мирзо Улуғбек)нинг ободончилик ишлари тўфайли қайси томондан юрилмасин, бир ойлик ёки икки ойлик (йўлда), мусофирлар тунда чўлда тунашга тўғри келадиган бирор жой қолмаган. (Ҳатто) улар отлик бўлсалар ҳам ҳаммалари учун тўрт фасл давомида бошпана ва сув тайёр туради.

Самарқанднинг атрофлари, (аниқроғи) унинг шаҳарга тегишли қисми бешта ариқ ва етмиш икки қаря (қишлоқ) эрур.

Бозор ариғи
Маздохин ариғи
Оби Раҳмат ариғи
Қаранд (Коранд) ариғи
Анҳори Жаидид ариғи (Янгиариқ).

Самарқанднинг туманлари:

Шовдор — Самарқанднинг жанубида, ҳавоси яхши, одамлари бақувват ва соғлом бўладилар, Ул ноҳиятнинг узунлиги ўн фарсангдир. У ернинг одамлари шўхратли эрурлар.

Ўратепа ва Штихан. Баъзи китобларда Нурни ҳам Штиханга киритмишлар.

Ёркат. Бу туманнинг суви асосан булоқлар ва сойлардан.

Коранд тумани. Мовароуннаҳрнинг бошқа жойларига қараганда бу туманда ўр-қир ерлар камроқ.

Ёр-яйлоқ, Мутафарриқа, Дизақ ва Шероз (ҳаммаси) бир тумандир.

Анҳори Жаидид (Янгиариқ) — уни ҳазрат улуғ амир Соҳибқирон, — Аллоҳ унинг шўхратини ёрқин этсин, — қаздирган, (ёнверлари билан ўзи) бир туман ҳисобланади.

Суғд. Самарқанд Суғди ободлиги ва латофати билан шунчалик шўхрат қозонганки, уни шарҳлаб ўтиришга ҳам эҳтиёж йўқдир ва бу ҳақда ушбу китобда бир неча жойда: «Дунёнинг жаннатлари тўртта: Наҳр ал-Убулла, Дамашқдаги Ғўта, Шаъб-Бувон ва Самарқанднинг Суғди, деб қайд

этилган. Уларнинг ҳар бирининг бир камчилиги бор: Дамашқ Ғўтасида тоғи ўсимликсиз, дарахлари зич; Наҳр-Убулла ва Шаъб-Бувон тор жой; лекин Самарқанд Суғдида (бошқача), у Бухородан Самарқандгача саккиз кунлик йўл, дарёнинг иккала томонида ҳаммаси боғ, экинзор ва обод жойлар, кўм-кўк майсазорлардан иборат. У ернинг мевалари бошқа жойларникига қараганда яхшироқ. Одамларнинг барча ҳовли-жойларида оқар сув бор. У ернинг одамлари меҳмондўстлик ва олийжаноблик билан шуҳрат қозонганлар, «Масолик ал-мамолик» асарининг муаллифи (ал-Истахрий) ўз китобида шундай ёзади: «Кунларнинг бирида Самарқанд Суғдига етиб борганимда бир ҳовлини кўрдим. Унинг эшиги деворига михлаб қўйилган эди. Бунинг сабаби нимада, деб сўраганимда, улар: «Юз йилдирки бу эшик очик турибди, на кечаси, на кундузи бу эшикни ёпмаганлар. Шундай ҳам бўлиб қоладики, юзта ёки ундан кўпроқ отлиқ тўсатдан келиб қолишлари мумкин эди. Шундай пайтда ҳам уй эгасининг ташвишланишига ҳожат йўқ эди. (Чунки келадиган) одамлар ва уларнинг уловлари учун ҳамма нарса муҳайё қилинган ва барча зарур ишлари учун мутасаддий тайинланган бўлган. Меҳмон келишидан хонадон соҳиби хурсанд бўлиб чеҳраси очилиб кетаркан. Бу ҳикоят ёзилган пайтдан буён тўрт юз эллик йил ўтди ва (бу) жойлар бутунлай ўзгариб кетган.

Бухоро. Бу ноҳият турли тоифадаги савдогарлар йиғиладиган жой, лати́фа (зукколик)ларнинг зилол булоғи, камолот синови даргоҳи, чечансўзлик либоси корхонаси бўлган. Ҳаозирги пайтда ўтган замонлардаги шуҳратининг ўндан бири ҳам қолмаган бўлса-да, бироқ бошқа машҳур шаҳарларга қараганда боғ-роғларнинг кўплиги жиҳатдан уни жаннат боғи, дейиш мумкин. (Чунки) Бухоро атрофи ўн икки фарсангга ўн икки фарсанг майдон бир-бирига ўланиб кетган боғ, экинзор ва обод қишлоқ (даҳа)лардан иборат.

Сомонийлар давлати чоғида унинг атрофи девор билан ўралган ва у жуда мустаҳкам экан. Ана шу ўн икки фарсангга ўн икки фарсанг ҳудудда уй-жой қурилмаган ва экин экилмаган бир жариб ер ҳам топилмас экан. У (шаҳар) узоқ вақт давомида Сомоний подшоҳлар пойтахти бўлиб турган.

Бухоро ҳар доим фақирлар (дарвишлар) йиғингоҳи, фозил кишилар макони ва олимлар етишадиган маскан бўлган. Сомонийлар даврида у ерда тўрт минг фақиҳ ишлаб турган экан, дейишади. Бир ишончли кишининг ривоят

қилишича, хожа Хафс Кабир замонида Бухоро маҳаллаларида етмиш икки хўжалик мужтахид¹ барҳаёт бўлганлар ва уларнинг энг машҳурлари ҳақида фикҳ китобларида қайд этилган.

«Осор ал-билиод» китобида ёзилишича, олимларга дунёнинг бирор шаҳарида Бухородагичалик ҳурмат-эҳтиром кўрсатмайдилар.

Бухоро аҳлининг тили — яхши форс тилидир.

У ерда улуғ шахслар кўп етишган. Олам машойихларининг машҳуридан бири — шайх-ул-ислом, ал-имом, машойихларнинг сардори Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, «Ас-Саҳиҳ» китобининг муаллифи. Бу асар ҳадис китоблари ичида энг афзали ва тўғрисида. Бухоро мавзеларидан бири — Афшинада туғилган шайх-ур-раис Абу Али Абдуллоҳ ибн Сино Бухорода илм ўрганиб, ўн саккиз ёшида одатдаги фанларни тўла-тўқис ўзлаштириб олди. У уч юз етмиш учинчи (983—984 йили) туғилиб, тўрт юз йигирма еттинчи (1035—1036) йили вафот этган².

Ҳикоят. Сайид Жалолиддин Хўтаний Бухорода яшарди ва ул жойнинг (диний) пешволаридан эди. Бу олам сайиди ўта зоҳид, тақводор ва художўй киши бўлган экан. Ҳатто султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Бағдод халифасини тахтдан ағдариб уни халифа қилиб тайинламоқчи бўлган ва (шу мақсадда) ул халифага уруш ҳам эълон қилган. Муҳаммад Хоразмшоҳ Кошғар ва Хўтанни забт этгач, узоқ муддат давомида у ерда ҳукмронлик қилиб турган Хитой хонларини³ тор-мор қилди. Мусулмонлар бу воқеадан ўта суюниб кетдилар, бироқ сайид (Жалолиддин) кўп қайғуга тушган эди. Унинг сабабини сўраганларида, у: «Мусулмонларга ачинапман. Чунки Хитой подшоҳлари мўғуллар олдида қул эдилар. Энди бўлса ул раҳмсиз қавм учун йўл очилди. Худди у айтгандай бўлди.

Хожа Муҳаммад Порсо — катта олим ва художўй зоҳид киши эди; у илм ва амални бир-бирига қўшди.

Кўҳак суви. Кўҳак суви Самарқанд (шаҳри) ёнидан оқиб ўтиб Суғдга келади. Суғднинг ҳамма жойини сув билан таъминлаб, сўнгра Бухорога ўтади ва Бухоронинг барча

¹ Мужтахид — йирик фикҳшунос олим.

² Манбаларда Ибн Синонинг туғилган ва вафоти йиллари 980—1037 йиллар, деб кўрсатилган.

³ Хитой хонлари — бу ерда қорахитойлар назарда тутилган.

экинлари ана шу сув туфайлидир; шаҳардан оқиб ўтади ва сув кўпайган йиллари то Жайхунгача етиб боради.

Бухоронинг мевалари энг яхши мевалардан, мўл-кўл; айниқса Бухоро олўси, ундан бутун дунёга олиб кетадилар. Бухорода тайёрланадиган шиннини асалдан фарқлаб бўлмайди. Ходими қиладиган ҳаммом кўп. Бухоронинг ўтини аксари (қисми) боғлардан (қирқиладиган дарахтлардан); ёқиш учун ташқаридан бута (саксовул) ва қамиш (ҳам) келтирадилар.

Бухоро тоғи яқинида бир тоғ бўлиб, у Самарқанд ва Кеш ўртасида ястанган тоққа туташади. У тоғ Усрушона ноҳияти томонга давом этади, у ердан Фарғона (водийси) томонига, ундан то Чин .(Хитой) чегарасигача кетган, ҳаммаси бир-бирига туташ яхлит тизмадир.

Бухоро шаҳри учун хос бўлган нарсалардан бири, ҳеч бир жойнинг одами Бухоро одамларичалик ғариб (кишиларга) меҳрибонлик қилаолмайди, дейишади.

Зўш. Бухоро қишлоқларидан бири; (одамларни) ул жойга нисбат берганда «зўшаний» («зўшанлик») дейдилар.

Тавовис. Бухорога қарашли шаҳар бўлган экан, ҳозир харобага айланган.

Кармина. Самарқанд билан Бухоро оралиғида жойлашган кичик шаҳар бўлган, ҳозирги пайтда қасаба эрур.

Дабўсия. Кичик шаҳар, Бухоро билан Самарқанд оралиғида; ҳозир Самарқандга қарашли жойлардан бири. Унинг қалъасини Султон Жалолиддин (Маликшоҳ Салжуқий) қурган, дейишади. Дабўсиядан то Кошониягача беш фарсангдир.

Каш (Кеш). Уни «Шаҳрисабз» дейдилар, йилнинг аксари фаслида унинг ери кўм-кўк (майсазордир), айниқса баҳор фаслида, унинг ҳовли, том ва кўчалари ям-яшил бўлади. Кеш (шаҳри)нинг майдони, қишлоқлар ва тобеъ ерлар томонга (қараб юрганда), уч фарсангга уч фарсанг эрур. Кўркам жой, яқинида тоғ бор. Ул тоғда тоштуз бор, шаффоф, баъзилари рангли; ундан турли нарсалар йўнадилар ҳамда ул шаҳар (аҳли) учун (ҳам истеъмол) туз ҳисобланади. Сувлари кўп, ҳамманинг ҳовли-жой ва боғларида ҳар доим сув оқиб ётади. Қаршига борадиган сув ана шу сувларнинг ортиб қолган қисмидир. Турли хил мевалар кўп; ул жойнинг аксари мевалари пишиб етилади. Мовароуннаҳрнинг иссиқ вилоятларидан бири; аҳён-аҳёнда ул шаҳарда курғоқчилик ва вабо бўлиб туради, айниқса ғариблар орасида.

(Кешнинг) қадимий шаҳрбанди бўлган, лекин у бузилиб кетган эди. Ҳазрат амир Соҳибқирон (Темур),— Аллоҳ унинг шуҳратиани ёрқин этсин,— 780 (1378—1379) йили унинг шаҳрбандини қайта тиклади ва ўша йилнинг ўзидаёқ ниҳоясига етказди. Орадан уч йил ўтиб Ҳирот шаҳрини эгаллаганда, Ҳиротнинг шаҳрбандини буздирди ва унинг устига темир қопланган дарвозаларини Мовароуннаҳрга жўнатди, уларни Кеш шаҳрининг дарвозалари (ўрнига) қўндирдилар.

Соҳибқирон (Амир Темур) давлати айёмида (Кеш шаҳри) жуда обод бўлди; у ерда тошдан бинолар қурдилар. Шу жумладан Дор-ус-Сиёдат, муҳташам бино; унга обод ерлар, қишлоқлар ва маъмур мулкларни вақф қилди. Шахсан Онҳазратнинг ўзи учун баланд кўшк қурдилар ва у Оқсарой деб аталади, тошдан қурилган иморатдир; унинг айвони (пештоқи) бир неча фарсанг (масофадан) кўзга ташланади. Булардан ташқари, шаҳарда ва Кеш шаҳрига қарашли атрофларида бир қисми Онҳазратнинг ўзига, баъзилари амирлар ва аркони давлатга тегишли бўлган мадрасалар, хонақоҳлар, работлар, ҳовузлар ҳам бунёд этилган.

Нахшаб, уни Насаф ҳам дейдилар, ҳозир Қарши номи билан машҳур. Бу қадимий шаҳар текисликда жойлашган. Бухородан Самарқандга кетаётганда йўл ўша ердан ўтади. У ердан тоққача Кеш томондан икки марҳала келади; бошқа томондан то Жайхунгача чўлдан иборат. Ул ноҳиятнинг суви Кеш сувининг давомидир ва у сувдан шаҳарнинг ўртасидан бир ариқ оқади. Нахшабнинг барча қишлоқлари ана шу сувдан фойдаланади; экин ҳам экилади. Нахшаб вилоятида бундан бошқа дарё йўқ, бу ҳам гоҳ оқади, гоҳида қуриб қолади. Айрим боғларни қудуқлар (суви)дан суғоришади. Уларнинг тегирмонларида, ҳайвон кучи ёрдамида ун қиладилар. Мева-чева ва ноз-неъмат ул навоҳийда фаровон ва арзон.

Кичик қўрғони бор. Жомеъ масжид қўрғоннинг ичида; подшоҳ Кебекнинг қабри ўша ерда. Уларнинг иморатлари лойдан қурилган, фақат жомеъ масжид ва султонларнинг қабрлари пишиқ ғиштдан ва коший қилинган. У ердан машҳур олимлар чиққан, жумладан, Нажмиддин Умар Насафий¹.

¹ Нажмиддин Умар Насафий — тўла исми Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий (461/1068—537/1142) қомусий олим, «Китоб ал-қанд фий тарихи Самарқанд» (Самарқанд тарихига оид қанд китоб», қисқача «Қандия») асарининг муаллифи.

Туркий тилда подшоҳнинг қасрини «қарши» дейдилар. Подшоҳ (Кебек) у ерда бир кўшк («қарши») қурди ва ушбу ном билан машҳур бўлиб қолди.

Термиз. Жайхун (дарёси) бўйида жойлашган шаҳар; кўрғони (куҳандиз) бор, (илгари) шахристони ва рабази ҳам бўлган экан. Бозор ва жумъа масжид шахристонда жойлашган. (Шаҳар) аҳолисининг уйлари лойдан қурилган; (аҳолиси) Жайхун (дарёсидан) сув ичади, экинларни эса Чағониён дарёси (суви)дан суғорадилар.

Термиз шаҳрининг қурилиши ҳақида сўз кетганда, унинг асосчиси Искандар (Александр Македонский) бўлган экан, дейдилар. У шимол томондаги (мамлакатларга) юриш қилиб, Жайхун дарёси бўйига етиб келганида, шу ерни қурилиш учун маъқул кўрган ва ушбу шаҳарни бунёд этган экан. Янги кечув аста-секин обод шаҳарга айланди.

Боғлари кўп, мевалари мўл-кўл; аҳолиси тижорат билан ҳам шуғулланади.

Бурдоғўй — Жайхуннинг бўйида, Термизга туташ бўлган мавзе. Баъзилар, унга Термиздан анча олдин асос солинган, дейишади. Айримлар эса, уни ҳам Искандар қурган, дейдилар «Бурдоғўй» юнонча сўз бўлиб, «меҳмонхона» деган маънони англатади ва бу ном ҳам Искандар замонида қўйилган, деган фикрни айтганлар. Қадимда зиммасига Жайхуннинг кечуvidан ўтишни таъминлаш юкланган кемачиларнинг бошлиқлари шу Бурдоғўйда турганлар.

Бурдоғўй султонлар ушбу дарёдан ўтадиган кечув бўлган. Қадимги подшоҳлар ул мавзенинг аҳолисини дарёнинг гузарини қўриқлаб туриш учун рағбатлантириб, уларга тархонлик берганлар. Шу сабабдан, у ерда аҳоли кўпайган, бой-бадавлат зодагонлар истиқомат қилган. У ерга бирор мусофир келиб қолса, уни яхши кутиб олганлар. Тез орада, ул жойнинг халқи ўз олийжаноблиги билан машҳур бўлди. Бирор йўловчи ўша ердан ўтиб қолса, Бурдоғўй одамлари ҳар бири уни ўз уйига олиб боришга ҳаракат қилар экан ва ҳатто бир-бирлари билан талаш-шарканлар.

Термиз аҳолиси билан Бурдоғўй аҳолиси ўртасида кўпинча жанжал бўлиб турган. Бурдоғўй атрофида жангал (тўқайзор) кўп ва у жангалда шер бор. Ўша яқин-ўртада Колиф деган бошқа бир кечув ҳам бор.

Колиф. Уни (маъмурий жиҳатдан) Хуросонга киритадилар, сабаби, одамларнинг уй-жойлари сувнинг бу (чап) то-

монида. Ҳозир ҳам у ерда гузар бор ва уни «Колиф гузари» дейдилар. Баъзи китобларда ёзилишича, Искандар Колиф мавзеида хазина кўмган ва Ануширвон уни (сув остидан) топиб олиб чиқиш учун кўп уринган, бироқ уддалай олмаган экан.— Аллоҳ энг билувчидир.

Хўжанд — Фарғонага туташ, лекин аслида ўзи алоҳида. Унинг ноҳияти ўттиз фарсанг жойни эгаллаган. Узунасига чўзилган шаҳар, Сайхун дарёси бўйида, шаҳарнинг узунлиги бир фарсангни ташкил этади. Боғ-роғлар кўп, мевалари яхши, айниқса бодом ва анор. Ноки беназир эрур, уни ношботи дейдилар. Хўжанднинг одамлари мурувватли ва ҳусндор. Усрушана, Фарғона ва бошқа жойлардан Сайхун дарёси орқали у ерга кемалар қатнайди. Ул сувни Хўжанд суви ҳам дейдилар.

Бу сув Туркистондан бошланади, Ўзганд ҳудудида. Сўнгра Хуршоб дарёси, Ўш дарёси ва бошқа дарёлар унга келиб қўшилиб азим дарё бўлади; Ахсикатга оқиб келади, сўнгра Хўжандга етади. Қадимда (Хўжанднинг) қалъа ва рабази бўлган, бироқ бузилиб кетган экан.— У (Аллоҳ) энг билувчидир.

Абдураззоқ Самарқандий «Матла ас-саъдайн»дан¹

«Марв шаҳрининг ободон қилинганлиги зикри. Бу катта ишга (раҳбарликка) улуғ амирлардан: Алоуддин Алика кўкалдош ва амир Мусо, девон аҳлларида эса амир Али Шақонийлар тайинланди...

Доруссалтана Ҳиротнинг сифати: доруссалтана Ҳирот Эрам бўстонидан ҳам дилкушороқ бир шаҳар ва олам гулистонларидан ҳам роҳатбахшороқ бир манзилдир.

Тўртинчи иқлим мамлакатларидан энг шуҳратлиси деб ҳисобласа бўладиган Хуросон мамлакати шаҳарлари ичида доруссалтана Ҳирот қарийб марказда жойлашган; чунки ҳар иқлимнинг узунлигини бошланғич (жой) бўлган Жазоирни Холидотдан бир юз саксон даража ва кенгликни хатти истиводан тўқсон даража деб қабул қилганлар.

Мадраса ва маорифпаноҳ хонақоҳнинг жойлашиши: Шаҳар шимолидаги қалъанинг жануб этагида бир-бирига

¹ Лавҳалар ушбу асарнинг А. Ўринбоев томонидан ўзбек тилига ўгирилган нашридан олинди (1, 153—154- бетлар).

уланган олий мадраса ва улуғ бир хонақоҳ (қурилиб), бу жойнинг ўртасида катта бир сарой саҳни, суфа, баланд бир тоқ (барпо қилинди) ва икки тарафидан ажойиб тарзда тикланган иккита баланд минора қад кўтарди; тилло ва ложувардларнинг ярақлашидан у мавзенинг дарвозаю деворлари томон қувонч тарқатувчи нурлар порлади. Зийрак фикр муҳандислар ва нозик ишлар қилувчи тезкор бинокорлар зўр санъат ва камоли диққат кўрсатиб, унинг бурчакларини улаш қоидаларини мустаҳкамликнинг энг олий поғоналарига ва пишиқликнинг энг юқори даражаларига етказиб тикладилар.

Шу йили, яъни (саккиз юз) ўн учинчи (1410—1411) йили, бу икки мўъжизали муассаса қуриб битказилиши шарафига ва камол чегарасига етди...

Тўрт кишини олий мадрасага мударрисликка тайин қилдилар. Улардан бири: жаноб мавлоноий аъзам, умматлар билимдонларининг раҳбари мавлоно Жалолуддин Юсуф Увбаҳий, иккинчиси: жаноби олий, олимлару аҳоли мурожаат қиладиган мавлоно Жалолуддин Юсуф Ҳаллож, учинчиси: мавлоноий аъзам, камолот эгаларининг энг улуғи мавлоно Низомуддин Абдурраҳим Ёр Аҳмад ва тўртинчиси: мавлоно имом, инсоният олимларининг афзали Хожа Насируддин Лутфуллоҳ ибн Хожа Азизуллоҳлар эди.

Буларни (вазифага) ўтирғизиш куни ҳокони саид ҳазратлари у муборак ерга ташриф буюрди ва замона улуғлари ҳам одамзод фахрланувчи кишилар ҳозир бўлдилар. Мазкур билимдон олимлар фикҳ, тафсир каби ислом илмлари бўйича дилга ёқимли ифодалар билан дарс беришга машғул бўлдилар...

Маорифпаноҳ хонақоҳга шайхлик мансаби жаноб шайхулисломи аъзам, олам машойихларининг раҳбари Хожа Алоуддин Али Чиштийга топширилди. У хонадон машойихлари улуғлигининг таърифи шарҳу баёнга муҳтож эрмас; мисра: Тоғ устида ёқилган ўтдан ҳам равшанроқ. Шунингдек, хонақоҳга имом, муаззин, воиз ва бошқа хизматчилардан иборат ҳар хил ишларни бошқарувчилар ва юмушларни бажарувчилар тайинланди, бу икки муассасанинг ўзига муносиб вақфлари эса иштирокчилик-шериклик йўли билан муқаррар бўлди.

Бу йили, яъни (саккиз юз) етмиш тўртинчи (1469—1470) йили бу икки жой ғоятда хотиржамлик ва мўлчилик ҳолатидадир, шайхлик мансаби фуқаролар ходими, бу ва-

рақларнинг тўпловчиси Абдураззоқ ибн Исҳоққа топшириб қўйилган...

Боғи Сафиднинг барпо этилганлиги ва кўшк қурилганлиги зикри. Доно муҳандислар ва моҳир бинокорлар ҳоқони саид ҳазратларининг буйруғи билан Ҳиротнинг шимоли-шарқида, умид майдонидек кенг, еру фалак чўққисидек баланд тепаликда, илгарироқ Боғи Сафид деб номланиб келган мавзеда зу-л-қаъда ойининг йигирма тўртинчисида жума куни (20 март, 1411) бахтли толе ва саодатли соатда бир иморатга асос солдилар ва жаннат боғининг эшикларини жаҳон аҳлига очдилар...

Доруссалтана Самарқандда қурилган иморатлар зикри

Мовароуннаҳр мамлакати, маъмурлик ва ободонлигининг чўққисига етиб, жавонбахт шаҳзода муфисуддин мирзо Улуғбек кўрагон хайрли жойлару олий иморатлар қуришга майл кўрсатди.

Самарқанд шаҳрининг ичида, шаҳарнинг ўртаси ва (шаҳар) майдонининг марказида, (Улуғбек) бир-бирига рўбарў мадраса ва хонақоҳ бино қилиб, бу икки мақомни қуриб тамомлаш борасида бир неча йил давомида саъй-ҳаракатлар кўрсатди...

Кайвон виқор ва муштарий асар шаҳзода кўп даромадли ерлар, экинзорлар ва ариқларни у жойга вақф қилиб ажратди, уламоларнинг энг билимдонлари ва фозил кишиларнинг тажрибакорларини мадрасада дарс бериш ва тушунтириш учун тайинлади, шунингдек, хонақоҳга ҳам билимдон машойихлар ва мубоширларни белгилади ҳамда бу икки олий мақомнинг муҳим ишларини кордон кишиларнинг саъй-ҳаракати қўлига топширди. Вақфга ажратилган даромадли ерлар ва экинзорлардан ҳар йили шунчалик мўл ҳосил олинар эдики, у икки жойнинг заруратлари сарфидан ортиб қолар ва ўша икки жойнинг ўз хазинасига йиғиб қўйилар эди; ҳеч такаллуфсиз (айтиш мумкинки), энг билимдон подшоҳ (Оллоҳ) ихтиёр қилган яна бирор жой бўлмаса, ислом шаҳарларининг барчасида бу икки бахтли мақомга тенг келадиган бошқа бирор жойни кўрсатиб бўлмас эди.

Бу варақларни ёзиб тўпловчи Абдураззоқ қутли бир муносабат билан бир неча вақт доруссалтана Самарқандда муқим турганида бу ҳолни ўз кўзи билан кўрди.

Илму фанлар бўйича етарли насиба ва тўлиқ сармоя эгаси бўлган мирзо Улуғбек ... ўз билими нурларини бутун жаҳонга офтоб шуъласи янглиғ зоҳир қилишни, идрок ёруғлигини тупроқ чуқурлигидан энг юқори фалак гумбазига етказишни, юлдузлар расади садосини гардун гумбазига бўйлаб таратишни ва бу улуғ иш тантанасини ер юзиде янгратишни истади. Шунга биноан у замон Афлотуни мавлоно Салоҳуддин Мусо Қозизодайи Румий, Мирзо Улуғбек ўзи тарбиялаб иноят тили билан «фарзандим», деб атагани даврон Батлиймуси бўлмиш мавлоно Алоуддин Али Қушчи,— бу икки донишманд тадқиқотчи Самарқандда муқим яшар эди — ҳамда мирзо Улуғбек Қашондан Самарқандга келтиргани улуғ мавлоно Ғиёсуддин Жамшид ва ҳурматли мавлоно Муинуддинлар каби барча илмлар бўйича ва маъқулу мафҳум, хусусан риёзий ҳам ҳикамий тадқиқотлар бўйича аср мўъжизаси ва давр нодираси бўлмиш ҳукамолар ва машҳур билимдонлар, уторид зеҳнли муҳандислару «Мажистий» кашф этувчи файласуфлар билан биргаликда бир анжуман тузди ва ақли қулнинг қўллови билан осмон қисмларидан ҳар бир қисмининг кайфиятидан воқиф бўлган ҳаёл сайёҳининг дадил қадамлари билан юқорию қуйи оламнинг узунлик ва кенглик масофасини босиб ўтадиган ва жисмларнинг оралик ҳам сатҳларини аниқлашда бирор муҳмал дақиқа ёки сонияни эътиборсиз қолдирмайдиган ана шу донишмандлар билан мунажжимликнинг нозикликларини уқий олишу тақвимларнинг сирларини тушуниб етиш соҳасида сўз мартабаси даражаларини фалак ул-афлокка етказиб суҳбатлар қурди.

(Бу соҳада) етук камолот ҳосил қилгач ва асбобларни шайлагач, (Улуғбек) расад ва зийж тузишга майл қилди ва Самарқанднинг шимолида, шарқ томонга мойилроқ ерда мос бир жойни тайин қилди ҳамда шуҳратли ҳакимларнинг ихтиёри бўйича у ишни бошлашга мувофиқ бир толе муқаррар қилинди. У (расадхона)нинг биноси давлат асосидек пойдор, пойдевори эса салтанат қондасидек устувор қилиб мустаҳкамланди, иморатини тиклаш ва устунларини кўтариш (оятдаги): — албатта ўша (қиёмат) куни тоғлар сайр қилади,— дейилган кунгача барқарор (турувчи) тоғлар сингари йиқилишу нурашлардан омон тарзда бажарилди. (Оятда келган:— (етти мустаҳкам) қуббадор қасрдан намуна бўлган у олий бунёд ва улуғсифат иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъатия тўққиз

(осмон) доиралари шакллари даражалар, дақиқалар, сониялардан тортиб то ошираларгача (чизилди) ҳамда айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари, собита юлдузлар кўриниши ва ер курраси ҳайъатияю иқлимлар суратларини тоғлар биёбонлар ва у (ер куррасига) нимаики тегишли бўлса (ҳаммаси) билан бирга дилпазир нақшлару беназир рақамлар билан чизишга буюрди; офтоб ва бошқа сайёраларнинг тақвимини кузатиб бориб, ҳикмат эгаси бўлмиш жаноб Насируддин Тусий тузган «Зийжи жадиди Элхоний»га фойдали ва нозик (тафсилотлар) орттирди ҳамда (у зийждаги) офтоб ва бошқа сайёралар тақви-мида (йўл қўйилган) кўп аниқ тафовутларни кўрсатди. Бу нозик ишга унга улуғ ҳукамолар мададкор ва муовин эди-лар. Бу муҳим ишнинг овозаси шаҳар ва мамлакатлар бўйлаб тарқалиб, шуҳрат топди. Шаҳзода у зийжга туза-тишлар киритилиб тамомланишига муваффақ бўлди ва ун-га «Зийжи Султони Кўрагоний» деб ном берилди. У зийж мунажжимлик санъати моҳирлари ва тақвим усталари орасида қўлланилиб келмоқда».

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Амир Темур бошлаб берган ободончилик ишлари XV асрда унинг авлодлари томонидан давом эттирилди. Чунончи, агар Амир Темур ўз даврида Мурғоб дарёсидан ўнлаб ариқлар қаздириб сув чиқариб талай ерларни обод қилган бўлса, Мирзо Шоҳрух бу дарёнинг қуйи қисмида каттагина Марв ариғини қаздириб, ундан сув олиб бориб, мўғуллар даври-да хароб қилинган Марв шаҳрини қайта барпо этди ва унинг атрофида суғорма деҳқончилик асосида боғ-роғлар, экинзорлар ташкил топди. Хуросондаги, айниқса Ҳирот ва унинг атрофидаги ободончилик ишлари эса, бе-восита Мирзо Шоҳрух томонидан амалга оширилган, у кейинчалик Ҳусайн Бойқаро даврида Алишер Навоий раҳбарлигида давом эттирилди. Ўз вақтида Мовароун-наҳрда, жумладан, Самарқанд ва унинг атрофларида Амир Темур ўнлаб ариқлар қаздириб Кўҳак (Зарафшон) дарёсидан сув чиқариб кўплаб боғ-роғлар яратган бўлса, Мирзо Улуғбек бевосита ўз бобосининг ишларини давом эттирди, ривожлантирди. Том маънода айтганда, Темурий-лар даврида ҳўжалик бобидаги ободончилик ишлари ях-лит бир тизимни ташкил этади.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ

Маълумки, XIV асрнинг охирида Евросиёда олти таъриқий сиёсий бирлик юзага келди: Амир Темур давлати, Олтин Ўрда, Миср, Рум мамлакати, Ғарбий Европа мамлакатлари, Хитой. Уларнинг олиб борган сиёсати халқаро муносабатларда ўз аксини топган. Жумладан, Амир Темур ва ундан кейин ҳокимиятга келган ўғли Мирзо Шоҳрух ҳам халқаро миқёсда маълум бир сиёсат олиб борганлар ва бу ҳақда ўша давр ёзма манбаларида озми-кўпми маълумотлар сақланиб қолган.

Темур ва темурийлар давлатининг халқаро муносабатлари мавзуининг сўз дебачасини Чиғатой улуси тарихи ҳақида қисқача шарҳ билан бошлаш дурустроқ бўлади. Зеро, Амир Темур мустақил давлат барпо этган Мовароуннаҳр XIII аср ва XIV асрнинг биринчи ярмида Чиғатой улуси таркибида эди. Яъни, Чингизхон ўз давлатини ўғилларига бўлиб берганида Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг шарқий қисмдан иборат ҳудудни иккинчи ўғли Чиғатойга (вафоти 1241 йил) тегишли этди ва тарихда бу жойлар яхлит Чиғатой улуси номини олди. Чингизхон вафотидан сўнг, унинг авлодлари ўртасида, жумладан, Чиғатой улусида ҳам, ички низолар кучайиб, бу улус иккита сиёсий-маъмурий қисмдан иборат бўлиб қолди. Тарихий асарларда унинг шарқий қисми «Мўғулистон», ғарбий қисми эса мавжуд қадимги номи билан «Мовароуннаҳр» деб қайд этилган (бу ҳақда «Темурийлар давлатининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши» бобида бирмунча муфассал айтиб ўтилди).

XIV аср ўрталарида Мовароуннаҳрда яхлит ҳокимият йўқ ва ўлка кичик-кичик феодал мулкларга бўлиниб кетган эди. Темурийлар даврининг машҳур тарихчи олими Ҳофиз Абду «Зубдат ат-таворих» асарида бу ҳолатни қуйидагича таърифлайди:

«Амир Ҳожи Барлос Кеш шаҳри ва унга қарашли, барлос амирларининг асл юрти бўлган, ерларни эгаллади. Амир Боязид эса, жалойир амирларига қарашли Хўжанд вилоятини ўз қўл остига олди. Қароғинлардан ҳисобланмиш Амир Ҳусайн, ўзининг бир гуруҳ қадим мўғуллари ва ул уруғдан келиб чиққан қаравунослар билан қўрқувга тушиб бугун бир томонда бўлсалар, эртасига бошқа томонда бўлардилар. Улжой-Буғо сулдуз ҳам сардорлик даъвосини қилиб, сулдузлар тўпи бир томон бўлган эди. Шоҳ Муҳаммадхожа Зиндаҳашим ва Қаросон (иккаласи) Андхўд ва Шибурғонни эгалладилар. Шоҳ Муҳаммад Бадахшоний ўз Куҳистонини мустаҳкамлаб олди ҳамда ул вилоят ҳукмдорлигини тамаъ қиларди. Амир Кайхусрав ва амир Улжойту апарди иттифоқликда Қатлон ва унга тобеъ жойларни эгаллаб олдилар. Амир Хизр ясавурий ўз қабилалари ва кўчманчиларини (атрофига) йиғиб, ўзини бошқалардан кўра кўпроқ мустақил дейишга ҳақли, деб биларди. Шу боисдан, ул мамлакатда ҳар кун бир фитна ва ҳар лаҳзада бир ғавғо келиб чиқарди» (74, 97а варақ).

Мўғулистон хони Туғлуқ-Темурхон бу вазиятдан фойдаланиб, 1360 йил Мовароуннаҳрга қўшин тортди ва осонгина уни эгаллади. Кеш вилоятининг ҳокими Ҳожи Барлос Хуросонга қочиб кетди. Амир Темур эса, ўз юртини душман томонидан талон-торож қилинишдан сақлаб қолиш мақсадида, Туғлуқ-Темурхонга тобелик изҳор этди. Хон уни яхши қабул қилиб Кеш вилояти ва унга ёндош ерларга ҳоким этиб тайинлади.

Ундан кейинги ўн йил давомида Амир Темур шахсий жасорат ва нозик дипломатия намойиш этиб, аста-секин обрў-эътибор қозониб борди. Амирлар, айниқса, Амир Ҳусайн билан, шунингдек Мўғулистон, ҳатто Ҳирот волийси билан тинч-тотувлик муносабатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Масалан, Амир Темурнинг Ҳирот волийси ҳузурига юборган элчиси ҳақида Шарафиддин Али Яздий шундай ёзади:

— Ҳазрат Соҳибқирон Марвдан ўтиб, одатдагидек Моҳонни ўз манзилгоҳи этгач, амир Жокуни Ҳирот волийси Малик Ҳусайн ҳузурига элчи қилиб жўнатди. Малик уни тўла иззат-ҳурмат ила кутиб олиб, бирор дақиқа ҳам эътиборсиз ва қаровсиз қолдирмади; ҳазрат Соҳибқиронга нисбатан чин юракдан хайрихоҳлик ва меҳр-муҳаббат изҳор этди, ҳамжиҳатлик ва ўзаро кўмаклашиш бобида муболағалар қилди. (Шунингдек), илтимос билан: «Мен

Сарахсга бораман, агар улар (Амир Темур) ул томондан ташриф буюрсалар, дўстлик ва иттифоқлик асоси мустаҳкамланган бўлур эди; ҳамжиҳатлик шартномаси ва ёрдамлашиш асоси аҳду паймон ила қатъий ва мустаҳкам бўлажак»,— деди. Амир Жоку қайтиб келиб ул сўзларни арзага етказди. Соҳибқироннинг эҳтиёткорлиги ва ишбилармонлиги унинг Малик (Ҳусайн) билан учрашиш ва алоқа боғлашига йўл қўймаса ҳам, (лекин) подшоҳларга хос сифатлари, унинг (Малик Ҳусайннинг) самимийлиги ва хайрихоҳлиги илтифотсизлик ва бутунлай рад этиш билан қарши олинишини (ҳам) эп кўрмас эди. Шу сабабдан, азиз фарзанд, салтанат ва жаҳондорлик кўзи қорачиғининг нури, улўғворлик ва комронлик боғининг гули амирзода Жаҳонгирни, Муборакшоҳ Санжарийни унга мулозим қилиб, Малик (Ҳусайн) қошига юборди; (оятда): Сизларга бир киши салом берса, унга яхши салом билан жавоб қайтаринглар ёки саломини айнан қайтаринглар,— дейилганига мувофиқ, меҳр-муҳаббат акс этган сўзларига қуйидаги мазмунда жавоб пайғоми жўнатди: «Маликнинг ҳалоллиги ва яхшиликлар қилишига ишончимиз комил ва кўнгил тўқдир; фарзандимни унинг қошига юбордим, аҳлу аёлимизни эса, уғруқ ила ушбу вилоятда қолдиргаймиз. Ниятимиз, азм жиповини асл диёр томон бурмоқ эрур, шак-шубҳасиз, уларга эътибор ва муҳофаза қилмоқ бобида нимаики унинг подшоҳлик олижаноблиги тақозо этса, ўша бўлажак» (61, 156- бет).

Яна бир мисол: 1365 йили Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўрталарида муносабат кескинлашади, иккала томон урушмоққа шайланадилар. Шунда, Амир Темур лашкари таркибида бўлган ясавурийлар жанг қилишдан бош тартадилар. Ушбу вазиятда, Амир Темур: «Бу тасодиф бизнинг саодат ва иқболимизнинг эрта тонгида, салтанат ва истиқлолимиз баҳорининг дастлабки лаҳзаларида юз берди. Агар уларни банди қилсак, ёвузлик белгиси бўлган гард бизнинг аҳволимиз этагига ўтиради ва (шундан сўнг), бошқалар бу даргоҳдан паноҳ изламаслар, натижада юрт сўрамоқ ва давлатни бошқармоқ иши изга тушмагай. Агар давлат кўшкени эзгу ишлар пойдевори устига қурсалар, унинг кадр-қиймати кунгуралари гардуннинг муқарнас тоқидан ҳам юксакка кўтарилгай; агар иқбол ниҳоли адолат ва эҳсон ариғидан сув ичса, ундан бўй чўзган шохлар бахтиёрлик мевасини тугади ва саодат соясини икки дунёга арзигулик қилиб таратгай» (61, 126—127- бетлар). У ҳатто ўз

амирларининг раъйига қарши бориб, ясавурийларни жазолаш ўрнига яхши сўзлар айтиб, қайтиб кетишга рухсат беради. Юришни эса тўхтатади. Мовароуннаҳрдаги тарқоқ феодал гуруҳларни бирлаштириш учун ана шундай қилинган эди. Мўлжал тўғри бўлиб чиқди. Тез орада Мовароуннаҳр амирлари Амир Темур атрофига бирлашиб, Амир Ҳусайнга қарши ҳал қилувчи юришда тўла садоқат билан жанг қилдилар, ғалабани таъминлаб, уни улуғ амир, деб тан олдилар.

Амир Темур ҳокимият тепасига келгач (1370), унинг халқаро миқёсдаги фаолияти, дастлабки йигирма йил давомида, ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва Мовароуннаҳрни юксалтиришдан иборат бўлди. Биринчи навбатда Мовароуннаҳрнинг хавфсизлигини таъминлаш зарур эди. Чунки шарқда Мўғулистон, ғарбда эса Олтин Ўрда ҳамда уларга хайрихоҳ бўлган Хоразм ҳукмдорлари Мовароуннаҳрда мустақил давлат барпо бўлганлигига бефарқ қараб тура олмасдилар. Олдинги тарихий воқеалар, яъни Туғлуқ Темурхон ва Илёсхожахоннинг юришлари бунинг тасдиқи зрур. Амир Темур, айниқса Мўғулистон томондан янги чопқинлар, юришлар бўлиши мумкинлигидан доим хавфсирарди.

Шу сабабдан, Амир Темур собиқ Чигатой улуси ҳудудини ўз тасарруфига киритишни мақсад қилиб белгилади. Бу иш анча қийинчилик билан амалга ошди; XIV асрнинг 70—80-йилларида собиқ Жўчи ва Чигатой улуслари ерларини қамраб олган мураккаб халқаро вазият юзага келди. Натижада, Амир Темур Мўғулистон, Хоразм ва Олтин Ўрдага бир неча бор юришлар қилишга мажбур бўлди ва уларнинг ҳар бирининг ўз сабаби бор.

Амир Темур 1371 йил биринчи бор Мўғулистонга юриш қилиб, то Или водийсигача етиб борди. Сўнгра Чигатой улусининг ғарбий чегараларини тиклашга киришди. Ўз вақтида Чингизхон бутун империясини ўғилларига тақсимлаб, Ўрта Осиё ҳудудларини Чигатойга, Хоразмни эса Жўчига тегишли этган эди. Бироқ Хоразмнинг жануби-шарқий қисми ва у ердаги Кот ва Хива шаҳарларини Чигатойга берган.

Қўнғирот уруғидан бўлмиш Ҳусайн Сўфи XIV асрнинг 60-йилларида Олтин Ўрда хонлигида авж олган феодал низолардан фойдаланиб, Хоразмда ҳокимиятни қўлга олди ва ўз номидан танга ҳам зарб этди. Сўнгра у Чигатой улусидаги феодал тарқоқликдан фойдаланиб, Хоразмнинг жануби-шарқий қисмини ҳам қўшиб олди.

Амир Темур Мовароуннаҳрда тахтга ўтиргач, ўзини Чигатой улусининг қонуний ҳукмдори ҳисоблаб, Алқа тавочини Хоразмга Ҳусайн Сўфи қошига элчи қилиб жўнатди ва Кот ҳамда Хива шаҳарларини тобе ерлари билан бирга қайтариб беришни талаб қилди. Тарихчи Ҳофиз Абру бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Чингизхон замонидан буён бу икки вилоят (Кот ва Хива) бизнинг (чигатой) ҳукмдорларига тааллуқли бўлган» (74, 145 б варақ). Шарафиддин Али Яздий «Зарафнома» сида ҳам ушбу мазмун қайд этилган: «Кот ва Хива Чигатой улусига тегишли эрур. Ўтган муддат ичида уни эгасиз топиб, ўз тасарруфнинг ҳавзасига киритмишсан. Энди лозимдирки, уни барча тобеъ ва туташ (ерлари) билан бирга бул томон элчилари ихтиёрига қайтарсанг, токи (шу асосда), ҳар иккала томон ўртасида самимият ва дўстлик йўли очиклигича қолса, тотувлик ва қўллаб-қувватламоқ шарт-шароитлари яратилса» (60, 146 а варақ).

Ҳусайн Сўфи элчиларга қўполлик билан: «Бу вилоятни мен қилич воситасида қўлга киритганман ва уни қилич (қучи) билан олишга тўғри келади»,— деб жавоб қилди.

Шундан сўнг, Амир Темур 1372 йили Хоразмга юриш қилиб, тўла ғалаба қозонди. Ҳусайн Сўфи бу мағлубиятдан ғам-андуҳга ботиб оламдан кўз юмди ва Хоразм тахтини унинг укаси Юсуф Сўфи (1372—1380) эгаллаб, Амир Темурга тобелик изҳор этиб сулҳ тузди. Ушбу сулҳни Амир Темур таклифига кўра, қон-қардошлик иплари билан боғлаш мақсадида, Ўзбекхонинг невараси Хонзода исми билан машҳур бўлган Савинбекни Амир Темурнинг ўғли мирзо Жаҳонгирга беришга аҳдлашилди. Лекин Юсуф Сўфи ўз ваъдасига вафо қилмади, аксинча, Кот вилоятига чопқин ясади.

Ушбу воқеа сабабли, Амир Темур 1373 йилнинг март ойида иккинчи марта Хоразмга юриш қилади. Лекин у етиб бориши билан Юсуф Сўфи кўрқиб, узр сўрайди ва зудликда Хонзодани жўнатади ва темурийлар билан чингизийлар ҳукмдорлари хонадони ўртасида қариндошлик риштаси вужудга келади.

Мўғулистонда эса, бу пайтда дуғлот амирларидан Қамариддин сиёсий майдонга чиқади. У тез орада чингизийлар авлодини қириб ташлаб, зўравонлик билан тахтни эгаллайди. Хон авлодидан фақат ҳали жуда ёш бўлган Хизрхожа ўғлонни бекитиб Бадахшонга жўнатадилар ва шу йўл билан ўлимдан сақлаб қоладилар.

Амир Темур 1375 йили Мўғулистонга Қамариддин устига юриш қилди. Бироқ Қамариддин жанг қилмайди ва қочиб кетади. Соҳибқирон қўшинлари Қамариддинни таъқиб қилиб то Йилбоғи, Уч Фармон ва Қорақасмоқ деган жойларгача етиб бордилар.

Кейинги тарихий воқеалар Мўғулистон, Олтин Урда ва Хоразм Амир Темурга қарши бирлашганликларини кўрсатади. Баъзан, уларга Мовароуннаҳрдаги баъзи норози кичикроқ гуруҳлар ҳам қўшилган.

Масалан, 1376 йили Амир Темур Хоразм юришига отланиб, айни пайтда, амир Сори-Бўғо, Одилшоҳ жалойир, Хитой баҳодир, Элчи-Бўғо ва яна бошқа бир қанча амирларни Қамариддинни топиб йўқ қилиш учун юборади. Йўлда Сори-Бўғо билан Одилшоҳ хоинлик йўлига кирадилар. Андижон доруғаси Ҳаммадий ҳам шу йўсинда иш тутиб, уларга қўшилади. Улар биргалашиб Самарқанд томон юрадилар, бироқ шаҳар аҳолиси мудофаани кучайтириб душманни киритмайди. Ёв Бухорога йўл олади. Бу воқеадан хабар топган Амир Темур ярим йўлдан қайтишга мажбур бўлади.

Мирзо Жаҳонгир бошчилигида илғор тарзда олдинроқ етиб келган қўшин Кармина яқинида душман билан жанг қилиб, уни тўзитиб юборди. Бош кўтарганлар Дашти Қипчоққа қочиб Ўрусхон даргоҳидан паноҳ топдилар. Маълум вақтдан сўнг улар Мўғулистонга қайтиб келиб Қамариддинга қўшилдилар ва биргалашиб Андижонга чопқин ясадилар.

Амир Темур Қамариддинга қарши юришга отланди. Бу унинг Мўғулистонга қилган бешинчи юриши эди. Лекин ўғли мирзо Жаҳонгирнинг вафоти туфайли юришни ниҳоясига етказмай қайтишга мажбур бўлган эди.

Маълум муддатдан сўнг Амир Темур яна Мўғулистонга юриш қилди ва унинг лашкаридаги илғор қисмлар Қамариддинга етиб жанг қилдилар. Ёв енгилди, лекин Қамариддин яна қочиб қолишга улгурди. Бу юришда Қамариддин тўла тор-мор этилиб, Мўғулистонда хонлик тахтини Хизрхожа-ўғлон эгаллади. Қамариддин ўн йилдан ортиқ вақт давомида Мўғулистонда ҳокимият тепасида бўлди ва шу муддат ичида Амир Темур билан икки ўртада бирор-бир сулҳ ёки келишув бўлганлиги ҳақида манбаларда ҳеч нарса дейилмаган.

Хизрхожа ўғлон (Натанзий ёзиб қолдирган маълумотга кўра), хонлик тахтига ўтирган пайтданоқ Амир Темурга то-

белик изҳор этди. Бунга жавобан, Амир Темур уни Мўғулистон хони этиб қолдирди ва бу ўлкага юриш қилишни тўхтатди. Хизрхожа ҳокимиятни эгаллагач, Мўғулистондаги амирларни бўйсундиришга ва ўз мавқеини мустаҳкамлашга киришди. Бироқ бу анча мушкул иш эди.

Мўғулистон амирларининг охириги марта Амир Темурга қақшатқич зарба беришга уринишлари Тўхтамиш ва Олтин Ўрда хонлиги тарихи билан боғлиқ.

Ўзбекхоннинг (1312—1340) ўғли Жонибек (1340—1357) ҳукмдорлигидан сўнг Олтин Ўрда хонлигида феодал тарқоқлик кучайди ва хонлик лавозимидан барқарорлик кетди. Амир Темур давлати билан Олтин Ўрда хонлиги ўртасидаги муносабат ҳам юқорида қайд этилган сиёсий вазият айниқса Тўхтамишнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ эди.

Амир Темур 1376 йили Мўғулистонда юриш қилиб турганида Тўхтамиш Олтин Ўрда хони Ўрусхоннинг таъқибидан қочиб, унинг даргоҳидан паноҳ излаб келди ва Соҳибқирон уни хайрихоҳлик билан қабул қилиб, ҳатто ўғлим, деб атади, деб ёзади Шарафиддин Али Яздий. Сўнгра уни Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги вилоятларга ҳоким этиб тайинлайди. Бу, ўз навбатида, Амир Темур давлати билан Олтин Ўрда хонлиги ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблашувига олиб келди.

Ўрусхон Тўхтамишга қарши қўшин жўнатди; улар ўртасида жанг бўлиб Тўхтамиш енгилиб қочди, бироқ Ўрусхоннинг ўғли Қутлуқ-Бўка ҳам ушбу муҳорабада ҳалок бўлган эди. Ўрусхон Кепек манқит ва Тулужонларни элчи қилиб Амир Темур ҳузурига юборади ва:

«Тўхтамиш менинг ўғлимни ўлдириб сизнинг юртингизга қочиб кетмиш. Ё менинг душманимни беринглар ёки бўлмаса уруш жойини белгилаб, жанг қилмоққа юзланинг» (60, 158а варақ),— деган мазмунда пайғом юборади. Амир Темур эса Тўхтамиш унинг салтанатидан паноҳ излаб келганлигини ва уни қайтариб бериш ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмаслигини ва жанг қилмоқ масаласига келганда эса, у ҳар доим тайёр эканлигини айтади. Иккала томон урушга отланадилар, бироқ қишнинг қаҳратон совуғи бунга тўсқинлик қилиб қолади.

Бироз вақтдан сўнг Ўрусхоннинг вафот этганлиги ҳақида хабар келади. Кўп ўтмай унинг ўрнига қолган ўғли Тўхтақийё ҳам оламдан кўз юмади. Шундан сўнг, Амир Темур Тўхтамишни Жўчи улусининг ҳукмдори этиб тайинлай-

ди. Бу воқеа 1376 йили бўлган эди. Ўрусхоннинг Олтин Ўрда тахтида хон бўлиб турган ўғли Темур Малик ўғлон Тўхтамишнинг устига юриш қилади. Бўлиб ўтган жангда Тўхтамиш енгилади ва бахтли тасодиф билан омон қолади. Амир Темур уни янгидан энг сара қўшинлар билан таъминлаб, 1377 йили Сигноқ вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди.

Олтин Ўрдада эса, Темур Малик ҳокимиятни бошқаришни эплайолмай, давлати борган сари заифлашади. Амир Темур ана шу қулай вазиятни аниқ ҳисобга олиб, Тўхтамишни жўнатади ва у осонгина тахтни эгаллайди. Кейинги йилларда Тўхтамиш ўз мавқеини кучайтириб бориб, ниҳоят 1380 йили Олтин Ўрдага хон бўлди.

Тўхтамиш хонлик тахтига ўтиргач, Амир Темур Олтин Ўрда билан муносабатлардан кўнгли таскин топган бўлса, бироқ Хоразм масаласида ҳали чигалликлар бор эди. Чунки 1376 йили Амир Темур Ўрусхон билан урушмоқчи бўлиб Ўтрорда турганида, Хоразм волийси Юсуф Сўфининг қўшинлари Бухоро атрофларига чопқин ясаб аҳолини талаган эдилар.

Амир Темур Жилортини Хоразмга Юсуф Сўфи ҳузурига элчи қилиб жўнатди ва ўз мактубида икки ўртада тузилган сулҳ ҳамда қуда-анда бўлганларини эслатди. Лекин Юсуф Сўфи элчини қамаб қўйди ва мактубни жавобсиз қолдирди. Соҳибқирон иккинчи марта элчи юборди ва элчи дахлсиз шахс эканлигини, уни қамаб бўлмаслигини таъкидлаб, элчини озод қилишни талаб этди. Юсуф Сўфи иккинчи элчини ҳам қаматди. Хоразм волийси бу ҳаракати билан Амир Темурни Ўрусхон билан жанг қилмоқдан чалғитмоқчи бўлганми ёки ўзи мустақил ҳаракат қилганми, буниси номаълум. Қандай бўлмасин, Амир Темур ўша пайтда бу воқеага унчалик эътибор бермади ва Дашти Қипчоқ ишларидан холи бўлгандан кейингина унинг тадбирига киришди.

Амир Темур 1379 йили Хоразмга юриш қилди. Бу унинг тўртинчи ва ҳал қилувчи юриши эди. Хоразм пойтахти уч ой давомида қамал қилинди, охири Юсуф Сўфи ғам-андухга ботиб оламдан кўз юмди. Шаҳар забт этилиб вайрон қилинди, олимлар ва ҳунармандлар Кеш шаҳрига кўчирилди.

Тўртинчи юришдан кейин ҳам Амир Темур давлати билан Хоразм ўртасида мавжуд муносабатлар ишончли эмасди. Юсуф Сўфидан сўнг Хоразм волийси бўлган Су-

лаймон Сўфи тез орада Тўхтамиш билан иттифоқ тузиб, унга тобеъ бўлди ва унинг номига танга зарб этди.

Амир Темурнинг Тўхтамишни ўзига қарам ҳоким қилиш режаси амалга ошмади. Аксинча, Тўхтамиш Олтин Ўрда тахтига ўрнашгач хавфли рақибга айланди.

Айни пайтда Мўғулистонда ҳам Амир Темурга бўйсунибдан бош тортган амирлар сони ортиб борди, уларнинг сардори Анко Тўро эди. Улар Хизрхожахонни ҳам ўз томонларига оғдириб олдилар.

Амир Темур ғарбий юришга кетган чоғида, 1387 йили барча чингизий кучлар — Олтин Ўрда, Мўғулистон ва Хоразм бирлашиб Мовароуннаҳрга ҳужум қилдилар. Улар фурсатдан фойдаланиб қаттиқ зарба беришни мақсад қилган эдилар. Душман қўшинлари қишлоқларни талаб, Қарши ва Занжирсарой шаҳарларига ўт қўйди. Самарқанд ва Бухорони қамал қилди. Амир Темур зудликда Мовароуннаҳрга қайтишга мажбур бўлди. Бу хабарни эшитган душманлар турли томонга қочиб қолишди. Соҳибқирон бу воқеадан қаттиқ дарғазаб бўлган эди, душманлардан қасос олишга аҳд қилди.

У дастлаб, Хоразм томон юрди. Ушбу бешинчи юришда Хоразм пойтахти яксон этилди ва аҳолиси Самарқандга кўчирилди. Лекин орадан уч йил ўтгач, Соҳибқирон афв-имзоси чекиб, Хоразмни янгидан обод этмоққа фармон берди. Шарафиддин Али Яздий шундай ёзади:

«Ҳазрат Соҳибқироннинг душманларнинг ҳайиқмаганлиги ва бебоклигидан аланга олган ўч олмоқ (олови), уларнинг шон-шавкат хирмонини ёндириб бўлгандан кейингина пасайди. Нусратшиор байроқ парвардигор кўмаги билан ҳилпираб Самарқанд сари юзланди ва саодату иқбол ила салтанат ва улуғворлик тахтининг қароргоҳига келиб қўнди.

Аспини олиб қараганда, онҳазратнинг муборак феъл-атворидан адолат қилмоқ ва раиятпарварлик туғма сифат бўлиб, олий ҳиммати шаҳарларни обод қилишга ва ҳудожўйларнинг ҳол-аҳволини яхшилашга иштиёқманд эди. Гоҳида гардунқудратли ғолиб аскарлар томонидан содир этиладиган қаҳр-ғазаб ва хароблик эса, жаҳонгирлик ва ўлкаларни забт этиш заруратидан келиб чиққандир, бу сиёсатсиз ва қўрқитишсиз муяссар бўлмайди. Шу сабабдан, Хоразм хароб этилгандан сўнг орадан уч йил ўтгач, подшоҳлик марҳамати етти юз тўқсон учинчи (1391) йил охирларида, Дашти Қипчоқ юришидан қайтиш чоғида

Жанги қавчиннинг ўғли Мусакани Хоразмни обод қилиш учун жўнатди. У Қоон маҳалласини, (бу жойни) Чингизхон мамлакатларни ўз ўғилларига бўлиб берганда Кот ва Хевақ билан бирга Чигатой улусига киритган эди, қўрғон қилиб ўраб олди ва обод қилди. Ҳозирги пайтда Хоразмнинг (энг) обод жойи ўша эрур» (60, 194 б варақ).

Тўхтамишхон 1388 йилнинг декабрь ойида сон-саноқсиз лашкар тўплаб Мовароуннаҳрга юриш қилади ва илғор қисмлари Сирдарёдан ўтиб Жиззахга яқинлашганда Соҳибқирон лашкари томонидан тор-мор этилади. Амир Темур 1389 йилнинг февралда ўз лашкари билан Сирдарёдан ўтади. Зафарли лашкарнинг етиб келганидан хабар топган душманлар тумтарақай қочиб қоладилар.

Худди шу 1389 йили Амир Темур аркони давлат билан маслаҳатлашиб Мўғулистон сари юриш бошлайди. Или водийсига етиб борганида қурултой чақириб, унда бутун Мўғулистон ҳудуди рўйхат (китобат)га олинади. Турли йўналишларда жўнатилган қўшинлар Мўғулистонни бошдан оёқ кезиб талон-торож қиладилар. Бу юришда Мўғулистон бутунлай забт этилиб, унинг хони Хизрхожа тўла тобелик изҳор қилади. Кейинроқ, аниқроғи 1397 йили, Амир Темур Хизрхожахоннинг қизи Тукал хонимга уйланиб қариндошлик риштасини ҳосил қилади. Ана шу юришдан кейингина Мовароуннаҳр учун Мўғулистон томондан ҳужум хавфи узил-кесил тугатилди. Бу катта ғалаба Мовароуннаҳрнинг Хитой билан савдо-элчилик муносабатларини йўлга қўйишга имкон берди, зеро савдо йўли Мўғулистон ва Шарқий Туркистон орқали ўтарди. Савдо алоқаларининг ривожига Амир Темур алоҳида эътибор берган, чунки улар Мовароуннаҳрнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий қудратини юксалтиришга кўмак берарди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, дастлаб, XIV асрнинг 70—80- йилларида Хитой ва Мўғулистонда мавжуд мураккаб сиёсий вазият савдо-элчилик алоқаларининг ривожланишига тўсқинлик қилиб келди.

Хитойда 1368 йили Юань мўғул сулоласи тугагач, йирик марказлашган Мин империяси (1368—1644) ташкил топди. Дастлабки пайтларда Хитойнинг ташқи сиёсатидаги асосий муаммо мўғулларнинг янги ҳужумига йўл қўймасликдан иборат бўлган, зеро ана шундай хавф ҳали мавжуд эди. Шу боисдан Хитой ўзининг шимолий чегараларида мўғуллар билан тез-тез тўқнашиб турарди. Натижада, XIV асрнинг сўнгги йилларида Мин империясининг чегараси мус-

таҳкамланиб, у кейинги йилларда ҳам деярли ўзгармай қолади; Шимолда Буюк Хитой девори, шимоли-ғарбда Ганьсу вилояти ва ғарбда эса Цинхай вилоятининг шарқий қисми билан чегараланган эди. Мин сулоласининг ҳокимиятга келиши ва уни мустаҳкамлаш билан боғлиқ ҳарбий тадбирлар Хитойнинг бошқа давлатлар, жумладан, Ўрта Осиё билан савдо-элчилик алоқаларини деярли тўхтатиб қўйди. Шу сабабдан, XIV аср иккинчи ярмининг дастлабки икки ўн йиллиги давомида мусулмон манбаларида ҳам, хитой манбаларида ҳам савдо-элчилик алоқалари бўлганлиги қайд этилмаган. Амир Темур 1389 йили Мўғулистонни узил-кесил ўз тасарруфига киритгач, Хитой билан савдо-элчилик алоқалари тикланди. Ўша давр хитой манбаларидан бири — «Мин ши лу»да 1389—1398 йиллар оралиғида Амир Темур номидан тўққиз марта Хитойга элчи келганлиги қайд этилган. Хитойдан ўз навбатида 1395 йили Фу Ань бошчилигида Самарқандга Амир Темур ҳузурига элчилар юборилган эди; у Хитойдан қайтаётган Амир Темур элчилари билан йўлга чиққан эди (22, с. 106—116).

Амир Темур Мўғулистондан бошқа хавф бўлмаслигидан кўнгли тўлгач, Олтин Ўрда томондан мавжуд хавф-хатарни бартараф этишга киришди ва 1390 йили ўзининг Тўхтамишхон устига қилган энг оғир юришларидан бирига азм этди. Ҳатто Тўхтамишнинг ўз айбига икром бўлиб узр сўраб юборган элчиларига ҳам эътибор бермади. Ҳозирги Қозоғистон даштларини катта машаққат билан босиб ўтиб, сўнгра ғарбга юриб Волга дарёси соҳилларига яқинлашиб борди.

У ерда Тўхтамишнинг жуда катта лашкари билан қаттиқ жанг қилиб ғалаба қозонди ва эсон-омон Самарқандга қайтди.

Лекин Олтин Ўрда хонлиги бирмунча кейинроқ, 1395 йили узил-кесил тор-мор этилди. Амир Темур ана шу иккинчи катта юришдан олдин Тўхтамишхон қошига элчи юборади ва унга панд-насиҳатлар қилади. Шарафиддин Али Яздий бу хат мазмуни ҳақида қуйидагиларни ёзмиш:

«Ҳазрат Соҳибқирон ўша қишлолда (турган жойда), ҳужжат зарурлиги сабабли, Тўхтамишхонга бир хат ёзган эди.

Шамсиддин Олмолиғийни ўша мактуб ила Тўхтамишхон қошига элчи қилиб жўнатди. Шамсиддин доно, гапга чечан ва тажрибали киши эди; тўра расму қондасини яхши

биларди ва кўзланган мақсадга эришиш учун ҳар йўсинда тақозо этилган латиф сўзлар айта оларди.

У Дарбанддан ўтиб Дашти Қипчоққа Тўхтамишхон ҳузурига етиб борди ва мактубни топшириб, ҳазрат Соҳибқирон айтганларини чиройли иборалар ва ёқимли тил ила баён этди. (Унинг сўзлари) Тўхтамишхонга жуда ёқди ва сулҳ тузмоққа мойиллик кўрсатиб, яхшилик қўли билан кечирим сўраш этагини тутмоқчи, садоқат ва самимият билан итоат оёғини келишув йўлига қўймоқчи ва бир илож қилиб ваҳшат ғуборини ўртадан кўтармоқчи эди. Бироқ унинг амирлари жаҳл ва қайсарлик қилиб, монеълик ва фасод оёғи билан ишнинг белига тепиб, (сулҳ тузмоққа йўл) қўймадилар; хом хаёл қўли билан ўз валинеъматлари давлатининг чашмаси ҳамда ўз саодатлари кўзига бахтсизлик тупроғини сочдилар.

Н а з м :

Подшоҳларга бирор зарар етар экан,
У нодонлар тадбири туфайли бўлади.
Кимнингки остонасидан давлат кетар экан
У аблаҳлар билан ҳамдостон бўлади.

Тўхтамишхон ул давлатсизларнинг гапига кириб тўғри йўлдан озди, кибру ҳаво саҳросига бахтсизлик ва бесаранжомлик уруғини сепди ва (Соҳибқирон) хатига қўпол жавоб ёзиб юборди... (Элчи бўлиб келган) Шамсиддин Олмолиғийни хилъат билан тақдирлаб, қайтариб юборди.

Элчи Самур дарёси¹ (бўйида) ҳумоюн мавкабга етиб келди ва ер ўпмоқлик удумини адо этгач, Тўхтамишхоннинг мактубини арзаға етказди. Ҳазрат Соҳибқирон ул ўринсиз жавоблардан ўта ғазабланди ва лашкар йиғмоққа ҳамда сипоҳни тартибга келтирмоққа фармон берди» (60, 272 а ва рақ).

Амир Темур бу катта, масъулиятли юришдан тўла ғалаба билан қайтади.

Орадан ўн йил ўтгач, Амир Темур Хитой юриши чоғида Ўтрорда турганида, унинг ҳузурига Тўхтамишдан элчилар келади; у гуноҳлари учун кечирим сўраган эди. Соҳибқирон уни кечиради ва Хитой юришидан қайтгач,

¹ Самур дарёси — Доғистондаги дарё, Катта Кавказ тизмасининг шимолий ён бағридан бошланиб Каспий денгизига қуйилади.

Олтин Ўрда тахтини унга қайтаришни ҳам ваъда қилади. Бироқ бу ваъда Амир Темурнинг 1405 йили Ўтрорда вафот этиши туфайли амалга ошмай қолди.

Амир Темурнинг Миср, Рум ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан муносабатлари ҳақида, унинг ғарбга қилган юришлари баёнида сўз боради.

Соҳибқирон 1393 йили Бағдодни забт этгач, Миср султони Барқўқ қошига элчи юборади. Шарафидин Али Яздий «Зафарнома»сида бу ҳақда, жумладан, қуйидагилар ёзилган: «Ҳазрат Соҳибқирон ўша пайтнинг машҳур шахсларидан бўлмиш шайх Совайини обрў-эътиборли бир гуруҳ кишилар ва подшоҳона бийлоқот (туҳфа)лар билан Миср ва Шом волийси Малик ат-Тоҳир Барқўқ ҳузурига элчилик расми ила жўнатди» (60, 2466-варақ). Элчилар орқали йўлланган мактубда иккала давлат ўртасида элчилар воситасида мактублар ёзиб туриш, уларнинг бемалол қатнови ва хавфсизлигини таъминлаш, савдо-сотиқни ривожлантириш зарурлиги қайд этилганди. Бироқ Миср подшоси мавжуд элчилик қоидаларига хилоф тарзда иш тутади ва элчиларни қатл этмоққа фармон беради.

Барқўқ вафотидан сўнг, унинг салтанатини эгаллаган ўғли Фараж ҳам отасининг йўлини тутади. Амир Темур етти йиллик юриши (1399—1404) чоғида, Шом томонга юзланганда, Фараж ҳузурига элчи юборганда, у элчиларни қамаб қўяди. Ушбу воқеалар тафсилотини Шарафиддин Али Яздий шундай баён қилган: «Етти юз тўқсон бешинчи (1393) йили нусратшиор байроқ фатҳ ва ферузлик соясини Дор-ус-Салом Бағдод узра солган чоғда, ҳазрат Соҳибқирон Ироқи Арабни эгаллагач, Сова машойихларидан етук қобилият соҳиби, фозил, аслзода, улўғворлик хирқасини фазилат ва маъно шерози билан беаган бир кишини элчи қилиб бир гуруҳ билан Миср ҳокими Барқўқ ҳузурига юборди ва бу ҳақда Бағдодни забт этиш қиссасида қисқача таъкидлаб ўтилган эди¹. Юқорида эслатилган шайх Шом ҳудудига қарашли Рухба (шаҳри)га етиб борганида, уни ўша ерда мавжуд қоидага кўра тўхтатиб, Мисрга хабар юбордилар. Барқўқ калтафаҳмлиги ва баджаҳллиги туфайли, Султон Аҳмад жалойирнинг иғвосига учиб, уларни ўлдирмоққа амр этди. Гарчи элчига озор беришга ҳеч бир шарият ва сиёсат қоидаларида ҳамда подшоҳлик ва мил-

¹ Бу киши шайх Совайи эканлиги юқорида қайд этилди.

лат русумларида рухсат этилмаган бўлса-да, бироқ ул улуғ кишини барча мулозимлари билан биргаликда зулм ва аёвсизлик қиличидан ўтказдилар. Улар ўшандай бир хатарли қабиҳ ишнинг оқибати ҳақида ўйламадилар...

Яна бир томони, жаҳонгир Соҳибқирон Озарбайжон ва Ироқи Араб мамлакатларини бўйсундириб, забт этгандан сўнг, хисравона азм жиловини Дашти Қипчоқ ҳамда Ўрус, Чиркас ва бошқа шу қаби мамлакатлар ерлари томон йўналтирди. Итилмиш қавчинни эса, Овник қалъасида (ҳоким қилиб) қолдирган эди ва у нусратшиор байроқнинг узоқ муддатли йўқлиги чоғида Қораюсуф туркмон билан жанг қилиб, тақдир тақозоси билан қўлга тушиб қолди. Қораюсуф уни банди қилиб Мисрга Барқўқ қошига юборди. (Барқўқ) уни ҳибсга олиб қамаб қўйиб, ўзининг мавжуд гуноҳини янада орттирди. Ҳаммасидан қизиғи шундаки, шу кезларда¹, гардун ғуломи бўлмиш Соҳибқирон Малатия ҳудудидан Барқўқнинг ўғли Фараж ҳузурига элчи орқали нома йўллади; у отасининг ўлиmidан сўнг Миср ва Шом мамлакатлари султони бўлган эди. Хатнинг мазмуни шундай:

«(Маълумки) сенинг отанг томонидан турли ножўя хатти-ҳаракатлар зоҳир бўлди. Жумладан, ҳеч бир сабабсиз, бу томон элчиларини қатл этмоққа буюрди, бизнинг одамимиз бўлмиш Итилмишни қамаб қўйди ва қайтариб юбормади. У муваққат ҳаёт либосини қайтариб берганлиги (ўлганлиги) учун уни сўроқ қилиш ва жазолаш (ҳам) қиёмат девонига ўтиб кетди. Сен ўзингга ва юртинг аҳолисига раҳминг келсин. Итилмишни дарҳол бу томонга жўнат, акс ҳолда, бизнинг аёвсиз сипоҳимиз қаҳр ва интиқоми зулmidан Миср ва Шом аҳлининг саломатлик кунини шомга етиши мумкин. Агар ўжар ва қайсар шайтоннинг васвасасига учиб, ушбу айтилганга хилоф фикрни хаёлингга келтирадиган бўлсанг, ул ўлка ва шаҳарларнинг ҳаммаси ғолиб аскарлар оёғи остида вайрон бўлиб кетади; мусулмонлар хуни-молининг гуноҳию уволи эса сенинг бўйингга тушади» (60, 3676—3686 барақлар).

Бироқ, юқорида қайд этилганидек, Фаражнинг буйруғига кўра, Амир Темур элчиларини Ҳалаб шаҳрида қамаб қўядилар. Бу ҳақда Соҳибқиронга хабар етиб кел-

¹ Бу ерда 1400 йил назарда тутилган; Амир Темурнинг охириги ғарбий юриши.

гач, у қаттиқ ғазабланиб, Дамашқ сари юзланади. Фараж ҳам бутун салоҳияти билан Мисрдан Дамашққа етиб келади ва ҳийла йўлига ўтиб, Амир Темурга суиқасд уюштиради. Али Яздий «Зафарнома»сида унинг тафсилоти қуйидагича:

«(Миср султони Фараж) Дамашққа етиб боргач, шаҳар ва қалъага ўрнашиш, уни мустаҳкамлаш бобида зарур бўлган эҳтиёт шартларини бажариб, ҳимоя чораларини кўрди.

(Айни пайтда), тахтни асраб қолиш алдови билан у бир ҳийлани (ҳам) ишга солди. Ёлғондан ўзини бечораҳол кўрсатиб юрган бир ўта айёр, гапга чечан, одамни маҳлиё қилиб қўядиган кишига иккита жоҳил фидойини ҳам қўшиб, ҳар бирига биттадан заҳарланган ханжар бериб элчи сифатида ҳазрат Соҳибқирон қошига юборди. Улар пайғомни етказиш чоғида бир қулай пайт топиб ёвузлик қилишлари керак эди.

Он Ҳазрат Дамашқ яқинига етиб борганида, ул лаънати маккор бузғунчилар ҳумоюн мавкабга келдилар ва қўрқмасдан маккорлик юзини халифалик тахтининг пойига қўйдилар. Улар хат-пайғомни олиб ўтиб, шу баҳона билан ўз мақсадларига эришмоқчи эдилар. Улар бир неча марта он Ҳазратга яқин бориш бахти мавжуд бўлиб имкон топанларига қарамай, ҳар доим ул ҳумоюн Ҳазратни асраб турувчи Оллоҳ ҳимоясининг саодати туфайли, фурсат топаолмадилар ва қудратли давлат қувватидан ул разил ярамасларнинг ҳийла ва ёвузлик қилмоқчи эканлиги олий девоннинг улуғ котибларидан саналмиш хожа Масъуд Симнонийнинг хаёлига келиб қолди. Уларни тутиб тинтув қилганларида, этикларининг қўнжида заҳарланган ханжарлари борлиги аниқланди. Бадбахтлар ноилож қолдилар ва уларнинг «ташрифи» ушбу йўсинда барбод бўлди (60, 378а варақ).

Бахтиёрлиги тасдиқланган Соҳибқирон парвардигорга шукроналар айтди ва муҳтожларга хайр-эҳсон ва садақалар улашди. Сўнгра давлат илҳомининг таржимони бўлмиш тўғри сўзловчи тили билан шундай деди: «Султонлар қондасию удумига кўра элчини ўлдирмоқ расм эмас. Бироқ бу шахс, **ибора:** ўзининг ёвуз ва қабиҳлиги билан,— дейилганидек, айёрлик қилиб улуғ арбоблар суратига кириб олмиш, у ўта бузғунчи ва фитнакор эзур». Унга ва бошқалар учун ҳақиқий сабоқ бўлсин деб, (оятда) — Ёмон мақр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб ола-

ди',— (дейилганидек), уни ўша ёнидан чиққан заҳарланган пичоқ билан ҳалок этдилар. Ибора: Агар ҳосил тикан бўлса (ажбланма, чунки) уни ўзинг эккансан, (деган) оҳанг замзамасини унинг жони ногорасига солдилар ва ҳаром мурдасини бошқа ғанимларга ибрат бўлиши учун ёндириб йўқ қилдилар. Иккита шеригининг қонидан кечдилар; қулоқ ва бурнини кесиб ёзган хати билан қўшиб Миср ҳокими қошига жўнатдилар. Лашкарнинг те-варак-атрофга тарқалиб кетган қисми барчаси йиғилсин, деган бўйсунуш шарт бўлган оламини тобе этувчи ярлиғ кучга кириб, (ҳазрат Соҳибқирон) саодат ва иқбол билан отланиб гардуншухрат аскарларни тузаб Дамашқ шаҳри сари юзланди (60, 378а варақ).

Ҳазрат Соҳибқирон (саркарда) Подшоҳ Бавронни хат билан Миср ҳокими қошига юборди. Пайғомнинг мазмуни қуйидагича эди:

«Бизнинг ишдаги азм ва қатъийлигимиз доврўғини биладилар ҳамда мақсад ва режаларни ниҳоясига етказиш йўлидаги матонатимиз буюклигини тан олганлар. Мардларни, хоҳ у султон бўлсин, хоҳ оддий инсон, майдонга жалб қилувчи нарса ғайрат ва ҳамият эканлигини донолар биладилар. Подшоҳларнинг ўзини катта хавф-хатарга уриб черик тортмоқ ва мамлакатларни забт этмоқдан асл мақсади фақат мол-дунё йиғиш ва бойлик орттириш эмас, балки ор-номус эътибори ва яхши ном қолдиришдан иборат.

Дунёнинг барча иши номус ва ном учундир,
Бўлмаса яримта нон билан ҳам кун ўтади.

Биз қайта-қайта Итилмишни (ҳузуримизга қайтаришни) талаб қилдик, бироқ юбормадингиз; ул ишда пайсалга солиш ва кечиктиришга йўл қўйилди. Натижада ҳамият қўли азм этмоқ жиловини ул томон бурди ва мамлакат аҳолисининг туриш-турмушига қанча хароблик ва зарар етказилди...

Шунга қарамасдан, агар Итилмишни юборсангиз, танга ва хутбани бизнинг номимиз билан безасангиз, низо палоси (дўстлик палосига айланиб) кўзга сургудек қадрли бўлади, ўзингизга ва бу диёр аҳолисига раҳм қилган бўласиз. Акс ҳолда, бизнинг шайланган аёвсиз лашкаримиз учун мухолифни енгиш, душманни қириш, шаҳарни

¹ Куръони карим, 35- сура (Фотир сураси), 43- оятдан.

эгаллаш ва яксон қилиш одатий ва мақсадга мувофиқ иш эрур» (60, 379а арақ).

«Юборилган (элчи) уларнинг олдига етиб борганида, олдингилардан фарқли ўлароқ, **ибора**: эъзоз ва икром ила пешвоз чиқиб, унинг ташрифи учун ҳурмат ва таъзим русумини адо этдилар.

Алқисса, юборилган (элчи)ни турли хил хизматлар билан кўнглини овлаб кузатдилар. Унинг ортидан аслзода ва аъёнлардан иборат бир гуруҳни олампаҳо даргоҳга жўнатиб, олий тахт поясининг садоқатли (ҳодим)ларига қуйдагиларни етказиш шарафига муяссар бўлдилар:

«Биз қуллар итоат ва бўйсунмоқ мақомида ҳозир-дурмиз; Итилмишни эса беш кун ичида юборамиз. Агар он Ҳазрат бизнинг гуноҳларимиздан ўтса, бундан сўнг фармонбардорлик ва бўйсунмоқлик мажбуриятларини адо этишда хато ва эътиборсизликка йўл қўймаймиз» (60, 379б арақ).

Шундан кейин ҳам Миср султони ўз сўзи устидан чиқмайди ва Соҳибқирон аскарлари устига тўсатдан ҳужум уюштиради. Лекин Амир Темур лашкари тезда сафларни ростлаб, душманга қаттиқ зарба беради ва ғолиб чиқади. Фараж қилмишидан кечирим сўраб, Амир Темур ҳузурига тортиқлар билан элчи юборади ва шундай дейди:

«Кеча юз берган нарса, бу оломоннинг ўзбошимчалиги туфайли юз берган, яъни жоҳиллар ва авбошлар тўдаси нодонлик қилиб, бизнинг рухсатимизсиз (чиқишга) журъат этдилар ва таъзирларини едилар. Биз эса, ўша (сизга) арзга етказган аҳд-паймонда турибмиз. Агар лашкарлар бугун жангни тўхтатиб, соғ-саломат жойлашсалар, эртага неки он Ҳазрат буюрсалар, ўшанга амал қилурмиз ва содир этган гуноҳларимиз учун тақдир этганини кўрурмиз». Элчи олампаҳо даргоҳга етиб келиб аҳвол ва мактубни арзага етказгач, жаҳонни бўйсундирувчи ярлиғ эълон қилинди ва мардоналик намоиш этгувчи лашкар зафарли лашкаргоҳга қайтиб қўнди» (60, 382а арақ).

Лекин Фараж бу ваъдасига ҳам вафо қилмай, кечаси Мисрга қочиб қолади.

Амир Темурнинг Рум подшоши устидан ғалаба қозонганидан сўнг эса, Миср подшоши Фараж охириги умиди ҳам узилиб, Итилмишни банддан озод қилди; бўйсунитни тан олиб, бутун Миср мамлакатида Соҳибқирон исми билан танга зарб қилди ва номини хутбада зикр этадиган бўлди; элчи юбориб хирож ва мол тўламоқни зиммасига олди.

Амир Темур унинг элчиларини яхши қабул қилиб, Фаражни ўз ўрнида, яъни Миср тахтида қолдирганини, муқаддас Макка ва Мадина шаҳарлари бўйича ҳам илгаригидай мутасадди этилганини маълум қилди (60, 4296 varaқ).

Шундан сўнг Миср билан Амир Темур давлати ўртасида мунтазам элчилик ва савдо алоқалари давом этган. Соҳибқирон 1404 йили Самарқанднинг Кониғил ўлангида берган катта тўй-томошаларда, турли мамлакатлар — Ифранж, Ҳиндистон, Дашти Қипчоқ каби жойлар элчилари қатори Мисрдан ҳам элчи бор эди. Амир Темур подшоҳона илтифот кўрсатиб, унга кўп инъомлар беради, хилъат ва камар билан тақдирлайди ҳамда мавлоно Абдуллоҳ Кеший бошчилигида бир гуруҳни турли-туман совға-саломлар билан Мисрга ўз номидан элчи қилиб жўнатади ва мактуб ҳам йўллайди. Мактубда, жумладан, Султон Аҳмад ва Қора Юсуф туркман Соҳибқирон қўшинларидан кўрқиб, Миср диёрига қочиб кетганлиги ва Миср султони уларни тутиб қамаганлигига хайрихоҳлик изҳор этилиб, Султон Аҳмад жалойирни банди қилиб ва Қора Юсуфни банддан бўшатган ҳолда Самарқандга жўнатиш буюрилган эди.

Амир Темур томонидан давлатлараро элчилик муносабатларига махсус эътибор билан қараш аъъанаси, кейинчалик, унинг авлодлари томонидан ҳам давом эттирилди. Миср билан элчилик ва савдо алоқалари Мирзо Шоҳрух салтанати чоғида ҳам мавжуд бўлган.

XIV асрнинг 2- ярми, яъни Амир Темур Марказий Осиёда мустақил давлат барпо этиб, сўнгра ҳудудий жиҳатдан Евросиё бўйлаб ястанган ва ҳатто Мисрни бўйсиндириб Африкагача ўтган улкан империя тузишга муваффақ бўлган бир пайтда, Ғарбий Европа сиёсий картасида ҳам ўзига хос ҳолат мавжуд эди. Ўша давр ёзма манбаларида ёзилишича, Соҳибқирон Рум мамлакатига қилган юриши чоғида Ғарбий Европадаги қатор мамлакатлар билан элчилик алоқалари олиб борган. Амир Темур давлати билан Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасидаги дипломатик алоқалар географияси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун Ғарб давлатларининг ўша даврдаги сиёсий аҳволи ҳақида қисқача хулоса қилиб ўтиш лозим бўлади.

Маълумки, Уйғониш даври (Ренессанс), яъни Ғарбий Европа давлатларининг ўрта аср маданиятидан янги давр маданиятига ўтиши, одатда, XIV—XVI асрларга тўғри келади. Лекин унинг учун замин XI асрдан бошлаб яратила

бошлаган эди. Хунармандчилик ва савдо ривожланиб бориши асосида шаҳарлар ривожланиши тезлашиб, Европа сиёсий картасида майда князликлар ўрнига марказлашган янги сиёсий бирикмалар — йирик монархиялардан иборат давлатлар таркиб топди.

Франция ҳудудида IX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мустақил феодал давлат қарор топиб, у X асрдан бошлаб «Франция» номини олди. XIV аср Франция тарихи қирол ҳокимиятини кучайтириш, ҳудудини кенгайтириш, Англия ҳукмронлигини батамом тугатиш каби сиёсий воқеалардан иборат бўлган. Франция билан Англия ўртасида юз йиллик уруш (1337—1453 йиллар) давом этган. XIV аср охирида Франция қироллигини Карл V ва XV аср бошида эса, Карл VI бошқарган.

Англия. IX асрдан бошлаб англо-сакс давлатлари қўшилиб «Англия» номини олди; 1265 йил монархия ташкил топди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср бошларида Англия юз йиллик уруш билан овора эди.

Германия. XIV аср давомида Германия ҳудудида бир қанча феодал князликлар тузилиб, улар императорга бўйсунардилар. Жумладан, 1347—1378 йилларда Германия императори Карл IV эди, ундан кейин ҳокимиятни ўғли Вацлав, сўнгра бошқа ўғли Сигизмунд (1410—1437) бошқарди.

Польша. Ягона давлат сифатида узил-кесил XIV—XV асрлар давомида шаклланган. Князь Владислав I Локетек (1306—1333) Польшани бирлаштириб, 1320 йилдан қиролликни қайта тиклади. Унинг ўғли Буюк Казимир III (1333—1370) ҳукмдорлиги чоғида эса, қироллик авжи юксалишда бўлган. Бироқ, ундан тахт вориси қолмаганлиги сабабли, ҳокимият унинг қариндоши Венгрия қироли Людовик ихтиёрига ўтди. 1386 йили Литва князи Ягайло (Ягелло) қирол Людовикнинг қизига уйланиб, Владислав II номи билан деярли ярим аср (1386—1434) Польша қироли бўлиб турди.

Чехия 1346 йилдан бошлаб мустақил қироллик эди. **Венгрия** ҳам 1308—1382 йиллар давомида марказлашган давлатга айланди. **Болгария** ҳудудида XII—XIV асрлар давомида болгар подшоҳлиги тузилган бўлсада, бироқ XIV аср ўрталаридан бошлаб Болқон ярим оролига турклар бостириб кириб, 1396 йили Болгарияни батамом эгалладилар.

Сербияда 1217 йили қироллик ташкил топди ва XIV аср ўрталарида унинг мавқеи кучайиб Сербия-Греция давлати

тузилди ҳамда шу даврда феодал тузум тўла шаклланди. Лекин 1389 йилга келиб Сербия ҳам Усмонли туркларга қарам бўлиб қолди.

Испания ҳудудида V асрдан бошлаб феодал муносабатлар ривожланди. VIII асрда Пиреней ярим оролини араблар босиб олиб, у ерда мустақил давлат — Кордова амирлиги ва X асрда Кордова халифалиги тузилди. Айна пайтда, VIII асрдан бошлабоқ испанлар ўз ерларини озод қилабошладилар; XI асрга келиб **Кастилия** ва **Арагон** қиролликлари ташкил топди; улар 1479 йили қўшилиб, ягона Испания давлати вужудга келди.

Италия ҳудудида милoddан аввал VI асрда Қадимги Рим давлати ташкил топиб, у кейинчалик Ғарбий Европанинг ғарбий ва жануби-шарқий қисми, Кичик Осиё, Ўрта денгизнинг Африка соҳиллари, Сурия ва Фаластинни ўз таркибига қўшиб олди. Империя 395 йили Ғарбий ва Шарқий қисмларга бўлиниб, Шарқий қисмида Византия давлати вужудга келди. Ғарбий Рим давлати V асрда варвар қабилалари ҳужуми ва қуллар қўзғолонлари туфайли емирилди. VIII асрдан бошлаб феодал муносабатлар тез ривожланди ва шу даврда христиан черкови иккига бўлинди: куатолицизм (ғарбий қисм) ва православие (шарқий қисм — Византия). XII асрда Римда республика ўрнатилди. XIII асрдан бошлаб Италиянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган **Венеция** провинциясининг мавқеи кучайиб, у республика ҳуқуқини олди.

Венеция республикаси XIII асрда улкан денгиз давлатига айланиб XV асрда Ўрта денгиздаги савдо оборотини тўла қўлга олган эди; деярли барча савдо портларида Венеция савдо кемалари хизмат қиларди. Византия, Миср, Сурия, Эгей денгизи ороллариининг савдо муомалалари Венецияга бўйсунарди. Италия (**Генуя**, Венеция)нинг савдо нуқталари Қора денгиздаги порт шаҳарларда ҳам кучли мавқени эгаллаб турарди.

Византия давлати IV асрдан Рим империясининг шарқий қисми (Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Сурия, Миср ва б.)да вужудга келиб, то XV асрнинг иккинчи ярмигача мавжуд эди. Пойтахти — Константинопол (ҳозирги Истанбул) шаҳри. Кейинги йилларда унинг ҳудуди қисқариб бориб VIII асрда Византия таркибида Кичик Осиё, Болқон ярим оролининг жануби-шарқий қисми, Сицилия ва Италиянинг айрим вилоятларигина қолди. X аср ўрталарида, салб юришлари туфайли, унинг ҳудуди бир-

мунча кенгайган бўлсада, бироқ XIV асрда турклар Византиянинг Кичик Осиёдаги деярли барча ерларини эгаллашга муваффақ бўлдилар.

XI—XIV асрларда Кичик Осиёда мавжуд бўлган салжуқий туркларнинг феодал давлати — Кўня султонлиги майда бекликларга бўлиниб тугагач, XIV асрнинг биринчи чорагида ярим оролнинг шимоли-ғарбий қисмида Усмон I ташкил этган Усмон бейлиги вужудга келди ва кейинги йилларда янги ерларнинг босиб олиниши ҳисобига унинг ҳудуди кенгайиб борди. Катта давлатга айланиб, у мусулмон манбаларида Рум мамлакати номи билан машҳур бўлган. Ҳозирги илмий адабиётда Усмонли Турк империяси (рус манбаларида Оттоманская Империя) деб аталади. Айниқса Рум султони Йилдирим Боязид ўз ҳукмронлиги даврида Кичик Осиё ярим оролининг катта қисмини эгаллади; Бурса шаҳри унинг пойтахти эди. У Ғарбий Европага ҳам юришлар қилиб зафар қозонган. Жумладан, 1396 йили, Дунай дарёсининг қуйи ҳавзасида жойлашган Никополь яқинида бўлган жангда Европа рицарларининг бирлашган лашкарини тор-мор қилиб, Европани таҳликага солиб қўйди. У қисқа вақт ичида Болқон ярим оролининг катта қисмини забт этди; Болгариянинг бир қанча йирик шаҳарларини қўлга киритди; шарқда эса Венгрия қироллиги чегараларига етиб қолган эди. Византияни қарам қилди ва унинг пойтахти — христианларнинг таянчи бўлмиш Константинополь (ҳозирги Истанбул) шаҳри қулаш арафасида турарди.

Амир Темурнинг Ғарбий Европадаги Франция, Англия, Испания, Италия каби бир қанча йирик давлатлар билан элчилар орқали ёзишмалар олиб боргани маълум. Юқорида қайд этилганидек, Европа давлатлари қўшма армияси 1396 йили Болгариянинг Никополь шаҳри яқинида Боязид лашкари томонидан тор-мор этилганидан сўнг, уларнинг қироллари қўрқув-ваҳимага тушиб қолишди. Зеро, Боязидга қарши жанг қилишга ожиз эканликлари аниқ бўлиб, ягона нажот чораси Амир Темур давлати билан алоқа ўрнатишдан иборат бўлиб қолди ва ундан энг аввало Константинополдаги христиан черкови манфаатдор эди; чунки юқорида қайд этилганидек, Византия императори Иоан V (1341—1391 йиллар) Рум султонига қарам бўлган ва ўлпон тўлаб келарди; шунга қарамай, Константинополь шаҳри Боязид қўшинлари томонидан қамал қилиниб, христианларнинг Византиядаги таянчи қулаш

арафасида турарди. Византиянинг кейинги императори Мануил Палеологнинг Европа давлатларидан ёрдам сўраб қилган илтижолари унсиз қолди.

Ана шундай вазиятда, муҳим бир тарихий воқеа — Амир Темурнинг етти йиллик (1399—1404) ғарбий юриши тўфайли Византия учун ҳам, умуман Ғарбий Европа учун ҳам Боязид туғдирган хавф барҳам топди. Бу воқеалар Амир Темур билан Йилдирим Боязид ўртасида юзага келган муносабат билан боғлиқдир.

Амир Темур давлати билан Рум мамлакати ўртасидаги муносабатлар ҳақида, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»да ёзганларига қараганда, Рум подшоси Йилдирим Боязид илгарироқ Соҳибқиронга тобелик изҳор этиб, хирож тўлаб турган Арзинжон волийси Таҳуртан қошига элчи юбориб ундан хирож тўлашни талаб қилган. Ушбу воқеадан сўнг, Амир Темур Рум подшосига бир пўписали насихатномадан иборат мактуб йўллайди. Рум подшоси бу мактубга жуда қўпол сўзлар билан жавб хати қайтаради. Элчилар орқали қилинган кейинги мулоқотлар ҳам сулҳга зришиладиган натижа бермайди. Амир Темур Султон Аҳмад ва Қора Юсуфни (улар қочиб Боязид ҳузуридан паноҳ топган эдилар) юборишни талаб қилади. Чунки Қора Юсуф қўли остидаги қорақуюнли қабиласи билан халқаро карвон йўлларида қароқчилик билан шуғулланиб, ҳатто ҳаж сафари билан Маккага кетаётган карвонларни ҳам талаганлар. Йилдирим Боязид Амир Темурнинг талабини рад қилиш билан бирга, Сиваш вилоятини қайтариб беришни ҳам сўраган. Шундан сўнг, Анқара ёнида икки ўртада қаттиқ жанг бўлиб, Рум лашкари батамом енгилди, Боязид эса асир олинади ва бу ғуссага бардош бера олмай тез орада вафот этади (1403 йил 9 март).

Аслида, Амир Темурда Кичик Осиёни забт этиш нияти бўлмаган ва келишмовчилик Боязиднинг киборлиги, Амир Темурни менсимаганлиги сабабли юзага келган эди. Чунки ғалабадан сўнг, Амир Темур Рум султонлигини Боязиднинг ўғилларига инъом этди. Бу улуғ ҳиммат, кейинчалик, Туркиянинг қудратли давлат бўлиб қолишида муҳим омил бўлди.

Европа давлатлари билан боғлиқ айрим тафсилотларни билиш учун, яна олдинги воқеаларга, аниқроғи Амир Темурнинг Кичик Осиёга юриши чоғида унинг ғарб давлатлари билан муносабатларига қайтамыз.

Ушбу юриш чоғида дастлаб Қора денгизнинг жануби-шарқий соҳилидаги мустақил Тарабзун грек христиан

қироллиги Амир Темурга тобелик изҳор этади. Тарабзун муҳим денгиз порти, Шарқ билан Ғарб савдо йўлидаги йирик воситачи эди; унда Генуя савдогарларининг мавқеи устун эди. Константинополдан ҳам Амир Темур ҳузурига элчилар келиб Рум султониға қарши иттифоқ тузиш таклифини етказадилар. Амир Темур жавоб элчилари жўнатиб, ўз мактубида ушбу таклифға розилигини қайд этган ва айни вақтда, жия ва бож тўлаш мажбуриятини ҳам юклаган. У ёқдан яна элчилар келиб Византиянинг бу талабға розилигини маълум қилганлар (60, 419 б варақ).

Европанинг бошқа давлатларидан ҳам элчилар келиб, ўз қиролларининг Боязидға қарши курашда бирлашиш таклифларини етказганлар. Амир Темур уларға розилик билдириб жавоб мактублари йўллаган. Иттифоқчилардан, асосан, денгиз томондан ҳарбий кемалар воситасида ёрам бериш талаб этилган. Маълум бўладики, Соҳибқирон турк султони Боязиднинг салоҳиятини ҳам, Европани саросимаға солиб қўйганини ҳам яхши билган. Шунга қарамасдан, Боязид билан жанг қилади ва ғалаба қозонади. Табиийки, энди бошқа ёқдан ёрдамға эҳтиёж қолмаган эди. Бу улкан ғалаба ҳақида жаҳоннинг турли мамлакатларига, жумладан, Европа давлатларига ҳам хабар юборилади.

Амир Темур билан Европа давлатлари қироллари ўртасидаги ёзишмалардан гувоҳлик берувчи мактубларнинг бир қисми бизгача етиб келган ва улар Франция, Англия, Италия каби давлатлар кутубхоналарида сақланмоқда. Бу хатлар илмий тадқиқ ва бошқа тилларға таржима ҳам қилинган. Амир Темурнинг Константинополға, Франция қироли Карл VI га юборган мактублари; Франция қироли Карл VI нинг ва Англия қироли Генрих IV нинг Амир Темурға йўллаган хатлари; Мироншоҳнинг Европа давлатлари қиролларига жўнатган мурожаатномаси ана шулар жумласидандир. Соҳибқироннинг Испанияға юборган элчиларига жавобан у томондан Испания қироли Руи Гонсалес де Клавихони юборади. У 1403—1406 йилларда Самарқандға келгани, қайтиб боргач сафар хотираларини ёзиб қолдиргани маълум. Ҳозирги вақтда бу кундалик чоп этилган, унинг русча нашри ҳам бор.

Ёзишмаларда ҳамкорлик қилиш, давлатлар ўртасида элчилик муносабатлари ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, йўлларда савдо қарвонларининг хавфсизлигини таъминлаш кабилар қайд этилган эди.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Амир Темур халқаро муносабатларда элчилик алоқаларидан кенг фойдаланган ва бунга катта эътибор берган.

Бошқа давлатлардан келган элчиларнинг иззат-ҳурмати тўла адо этган. Испания қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг 1403—1406 йилларда Самарқандга келиб-кетгач, ёзиб қолдирган «Кундалиги»да қайд этилишича, хорижий элчилар Амир Темур давлати заминига қадам қўйишлари билан Амир Темур томонидан махсус тайинланган кишилар уларни кутиб олиб то пойтахт Самарқандгача бошлаб борганлар, Соҳибқирон ҳузурига эса, элчиларни шаҳзодалар ва улуғ амирлар бошлаб олиб кирганлар.

Элчилар юртларига қайтаётганларида уларга кўплаб қимматбаҳо совға-саломлар берилган.

Масалан, Амир Темур 7 йиллик юришдан ғалаба билан қайтгач, 1404 йилда Самарқанднинг Кониғил ўлангида катта тўй беради. Ўша давр тарихчилари Шарафиддин Али Яздий ва Ҳофизи Абрунинг ёзишларича, 2 ой давом этган бу тантанада Миср, Ифранж, Ҳинд, Дашти Қипчоқ, Жата, Олтой ва бошқа ўлкалардан элчилар ҳам ҳозир бўлганлар. Тўй тугагач, элчиларга рухсат этиб, уларга кўплаб совғалар улашилган. 1404 йили Самарқандга келган Миср элчисини кўп совғалар билан тақдирлаб, (бу томондан) мавлоно Абдулоҳ Кешийни бир гуруҳ билан бирга элчи тарзида унга ҳамроҳ қилди...

Элчилар орқали юбориладиган мактубларнинг мазмуни ва безатилишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Масалан, Амир Темурнинг юқорида қайд этилган Мавлоно Абдуллоҳ Кеший орқали Мисрга юборган мактуби ҳақида: «эни 3 газ, узунлиги етмиш газ (ҳозирги ўлчовда эни 1,8 метр, узунлиги 42 метр), ҳаммаси олтин сувида, китобат ва ҳуснихат фазилатида (ягона) мавлоно шайх Муҳаммад хати билан битилган мактуб йўлланди ҳамда кўплаб подшоҳона бийлоқот — хилъат, тож, камар, турли кийим ва матоларни элчи ва хат билан жўнатди», — деб ёзади Шарафиддин Али Яздий (60, 465 б—466 а варақлар).

Хулоса қилиб, жумладан, шуни айтиш мумкинки, Амир Темур давлатида етук халқаро дипломатия анъанаси шаклланган эди. Амир Темур ўзи унинг барча қоидаларига тўла амал қилар эди. Унинг давлатида халқаро элчилик ва савдо-сотик бобида олиб борилган ишлар авлодлари томонидан давом эттирилди, ривожлантирилди.

Масалан, савдо-элчилик алоқаларини ривожлантириш анъанаси кейинчалик Мирзо Шоҳрух (1405—1447) ва Улуғбек салтанати даврида ҳам давом этди.

Мирзо Шоҳрух ўз ҳукмдорлиги йилларида Темурийлар давлатининг тинч-тотувлиги учун катта ҳисса қўшиб, давлатлар аро дўстлик, ҳамкорлик, савдо-сотик, элчилик муносабатларини ривожлантириш сиёсатини олиб борди. Бу даврда Марказий Осиё тарихида сиёсат, иқтисодий ва маданий юксалиш бўлганлиги кузатилади. Темурийлар давлатига Мўғулистон, Тибет, Хитой, Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Кичик Осиё, Кавказ, Волгабўйи, Урал ўлкаларидан савдо карвонлари ва элчилар келган. Жумладан, Шимолӣ Ҳиндистондан 1411, 1416, 1421 йилларда элчилар келиб, 1442 йили Абдураззоқ Самарқандий (яшаган йиллари 1413—1482 йиллар) бошчилигида Ҳиндистонга элчилар юборилганлиги маълум. Абдураззоқ Самарқандий денгиз йўли орқали Жанубий Ҳиндистонга бориб келган ва ўз сафари ҳақида кундалик ҳам ёзиб қолдирган. Кундалик ҳозирги вақтда форс тилидан ўзбек тилига ҳам таржима қилинган (65).

Марказий Осиёнинг XV аср биринчи чорагидаги савдо-элчилик алоқалари Хитойда император Чжу-ди (1404—1424) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Хитойда ҳам ана шу йилларда иқтисодиёт, маданият ва савдо ривожланган; Нанкин, Пекин, Сучжоу, Сунцзян, Ханчжоу, Гуанчжоу ва бошқа шаҳарлар ҳунармандчилик ва савдо-сотик марказларидир (21, б. 231, 235).

Шоҳрух даврида Темурийлар давлатининг Хитой билан элчилик алоқалари 1409 йилдан, Ҳиротга Хитой элчилари келган пайтдан бошланади. Элчилар Соҳибқирон вафоти-га таъзия билдириш учун ташриф буюрган эдилар. Кейинги йилларда бу алоқалар мунтазам давом этди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Марказий Осиё билан Хитой ўртасида савдо-элчилик алоқалари анча қадимдан мавжуд бўлган ва бу ҳақда маълумот манбаларда ҳам акс этган.

Хитой ҳақида энг қадимги хабарларни юнон ёзма манбаларида учратиш мумкин. Бу мамлакатни улар «Син» ёки «Серика» деб атаганлар ва бу топонимларнинг пайдо бўлиш вақти Буюк Ипак йўли даври (милоддан аввалги II аср)га тўғри келади. Фарбда Хитойга оид маълумотлар, асосан, бу давлат билан бевосита савдо алоқалари олиб борган Марказий Осиё, Эрон ва Арабистон халқлари воситаси-

да тарқалган. Европага Хитой ҳақидаги хабарлар икки йўл билан етиб борганлиги маълум: биринчиси, қуруқлик, яъни Буюк ипак йўлидан; иккинчиси, денгиз орқали, унда асосий воситачи Хитойга қадимдан савдо кемаларида бориб-келиб турган араблар ҳисобланган. Бевожита европаликларнинг ўзлари эса Хитойга денгиз йўли билан фақат 116 йил, яъни Рим империяси даврида боришга муваффақ бўлдилар. Бироқ уларнинг мунтазам қатнови Буюк географик кашфиётлар давридан, аниқроғи португалларнинг 1514 йили Хитой соҳилларига келиб тушган вақтидан бошланган. Россияда Хитой ҳақида дастлабки ёзма маълумот XIV аср солномаларида, кейинроқ эса Афанасий Никитиннинг «Уч денгиз оша» сафарномасида келтирилган.

Кейинги минг йил ичида араб ва форс тилларида ёзилган асарлар ичида Хитой ҳақида озми-кўпми маълумот кўпроқ географияга оид адабиётларда учрайди ва улар асар муаллифининг сафар хотиралари, савдогарлар, сайёҳлар ёки шунчаки мушоҳидлар хабарларига таяниб ёзилган. Бунга Ибн Хурдодбех (820—913), Истахрий (850—934), Ибн Ҳавқал (976. йилда вафот этган), Ибн Саид (XIII аср), ал-Идрисий (1110—1161), Абу-л-Фидо (1273—1331) ва бошқа олимларнинг асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу сабабдан бўлса керак, шарқшунос олим В. Минорский «Марко Поло саёҳатидан ҳали 300 йил илгари мусулмонлар¹» Испания ва Марокашдан тортиб то Тибет ва ҳатто Хитойдан ҳам шарқдаги ерлар, златлар, йўллар ва савдо моллари ҳақида анчагина аниқ маълумотга эга эдилар» (58, т. II, с. 210),— деб ёзган эди. Бироқ, Хитой заминига қадам ранжида қилиб ўз хотиротини ёзиб қолдирганларни жамласак, бу рўйхат унчалик катта бўлмайди. Масалан, баъзи хабарларга кўра, халифа ал-Восиқ даврида (халифалик вақти 842—847) Саллом ат-Таржумон ўз саёҳатида Буюк Хитой деворигача борган эмиш. Унинг саёҳати ҳақида Ибн Хурдодбех ҳикоя қилади. Шунингдек, ал-Масъудий (вафоти 956), Абу Дулоф (X аср) ва Ибн Баттута (туғилган йили 1304) ҳам Хитойга саёҳат қилиб, ўз кўрган-кечирганларини ёзганларини биламиз.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Хитой ҳақида бирмунча аниқ ва батафсил ёзма хабарлар кўпроқ Марказий

¹ Араб халифалиги таркибидаги мамлакатлар аҳолиси назарда тутилган.

осиёлик олимлар асарларида ўрин олган. Булар ал-Хоразмий (IX аср), Жайхоний (X аср), Абу Зайд Балхий (X аср), «Худуд-ул-олам» (X аср) асарини ёзган номаълум муаллиф, Абу Райхон Беруний (XI аср), Маҳмуд Кошғарий (XI аср), Тоҳир ал-Марвазий (XI аср), ас-Самъоний (XII аср), Муҳаммад Авфий (XIII аср), Нажиб Бакрон (XIII аср), Ҳофиз Аbru (XV аср), Фиёсиддин Наққош (XV аср), Абдураззоқ Самарқандий (XV аср) ва бошқалар.

Марказий осиёлик олимлар асарларида Хитой ва Шарқий Туркистоннинг географик ўрни, табиати, ҳўжалиги, шаҳарлари, халқлари, урф-одатлари, савдо йўллари ҳақида ва бошқа маълумотлар бор. Масалан, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз» («Ернинг сурати китоби») асарида шаҳарлар жойлашишига қараб Ўрта Осиёдан Хитойга икки йўналишда (шимолий — Еттисув орқали, жанубий — Фарғона водийси орқали) борадиган йўлларни кўриш мумкин.

«Худуд-ул-олам»да Хитойдан савдогарлар олтин, ипак, ипак матолар, махсус гил олиб келганликлари қайд этилган. Абу Райхон Берунийнинг «Қонуни Масъудий»сида Шарқий Туркистон ва Хитойнинг йирик шаҳарлари рўйхати, уларнинг географик кенглик ва узунликлари берилган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғот-ут-турк» ва Нажиб Бакроннинг «Жаҳоннома» асарларида бу ўлкаларнинг тоғу тошлари, қазилма бойликлари тавсифланган ва ҳ.к.

Умуман, Марказий Осиёдан Хитойга жуда кўплар бориб келганлар. Бунда айримлар савдо қилгани борса, бошқа бир тоифа сайёҳлар ислом дини тарғиботчиси сифатида ташриф буюрганлар, баъзи бирлар эса элчи ёки шунчаки оддий сайёҳ бўлиб ҳам бориб келганлар. Масалан, ас-Самъоний «Китоб ал-ансоб» асарида Хитойга бориб келган талайгина кишилар рўйхатини келтиради ва улар «ас-Синий» нисбасини олганликларини таъкидлайди. «Мен Балхда нуроний, доно бир қарияни кўрдим, у жуда кўп марта Хитойга борган экан... Хуросонда ҳам Суғддан Навшотир (Олой) тоғлари орқали Тибет ва Хитойга борган кўп кишиларни учратдим»,— деб ёзади ал-Масъудий ўзининг «Муруж аз-заҳаб» китобида.

Демак, Марказий Осиё ўз навбатида Хитойнинг ғарбдаги мамлакатлар билан савдо алоқаларида воситачигина эмас, балки бу мамлакат ҳақида ёзма хабарлар беришда ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Кези келганда айтиш керакки,

ўртаосиёлик олимларнинг ана шу хизмати ҳали фанда етарлича баҳоланган эмас.

Хитойга саёҳатлар ва шу муносабат билан элчилик ёки савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланиши ҳамма даврларда ҳам кўпинча мамлакатлар орасида мавжуд сиёсий аҳвол билан бевосита боғлиқ бўлган.

Мўғуллар даврида (XIII—XIV асрлар) европаликларнинг (масалан, Плано Карпини, Гильом Рубрук, Марко Поло) Мўғулистон ва Хитойга саёҳатлари ҳам, шунингдек, кейинги XIV—XV асрлардаги иқтисодий муносабатлар ҳам бунга мисол бўла олади ва бу ҳақда юқорида қисман қайд этилди. Хитой солномаларида 1403—1449 йиллар давомида Хитойга Самарқанддан ўттиз уч марта ва Ҳиротдан ўн тўрт марта, шунингдек, Темурийлар давлатининг бошқа вилоятларидан ҳам бир қанча элчилар келганлиги қайд этилган. Бу ҳақда Темурийлар даврида ёзилган тарихий асарларда ҳам маълумот бор. Жумладан, Ҳофиз Абрунинг «Зубдат ат-таворих» асарида ва у орқали Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ас-саъдайн» китобида Хитойдан келган ва темурийлар давлатидан юборилган элчилар ҳақида хабар берилади. Ҳар икки томондан ҳукмдорлар ўзлари йўллаган мактубларида дўстлик муносабатлари ўрнатиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашни алоҳида таъкидлаганлар. Қуйида ушбу мактубларнинг Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла ас-саъдайн» асарида келтирилган матнини берамиз (форс тилидан **А. Ўринбоев** таржимаси).

Ҳумоюн мавкаб давлат пойтахтига етиб ором топгандан кейин атроф элчиларининг келганлиги зикри

Доруссалтана Ҳирот ҳумоюн мавкаб келиб қўнганлиги саодатидан равнақу сафо топиб ва адолат сочувчи нурлар у мамлакат атрофларига тарқалиб, жаҳон аҳлини беҳисоб иноятлар билан баҳраманд қилгач ва хайр-эҳсон маросимлари ҳам эзгулик тартибларни ниҳоятига еткизгач, албатта бутун олам улуғлари умид билан у муаззам даргоҳга юзландилар ва онҳазратнинг давлат офтоби нурида ўзларига худди заррадек жило бердилар, элчилар ҳам мактубларни ҳар хил йўллар ва турли-туман баҳоналар билан султонлар паноҳи даргоҳига йўналтирдилар: амир

Идику баҳодир Ўзбек вилояти ва Дашти Қипчоқдан, амир Шайх Иброҳим Дарбанд ва Ширвонот вилоятидан, амир Саййид Иззуддин Ҳазора Жарибдан, амир Саййид Аликиёнинг ўғли Сорий шаҳаридан, амир Ҳасанкиё Ферузкуҳ қалъаси ва Гармсер ҳам Қандаҳор вилоятидан. (Хуллас) шу вилоятлардан бир неча кунгача бирин-кетин элчилар кела бердилар ҳамда муносиб совғаларни тақдим қилиб, ўз ҳокимлари сўзини улуғ амирлар орқали (ҳоқони саидга) арзга етказиб турдилар; жаҳон паноҳи бўлмиш даргоҳ жаҳон маликларининг саждагоҳига ва Эрон ҳам Турон улуғларининг бўса жойига айланди.

Ҳоқони саид ҳазратлари элчиларни қабул мурувватую лутф-эҳсон эътибори билан иззат-икромга сазовор қилди ва ҳаммаларига беҳад иноятлар кўрсатиб, қайтиб кетишлари учун ижозат буюрди (1, 152 бет).

Шу орада Хитой вилоятидан, у мамлакатларнинг Чину Мочин (ва бошқа ерлар) подшоҳи Дой-Минг хон тарафидан элчилар етиб келди. (Ҳоқони саид томонидан): «Шаҳар ва бозорларга зийнат берилсин, ҳар бир санъат эгаси ўз ҳунарини тўла зоҳир қилиб дўконини безатсин»,— деган ҳумоюн фармон содир бўлди (1, 174 бет).

Хитой подшоҳи мактубининг сурати: «Дой-Минг, подшоҳи муаззам, Самарқанд диёрига Шоҳрух баҳодир учун нома юбормоқда! Биз фикр қиламизки, худованди таоло ер билан осмон ўртасидаги жами халойиқни уларнинг ҳар бири роҳат ва фароғатда яшасин деб яратган. Биз худойи таолонинг мададкорлигида илоҳий ҳукмга бўйсуниб жаҳондорлик қилиб келмоқдамиз. Шу сабабли биз яқину йироқ орасида фарқ қилмаймиз, ҳаммани бир текис, баробар биламиз. Бундан илгари эшитган эдикки, сен оқил ва камолотга етган кишисан ва бошқалардан улуғроқсан, худованди таолонинг амрига итоат қилиб келмоқдасан, раият ва аскарларни парвариш қилиб, уларнинг ҳаммасига эҳсону яхшиликлар кўрсатибсан; шу сабабли биз беҳад шод бўлдик. Алаҳусус, кимхоб ва тарқу кийимларни етказсин учун, элчи юбордик; элчи у ерга етиб боргач, сен бизнинг сўзларимизга ҳурмат билан қараб марҳаматимизни яхши юзага чиқарибсан, катта-кичик ҳамма шодмон бўлибдилар ва сен ҳам дарҳол элчи юборибсан; элчилар сенинг саломингни, отлар ҳам у диёр матоларидан тўхфаларингни етказдилар. Сенинг дўстлик йўлида эканлигингни кўрдим: сен мақтов ва навозишга сазовор экансан. Илгарироқ мўғуллар даври охирига етган эди.

Сенинг отанг Темур фумо худованди таолонинг амрига итоат қилиб, бизнинг улуғ подшоҳимиз Той-Зуйга нисбатан яхши дўст бўлиб, элчилар ва туҳфаларни қат қилмаган. Шу сабабли (Той-Зуй) у диёрнинг (Хитойдаги) одамларига омон бериб, ҳаммасини давлатмандликка етказган. Биз ҳам кўрдикки, сен отангнинг ҳиммат ва равишига яхши мутобиат қилибсан. Энди Су-Жўнинг ҳазораси одамларидан Ду-Жи-Хун-Бойни ва Сун-Кун-Жи садаси(дан) Донг-Чингни бир гуруҳ кишилар билан қўшиб, садоқат зоҳир бўлсин учун табрикнома, кимхоб кийим ва тарқулар билан юбордик. Бундан кейин ҳам одамларни юборамиз, токи улар борди-келди қилсинлар ва йўллар кесилиб қолмасин; улар ўз истакларича тижорат ва касб қилсинлар.

Халил Султон сенинг биродарзоданг; ўз туғишганлик ҳаққингни бажо келтирмоғинг учун сен уни яхши тарбият қилишинг керак. Сен бизнинг садоқату райимизга ҳамкорлик қилишинг лозим. Билдириб қўймоқчи бўлганимиз ана шу».

Бу мактубга қўшиб яна бир мактубни юборган эдилар, унда жўнатишган совға-туҳфалар муфассал тарзда битилган эди. Яна бир (мактуб) йўл хати қабилида бўлиб, у элчилар учун эди. Уч мактубнинг ҳар бири форс хати билан форс тилида ёзилган ва худди ўша мактубда сўз мазмуни мўғул хати билан туркий тилида ёзилган, яна ўша мактубда ўша мазмунни хитой хати билан ўз (хитой) тилида ёзган.

Ҳоқони саид ҳазратлари мактубни (ўқиттириб) эшитиб, унинг нозик мазмунини ўткир фикр билан мулоҳаза қилди ва мақсадларини тўла тушуниб олгач, ҳаммани иштирок этишга чақириб, «Амирлар элчилар шарафига тўй берсинлар»,— деган фармон содир бўлди (1, 174—175-бетлар).

Хитой элчилари жўнатишганлиги зикри

Хитой элчиларининг муҳим ишлари тўла битганидан кейин, уларга ижозат берилиб, қайтиб кетдилар. Шайх Муҳаммад Бахший элчилик расми бўйича улар билан бирга равона бўлди. Хитой подшоҳи то шу вақтгача ислом динини қабул қилмаганлиги ва шариат талаби бўйича иш тутмаётганлиги сабабли ҳазрат ҳоқони саид дўстлик юзасидан: «Зорайики у ҳидоят нури туфайли имонга мушарраф бўлса»,— деган умидда араб ва форс тилларида ёзилган икки насиҳатномани юборди.

Арабча мактуб сурати: (Бисмиллоҳ ар-раҳмон арраҳим! Бир Оллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Муҳаммад Оллоҳнинг расулидир! Оллоҳнинг расули, яъни Муҳаммад алайҳиссалом айтган: менинг умматларимдан кимки Оллоҳнинг амрига ҳозир турса, у сира камлик кўрмайди, уларни хорловчи ва уларга зидлик қилувчилар ғалаба қозона олмайдилар. Оллоҳнинг амри (билан қиёмат қоим) бўлгунига қадар улар шундай (азизликда) бора берадилар.

Оллоҳи таоло Одамни ва унинг зурриётини яратмоқчи бўлганида: «Мен махфий бир ганж эдим, ўзимни танитмоқни истаб махлуқларни яратдим»,— деди. Шунга кўра маълум бўладики, қудрати улў, сўзи устун бўлган зотнинг инсон навини яратишдан (кўзда тутган) ҳикмати ўзини танитиш аломатларини тиргизиш ва ҳидоят ҳам имон байроқларини баланд кўтаришдир. У гарчи кўп худоликлар севмасалар ҳам, (ҳақ динни) барча динлардан устун қилмоқ ҳамда шариатни, ҳукмларни ҳам ҳалолу ҳаром қонун-қоидаларни (инсонларга) ўргатмоқ учун, ўз расули (Муҳаммад)ни ҳидоят ва ҳақ дин билан (инсонлар орасига) юборди ҳамда унга, мункирларни гунгу лол қилиб низо ва мунозалардан тилларини тийсин учун, мўъжиза тариқасида шуҳратли Қуръонни ато қилди ва ўз комил иноятию тўлиқ ҳидояти билан у Қуръонни қиёматгача жорий қолдирди. У ўз қудрати билан ҳамма вақту замон ва фурсату онларда Шарқ ва Ғарб ва Чиндан иборат оламнинг барча ерларида қудрат ва имон эгасию беҳисоб лашкар ва салтанат соҳибини тайин қилди ва (уларнинг зиммасига) адолат ва эҳсон бозорларига ривож бериш, барча ҳалойиқ бошига амну омонлик қанотларини ёйиш, ҳалойиқни (шариатда) рухсат этилган ишларга йўллаб, ман этилган ишлар ва туғёнлардан қайтариш, улар кўмагида шарафли шариат мартабасини улғайтириш, Оллоҳнинг яккаю ягоналигини уқтириб улар орасидан кўп худоник ва кофирликни йироқлатиш (вазифасини юклади).

Оллоҳ таоло ўз азалий лутфу марҳамати ҳам абадий фазли билан пок шариат қонунларини барпо этиш ҳам зоҳир тариқат қоидаларини давом эттиришга бизни муваффақ қилди ҳамда, Оллоҳга ҳамд бўлсинки, ҳалойиқ ва раиятлар орасида содир бўлиб турувчи воқеа ва кечмишларни пайғамбар шариати ва сара ҳукмлари бўйича ажрим қилиб туришни бизга амр қилди. Илмларнинг нишону белгилари йўқ бўлиб кетмасин ҳамда шариатнинг асар ва

маросимлари унутилмасин учун бизга ҳар бир ерда масжиду мадрасалар қуриш ва хонақоҳу ибодатхоналарни обод қилишни буюрди.

Бу паст дунё ва унинг салтанати бақосига, ҳукумат ва сиёсатининг давомли бўлишига ҳаққонияту тўғрилиқни қўллаб-қувватлаш ва хайрусавоб умидида ер юзидан кўп ҳудолигу кофирлик зарарларини йўқотиш билангина эришиш мумкинлиги туфайли у (ҳоқон Дой-Минг) тарафидан ва давлат арбобларидан кутилган умид ва орзу шуки, улар мазкур ишларда бизга ҳамкорлик кўрсатиб, шариатнинг маъмур қоидаларини мустаҳкамлашда бизга шериклик қилсалар ҳамда элчилар ҳам хабарчилар юбориб турсалар, сайёҳ ва савдогарлар учун йўлларни очиқ тутсалар, токи дўстлик ва муҳаббат сабаблари таъкидланиб, бирлик ва якдиллик воситалари қувват топса ва, (бинобарин), мамлакатлар атрофларидаги халқлар тоифалари роҳатга эришса, фуқароларнинг барча табақалари орасида тириклик воситалари тартибга тушса. Раҳбарлик (қилувчи)га эргашганларга салом! Оллоҳ бандаларига меҳрибондир!

Форсча мактуб сурати: Шоҳрух султондан Дой-Минг подшоҳ тарафига таърифга сиғмас (беҳад) саломлар!

Худованди таоло етук ҳикмат ва тўлиқ қудрати билан Одам алайҳиссаломни яратгач, унинг фарзандларидан баъзиларини пайғамбар ва расул қилиб, ҳақ йўлга даъват қилсинлар учун уларни чинакамига халқ орасига юборди. Яна бу пайғамбарлардан баъзиларига, масалан, Иброҳим, Мусо ва Довуд алайҳиссаломларга китоб юбориб шариатдан таълим берди ва ўша замон халқига шариатга амал қилишни ва (мазкур пайғамбарлар) динида бўлишни буюрди. Бу расулларнинг барчаси кишиларни бир динга ва худопарастликка даъват қилиб, офтоб, ой, юлдуз, шайтон ва бутларга сиғинишдан қайтардилар.

Бу расулларнинг ҳар бирига махсус бир шариат бўлиб, лекин худонинг якка-ягоналиги борасида ҳаммалари бир эдилар.

Расуллик ва пайғамбарлик навбати бизнинг расулимиз Муҳаммад мустафога,— саллоллоҳу алайҳи ва саллама,— етгач, бошқа шариатлар мансух бўлиб, у охируззамон расули ва пайғамбари бўлди. Бутун олам аҳли: амиру султон, ғанию вазир, фақир ҳам каттаю кичик барчаси унинг шариатига амал қилишлари лозим ҳамда ўтган дин ва шариатлар-

ни тарк қилишлари керак. Ҳақиқий ва тўғри эътиқод ана шудир ва мусулмонлик ҳам шундан иборатдир.

Бундан бир неча йиллар илгари Чингизхон хуруж қилди ва ўзининг баъзи фарзандларини вилоятлар ва мамлакатларга жўнатди: Жўжихонни Сарой, Қрим ва Дашти Қипчоқ тарафларга юборди. У ерда яна Ўзбек, Жонийхон ва Ўрусхонларга ўхшаш баъзи подшоҳлар ислом ва мусулмонлик тепасида туриб, ҳазрат Муҳаммад мустафонинг, саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллама,— шариатига амал қилиб келганлар. Ҳулокухонни Хуросон, Ироқ мамлакатлари ва атроф ерларига муқаррар қилдилар. Ана шундан кейин у мамлакатларнинг ҳокими бўлган унинг баъзи фарзандлари, масалан, ростгўй подшоҳ Ғозон, Улжойту Султон ва бахтли подшоҳ Абу Саидлар, дилларида Муҳаммаднинг,— саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллама,— шариати офтоби бўлганлиги туфайли, ислом ва мусулмонлик тепасида турдилар ҳамда ислом дини (ни қабул қилиш) саодатига мушарраф бўлиб, охиратга жўнадилар. Шу тарзда ҳукмдорлик ва фармонраволик, султонлик ва комронлик навбати менинг падарим ҳам ҳазрати, ётган тупроғи пок бўлгур амир Темур кўрагонга етди. У киши ҳам барча мамлакатларда Муҳаммаднинг,— саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллама,— шариатига амал қилдилар. У киши салтанат ва жаҳондорлик қилган вақтларда аҳли имон ва ислом тўла равнақ топган эди.

(Ҳозирда) худованди таолонинг лутфу фазли билан бу Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ ва бошқа мамлакатлар (бизнинг) тасарруф қўлимизга кириб, мамлакатларнинг барча ерларида пайғамбарнинг муқаддас шариати тақозосича ҳукм юритадилар; эзгулик ишларни бажаришга амр қилиниб, ман этилган амаллардан қайтарилмоқда ва Чингизхоннинг ярғу ва қоидалари жорийдир. Қиёматда халосу нажот топиш ва бу дунёда салтанату давлатга эга бўлиш имону ислом ва худованди таолонинг инояти сабаби билангина қўлга кириши аниқ билиниб, таҳқиқ қилинган бўлгач, раиятга нисбатан адолат ва инсоф юзасидан иш кўриб яшаш вожибдир.

Оллоҳ таолонинг лутфу карамидан умид шуки, жаноблари ҳам у мамлакатларда ҳазрат Муҳаммад расулоллоҳнинг,— саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллама,— шариатига амал қилиб, мусулмонларга қувват бағишласалар, токи (шу сабаб бўлиб) бу дунёдаги бир неча кунлик подшоҳлик, (оятда):—Албатта сен учун охират бу дунё

дан кўра яхшидир,— дейилганидек, охират подшоҳлигига уланса.

Шу кунларда у (Хитой) тарафдан элчилар етиб келиб туҳфалар етказдилар ва жанобингизнинг саломатликларини, у мамлакатлардаги маъмурчилик хабарларини сўзлаб бердилар.—Оталарнинг (ўзаро) муҳаббати, болаларни (бир-бирига) яқинлаштиради,—(деган мақол) тақозосича, оталар орасидаги муҳаббат ва дўстлик (биз орқали) янгиланди. Биз ҳам бу тарафдан, саломатлик хабарини етказсин учун, Муҳаммад Бахший элчини юбордик; шу нарса муқаррардирки, савдогарларнинг тинч-омон бориб келишлари учун бундан буён йўллар очиқ бўлур, чунки бу маъний мамлакатлар ободонлиги ва бу дунё ҳам охиратда яхши номга эга бўлиш сабабидир.

Бирликка риоя қилиш мадади ва муҳаббат шартлари ғамхўрлиги итоаткорлар аҳлига йўлдош бўлғай!»

Ҳазрат хоқони сайд Муҳаммад Қаромоннинг Рум совға-саломларини келтирган элчиси, Малик Қутбиддин Сеистоний ва Пиракнинг Гармсердан келган элчиси каби атроф (мамлакатлар) элчиларининг барча илтимосларини бажо келтириб ва инъом-икромлар билан тақдирлаб қайтиб кетишларига ижозат берди. Мисра: Улар хушдилу хуррам бўлиб қайтиб кетдилар». (1, 176—178- бетлар).

Мовароуннаҳрдан Хитойга борадиган савдо йўллари XV асрда ҳам қадимги Буюк Ипак йўли орқали ўтган ва Ет-тисув ҳамда Фарғона йўналишларидан иборат икки тармоққа йўналган эди. Бу ҳақда, айниқса, 1419—1422 йилларда Хитойга ташриф буюрган Темурийлар давлати элчиларининг сафари ҳақида Фиёсиддин Наққош ёзиб қолдирган кундаликда ёрқин мисоллар мавжуд. Хитой императорининг таклифига кўра юборилган ушбу элчилик сафарига жами 530 киши қатнашиб, Темурийлар давлатининг турли вилоятларидан вакиллар бўлган.

Фиёсиддин Наққош сафарномаси яхлит ҳолда бизгача етиб келмаган. Уни, дастлаб айрим таҳрирлар билан тарихчи Ҳофизи Аbru ўзининг «Зубдат ат-таворих» асарида берди ва ундан бошқа тарихчилар, чунончи Абдураззоқ Самарқандий ўз асарларига киритганлар. Бу сафарнома ҳозирги вақтда форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинган (66). Қуйида ушбу сафарномадан Марказий Осиё тарихий географиясига дахлдор айрим лавҳаларни келтирамиз.

Хитой мамлакатига кетган элчиларнинг қайтиб келганлиги ва ул диёрнинг ажойиб-ғаройиблари шарҳи

(Саккиз юз) йигирма иккинчи (1419) йил воқеалари орасида Ҳазрат хоқони саид (Шоҳрух) Шодихожа бошчилигидаги элчиларни Хитой мамлакатига боришга тайин қилганлиги ҳақида эслатиб ўтилган эди.

Мирзо Бойсунғур (ўз номидан) Султон Аҳмад билан Ғиёсиддин Наққошни (элчиларга кўшиб) юборар экан, хожа Ғиёсиддинга доруссалтана Ҳиротдан чиқиш кунидан то қайтиб келиш кунигача ҳар бир шаҳар ва вилоятда йўлларнинг қандайлиги, вилоят ва иморатларнинг сифати, шаҳарларнинг қонун-қоидалари, подшоҳларнинг куч-қудрати ва уларнинг давлатни бошқариш ҳам сиёсат услуби, у шаҳар ва диёрларнинг ажойиботлари ва номдор мамлакатларнинг феъл-атвориға оид нимаики кўриб билса, ҳаммасини кундалик тарзида кунма-кун ёзиб бориши лозимлигини ғоят таъкидлаган эди.

Бу йили, яъни саккиз юз йигирма бешинчи йили ўн биринчи рамазонда (29 август, 1422) аъло ҳазрат (Шоҳрух) фармони билан Шодихожа ва Кўкча бошчилигида шаҳзода Бойсунғур (номидан) Султон Аҳмад ва хожа Ғиёсиддин Наққош бошчилигида (Хитойга) борган элчилар пойтахт Ҳиротга қайтиб келдилар. Уларнинг (Ҳиротдан) сафарга чиққан вақти — олтинчи зу-л-қаъда саккиз юз йигирма иккинчи йил (24 ноябрь, 1419), қайтиб келган вақти—юқорида эслатилганидек, ўн бешинчи рамазон ва ҳаммаси бўлиб икки йилу ўн ой ва беш кундир. (Элчилар) Хитой подшоҳининг совға-тортиқларини арзга етказдилар; у мамлакатлар авзойи, расм-русумлари ҳақида ажойиб ҳикоялар ва ғаройиб сўзларни баён қилдилар.

Хожа Ғиёсиддин у ҳикоятлар мазмунини беғаразу бетаассуб ёзганлиги туфайли у сўзларнинг сараланган ва танланганлари (бу ерда) келтирилди, жавобгарлиги эсаривоят қилгувчи (Ғиёсиддин)нинг бўйнига.

Саккиз юз йигирма иккинчи йил олтинчи зу-л-қаъдада (24 ноябрь, 1419) элчилар доруссалтана Ҳиротдан равона бўлдилар ва тўққизинчи зу-л-ҳижжада (27 декабрь, 1419) Балхга етдилар. У ерда ёғингарчилик ва совуқ туфайли то саккиз юз йигирма учинчи йил муҳаррам ойининг бошига-

ча (январь, 1420) Балхда туриб қолдилар. Сўнг бу ердан жўнаб Келиф кечувидан ўтдилар ва йигирма иккинчи муҳаррамда (7 февраль, 1420) Самарқандга етдилар. Улуғ амирзода мирзо Улуғбек кўрагон илгарироқ ўз элчилари Султоншоҳ ва Муҳаммад Бахшийларни (юртлари-га) қайтиб кетаётган бир гуруҳ хитойликлар билан жўнатиб юборган эди.

Мирзо Суюрғатмишнинг¹, — унинг хокига Оллоҳнинг нури бўлсин, — элчиси Урғудок, амир Шоҳмаликнинг² элчиси Урдун ва Бадахшон шоҳининг элчиси хожа Тождинлар келиб йиғилгунларича Хуросон элчилари Самарқандда кутиб турдилар. Сўнг ўнинчи сафарда (25 февраль, 1420) Хитой элчилари билан биргаликда Самарқанддан жўнаб кетдилар.

(Элчилар) тўртинчи раби ал-аввалда (19 март, 1420) Тошкандга, ўн иккинчида (27 март, 1420) Сайромга, раби ал-охирнинг бошида Ошпарага³ етдилар, ўн биринчи раби ал-охирда (25 апрель, 1420) Мўғул элига⁴ қадам қўйдилар. (Ҳар ёнда) дилкаш майсазорлару баҳор чоғи эди, (элчилар) ҳар куни (жойдан-жойга) кўчардилар. Шу пайтда, Увайсхон Шермуҳаммад ўғлонга қасд қилиб уни қатл этмоқчи бўлганлиги ва шу сабабдан, Қулмуҳаммад ва яна

¹ Суюрғатмиш (1397—1427) — Шоҳрухнинг ўғли. Унга 1418 йили Кобул, Ҳинд ва Синд вилоятлари суюрғол қилинган эди.

² Унинг номи амир Ғиёсиддин Шоҳмалик шаклида ҳам учрайди. Хофиз Абрунинг ёзишича, амир Шоҳмалик ҳали ёшлик чоғлариданоқ саркарда бўлган, Темур уни ўз ҳимоясига олган ва ҳукмдорнинг юришларида жонбозлик кўрсатган. Амир Шоҳмалик воситасида қўлга киритилган ерларни Амир Темур унинг ўзига суюрғол қилди. Ўз ерларида амир Шоҳмалик мадраса, масжид, работ, суғориш иншоотлари ва иморатлар барпо этган.

Вафоти (11 раби ал-аввал 829 (21 январь, 1426) дан сўнг, жасади Машҳадда, ўзи ҳаётлигида қурдирган мақбарага дафн этилган. Шоҳрух унинг мақбараси қарови учун ўша атрофдаги энг яхши ерларни вақф қилган ва Хоразм ҳокими қилиб амир Шоҳмаликнинг ўғли Иброҳим Султонни тайинлаган (1, 135, 182, 343—344, 424- бетлар).)

³ Қўлёмаларда ёзилган: Ашпара, Аспара, Асбара. Ҳозир бу ерда ушбу номда дарё ва шаҳар қолдиғи бор (17, с. 567).

⁴ Мўғул эли (ёки Мўғулистон) — XV аср биринчи ярмида тахминан Иссиқкўл, Балхаш кўли, Иртиш дарёси, Турфон оралиғида жойлашган тарихий-географик ўлка ва давлат.

баъзи бир мўғул амирлари Вайсхондан юз ўгирганлари, уларни қўллаб бутун улус оёққа турганлиги ҳақида хабар етди. Элчилар хавотирга тушиб (йўлга) отландилар. Шундан сўнг, яна фитна таскин топганлиги ва амирлар Вайсхон билан сулҳ тузганликлари хабари келди.

У диёрнинг соҳиб ихтиёри бўлган амир Худойдод¹ элчилар қошига келиб уларни юпантирди ва Увайсхон ҳузурига жўнаб кетди. Элчилар таскин топиб сафарларини давом эттирдилар ва ўн саккизинчи жумод ал-аввалда (31 май, 1420) Муҳаммадбекка тегишли Билғуту деган мавзегга етдилар ва баъзи дожилар ҳамда Бадахшон шоҳининг навкарлари ҳамда яна бир гуруҳ Хитойга боровчилар келиб қўшилгунларича, шу ерда тўхтаб турдилар. Сўнг йигирма биринчи жумод ал-аввалда (3 июнь, 1420) Билғутудан кўчдилар ва йигирма иккинчида (4 июнь, 1420) Кунгир сувидан² ўтиб, йигирма учинчида (5 июнь, 1420) улус ҳокими Муҳаммадбек билан учрашдилар. Муҳаммадбекнинг ўғли Султон Шоди кўрагон Шоҳ Жаҳоннинг³ куёви эди, (шу Шоҳ Жаҳоннинг) бошқа бир қизини мирзо Муҳаммад Жўги олган эди,⁴ (Оллоҳ) унинг салтанатини барқарор этсин.

(Элчилар) йигирма олтинчи жумод ал-аввалда (8 июнь, 1420) Юлдуз яйлови⁵ ва ўлкасига кирдилар у ердан ўтиб Шер Баҳромнинг элига етдилар. Шер Баҳромнинг ўғли шу ерда эди. Офтоб саратон (буржи) да эканлигига қарамай сув икки энлик ях боғлаган эди.

¹ Амир Худойдод — Мўғулистоннинг энг эътиборли амирларидан, Кошғар, Ёркент, Хўтан, Оқсув каби шаҳарлар унинг ҳукмида эди. Умрининг охирида Самарқандда Мирзо Улуғбек ҳузурида бўлган ва у ердан Макка зиёратига бориб, Мадина шаҳарида вафот этган; ҳоки ҳам ўша ерда. Амир Худойдод юз йилга яқин умр кўрган (42, 40 а варақ).

² Ҳозирги Кунгес дарёси Или дарёсининг чап irmoғи.

³ 802 (1399—1400)—810 (1407—08) йилларда Мўғулистон хони.

⁴ Муҳаммад Жўги баҳодир (ёки Фиёсиддин Муҳаммад Жўги баҳодир) — 804 /1402—869/1464 — Шоҳрухнинг тўртинчи ўғли; 822/1419 йили Мўғулистон хони Шамъи Жаҳон (Шоҳ Жаҳон) нинг қизи Меҳр Нигор оғога уйланган.

⁵ Юлдуз яйлови — ҳозирги Кичик Юлдуз яйлови, Тяньшань (Тангритоғ) даги Хайдин-гол дарёсининг юқори ҳавзасида.

Саккизинчи жумод ал-охирда (20 июнь, 1420) Увайс-хоннинг элчиси бўлмиш дожини Муҳаммадбекнинг ўғиллари талаганликлари ҳақида хабар келди. Дожилар ва элчилар бундан ваҳимага тушиб, — «биз шошилишимиз керак, токи тезроқ Хитой чегарасига етиб олайлик», — деб аксар кунларда ёмғир ва дўл ёғиб турганлигига қарамай, дараю тоғлардан суръат билан ўтдилар ва жумод ал-охир (ойи)нинг охирида Турфон шаҳрига етдилар.

Бу шаҳарда кўпчилик бутпараст бўлиб, катта ва чиройли бир бутхоналари бор экан; у ерда бутлар кўп, баъзиси янги ишланган, баъзиси кўҳна. (Бутхона олдидаги) суфанинг тўрида улкан бир ҳайкал бор эди, айтишларича, у Шокмунининг¹ ҳайкали экан. Бу ердан элчилар ражаб ойининг иккинчисида (13 июль, 1420) кўчдилар, ҳаво жуда иссиқ эди, ражаб ойининг бешинчи куни (16 июль, 1420) Қорахожага² етдилар. Ражаб ойининг ўнинчисида (21 июль, 1420) бир гуруҳ хитойликлар келиб, элчиларнинг номлари ва жами неча киши эканликларини ёзиб олдилар.

Элчилар ўн тўққизинчи ражабда (30 июль, 1420) Суфи Ато қишлоғига келиб тушдилар. Термиз сайидларидан бири бўлмиш хонзода Тожиддин шу ерда лангар қуриб олган ва муқим яшаб турарди. У Қумул мусулмонларининг ҳокими амир Фахриддинга куёв эди.

Йигирма биринчи ражабда (1 август, 1420) элчилар Қумул шаҳрига етиб келдилар. Бу шаҳарда амир Фахриддин бир олий масжид қурган эди, Масжиднинг қаршисида (бутпарастлар) бир буюк бутхона қуриб, уни ғоят зўр ҳашамат билан безатган эдилар. Унда бир катта бут ўрнатилган ва (унинг) ўнг ва сўл томонларида кичик-кичик бутлар кўп эди. Катта бутнинг олдида ўн яшар боладек келадиган мис ҳайкални ғоят санъат билан яхшилаб ишланган, бинонинг деворларига эса яхши ранглар бериб устодона сураткашликлар қилинган: у бутхонанинг эшигида иккита бир-бирига ҳамла қилиб турган дев сурати акс

¹ Шокмуни — баъзи нусхаларда «Шамкуни», Марко Поло сафарномасида «Согомам баркан» ёки «Сергомом баркан» ёзилган (35, с. 193, 280). Аслида эса Будда Шакъя-Муни-бурхон назарда тутилган.

² Қорахожа — Шарқий Туркистоннинг қадимий шаҳарларидан, Урхун ёзувлари ва қадимий уйғурча асарларда «Кўжў шаҳри», харобалари Турфон яқинида «Идиқут шаҳри» номи билан маълум.

эттирилган. Менгли Темур Бойирий номли бир соҳиб-
жамол йигит Қумул ҳокими эди.

Бу ердан элчилар йигирма бешинчи ражабда (5 август, 1420) кўчдилар ва чўлу биёбонлардан юриб ҳар бир ёки икки кунда (бир марта) сувга етишар эдилар. Шаъбон ойининг ўн иккинчисида (22 август, 1420) шундай мавзегга етдиларки, у ерда чўл туялари ва қўтос кўп эди; қўтослар чунонам катта бўлар эканки, ўша ерлик аҳолининг айтишича, бир кунни, ўша қўтослардан бири аллақандай отлиққа ҳамла қилиб, уни шоҳи билан эгар устидан илиб олган. У киши ўлган ва шу тарзда маълум муддат унинг шоҳида турган; ёғи (жасадидан) қўтос кўзига оқиши натижасида у кўр бўлган эмиш. М и с р а : агар рост бўлса, бу жуда ажиб сўз.

Ўн тўртинчи шаъбонда (24 август, 1420) элчилар бир манзилга етишдиларки, у ердан то биринчи Хитой шаҳари ва қаровули¹ бўлган Сукжўгача ўн кунлик чўл йўли эди. Бир гуруҳ хитойликлар подшоҳ фармонида мувофиқ элчилар истиқболига чиққан эдилар. (У ер) кўм-кўк ўтлоқ жой эди. Ўшал кун ушбу майсазор устига олий бир суфа қуриб, карбос (матодан) соябонлар тиклаб, шира — хонтахталар ва сандал — курсилар қўйдилар ва анвои таомлар — пиширилган ғоз, товук, гўшт ва ҳўлу куруқ мева-ларни чинни табақларга солиб тартиб билан қўйдилар, ҳар бир хонтахтага (сунъий) гулдасталар ўрнатиб, сабзавотлар билан дастурхонларни безатдилар. Хуллас, ўша биёбонда шундай бир зиёфат ташкил қилдиларки, бунақаси шаҳарларда ҳам муяссар бўлмайди. Таомдан фориғ бўлингандан кейин турли хил ичимликларни — арақ ва сурма² келтирдилар ва барчани маст қилдилар, зиёфатдан ташқари ҳар бир кишига мартабасига қараб қўй, ун, арпа ва сафар учун зарур бошқа нарсаларни ҳамда арақ ва сурма бердилар; буларни элчилар қошига зўр эҳтиром билан юбордилар. Жамики бу нарсаларни Сукжўдан келтирган эдилар. Сўнгра элчилардан ҳар бири нечтадан наварга эга эканлиги ҳақида рўйхат туздилар. Дожилар (наварлар сони)ни ортиқча айтмасликлари ҳақида (элчилардан) ҳужжат — тилхат олдилар. Чунки хитой ёсоқ — қонуни шундайки, кимки ёлғончиликда тутилса, унга ишонч

¹ Қаровул — чегарадаги ёки чегара яқинидаги истеҳкам, шаҳар.

² Сурма — кайфли ичимлик турларидан бири.

қолмайди. Кўп савдогарлар элчилар қошида навкар бўлиб хизмат қилардилар. Рўйхат қуйидаги тартибда тузилди: мирзо Шоҳрухнинг элчилари, Шодихожа ва Кўкча (бошчилигида), икки юз нафар; мирзо Бойсунғурнинг элчилари, Султон Аҳмад ва хожа Ғиёсиддин (бошчилигида), бир юз эллик нафар; мирзо Суюрғатмишнинг элчиси, Урғудок (бошчилигида), олтмиш нафар; амир Шоҳмаликнинг элчиси, Ўрдувон — эллик нафар; Бадахшон шохининг навқари хожа Тожиддин — эллик нафар. Улуғ амирзода мирзо Улуғбек кўрагон, Оллоҳ унинг подшолигини абадий этсин, навқарлари илгарироқ жўнаб кетган, амирзода мирзо Иброҳим Султон баҳодирнинг, Оллоҳ унинг подшолигини абадий этсин, элчилари эса ҳануз етиб келмаган эдилар (66, 10—14- бетлар)...

Жумод ал-аввалнинг ўртасида (май, 1421) элчилар Хонбалиқдан йўлга чиқдилар: дожилар уларга ҳамроҳ эдилар. (Хонбалиққа) келгандаги тарзда қайтишда ҳам йўлда учраган ҳар бир ёмда барча (зарурий) нарсаларни улов ва аравалар билан биргаликда бериб турдилар; шаҳар ва қишлоқларда улар учун тўй ташкил қилардилар ва: икки орада муҳаббат собит бўлмоғи учун (элчиларга) қайтиши вақтида (ҳам) ҳурмат кўргазилмоғи лозим, дер эдилар.

Ражаб ойининг бошларида (июль, 1421) элчилар Пинлон шаҳрига¹ етдилар, ҳокимлар ва шаҳар катталари элчилар ва дожилар таъзимига истиқболга чиқиб кутиб олдилар. Бу жуда хуш шаҳар эди. (Унда) кишилар чоу² ва шу каби бошқа нарсаларни Хитойдан ташқарига олиб чиқиб кетмасинлар, деган мақсадда, барча одамларнинг юкларини очиб кўриш ва текшириш қондаси мавжуд эди. Аммо подшоҳнинг ҳукмига биноан элчиларнинг юкларини очиб кўрмадилар. Эртаси куни дабдабали бир тўй бердилар ва кўп тақаллуфлар кўрсатдилар.

Элчилар кунма-кун кўчиб йўл юриб, бешинчи шаъбонда (5 август, 1421) Қорамурон (дарёси)га етиб келдилар ва ундан ўтиб, (йўл юриб) ҳар куни бир ём ва ҳар ҳафтада ёки ундан озроқ (вақтда) бир шаҳарга етиб келардилар ва тўй — зиёфат ер эдилар. Шу тартибда йигирма тўртинчи

¹ Пинлон шаҳри — ҳозирги Ганьсу вилоятига қарашли Пинлян шаҳри, катта автомобиль йўли устида, Цзинхэ дарёсининг ўнг томонида.

² Чоу — хитой қоғоз пули.

шаъбонгача (24 август, 1421) юриб Қамжў шаҳрига келиб тушдилар. Элчилар (Хонбалиққа) кетаётганларида ўзларининг навкарлари ва от-уловларини шу Қамжў шаҳрида қолдириб кетишган эди, ҳаммасини соғ-саломат учратдилар. Аммо Мўғулистон атрофида (карвонларни) талон-торож қилинаётганлиги хабарлари бор эди ва йўл нотинч деб айтардилар. Шу сабабдан, бу шаҳарда икки ярим ой туриб қолишга тўғри келди. Зул-қаъда (ойи)нинг еттинчисида (3 ноябрь, 1421) элчилар Қамжўдан йўлга чиқдилар ва шу ойнинг ўн еттинчисида (13 ноябрь 1421) Сўкжуга етиб келдилар.

У ерда йўлнинг хавф-хатарли эканлигини айтдилар ва элчилар бир неча кун туриб қолдилар. Мирзо Иброҳим Султоннинг Шероздан чиқиб келаётган элчиси амир Ҳасан ва мирзо Рустамнинг Исфаҳондан чиқиб келаётган элчиси Паҳлавон Жамолиддин Сўкжу шаҳрида Хитой тарафидан қайтаётган элчилар билан учрашдилар ва йўл ниҳоятда нотинч эканлигидан хабар бердилар; улар қочиб кетиб, йўлсиз тоғликлар орқали етиб келган эдилар. Шу сабабли элчилар бир муддат Сўкжуда яшаб турдилар ва саккиз юз йигирма бешинчи йили муҳаррам ойининг ўртасида (январь, 1421) Сўкжудан жўнаб кетдилар. Улар бир неча кундан кейин Қаровулга келдилар ва қўрғондагилар уларга айтдилар: Хитой аҳлининг қондаси шундайки, (Хонбалиққа) кетаётган вақтингизда кишиларнинг адади ва қиёфаларини ёзиб қолганларидек, қайтиб кетаётганингизда ўша дафтарни келтириб текшириб кўрадилар, агар (текширувчилар) бу ишда қусурга йўл қўйсалар, подшоҳ ғазабига гирифтор бўладилар.

Қисқаси, (уларнинг номларини) ёзиб олдилар. (Элчилар) жума куни ўн тўққизинчи шаъбон (саккиз юз) йигирма учинчи йили (29 август, 1420) Хитой Қаровулидан ўтиб бу вилоятга қадам қўйган эдилар, яна жума куни ўн бешинчи муҳаррам саккиз юз йигирма бешинчи йили (9 январь, 1422) Хитой Қаровулидан ташқари чиқдилар ва нотинчлик сабабли чўл йўлини ихтиёр қилдилар, саккизинчи раби ал-аввалда (2 март, 1422) чўлдан ўтиб, Хўтан (тараф)дан хавотирда эканликлари сабабли, бир неча кун ўша саҳроларда кезиб, мазкур йил жумод ал-охир ойининг тўққизинчисида (31 май, 1422) Хўтан шаҳрига етдилар. У ердан кўчиб олтинчи ражабда (26 июнь, 1422) Кошғарга келиб тушдилар ва ойнинг йигирма биринчиси-

да Андигон довонидан¹ ўтдилар. Ул манзилдан элчиларнинг бир тўдаси Самарқанд йўли билан жўнадилар, қолганлари эса Қоратегин ва Бадахшон йўлини ихтиёр қилдилар-да, йигирма биринчи шаъбонда (10 август, 1422) Ҳисори-Шодмонга, мисра: ҳушвақту шодмонлик билан-етиб келдилар ва рамазон ойининг бошида (август, 1422) Балхга етдилар, сўнг саккиз юз йигирма бешинчи йил рамазон ойининг ўнинчисида (28 август, 1422) Ҳазрат хоқони саид (Шоҳрух)нинг олампаноҳ даргоҳи Ҳиротга етишиб, бутун аҳволни шарҳини барча тафсилотлари билан арзга етказдилар.

Хитой элчиларининг достони турли-туман ажойиб-ғаройиблардан ташкил топганлиги ва бу (бизнинг) вилоят авзоига нисбатан ғоятда ажиб тўйилганлиги туфайли қаламнинг мушкин ҳол ғизоли у (достон) рақами саҳросида нофа — мушк ҳалтасини очувчи бўлди ва анбар исли хома у ҳушбўй шабада эсиши билан замона димоғига атир сочувчига айланди. Ростгўйлик ёки ботилликни аниқлашга сўз беришдан фориғу, фойда ёки зиёнга ён босишдан ўзни тийилган (ҳолда) тангридан кўмак тиланади ва унга сиғинилади (66, 43—45- бетлар).

¹ Андигон (Андижон) довони — Кошғар билан Фарғона водийси оралиғидаги тоғ довонларидан бири, тахминан Карвонкўл довони.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ЁЗМА МАНБАЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲУДУДИДА ҚАЙД ЭТИЛГАН ЖОЙ НОМЛАРИ

Темурийлар даврида ёзилган китобларда Марказий Осиё топонимияси муаммоларига бағишланган махсус асар бўлмаса-да, лекин географик, тарихий ва бошқа манбаларда талайгина жой номлари қайд этилган. Уларни йиғилса, топонимик тадқиқотлар учун фойдали, зарур материал бера олади. Қуйида ана шундай рўйхат тузилди ва унинг асосида айрим мулоҳазаларни баён қилиб ўтамиз.

Ушбу топонимлар рўйхатидан, XIV—XV асрларда Марказий Осиёда жой номлари сон жиҳатдан кўп ва мазмунан хилма-хил эканлиги маълум бўлади. Жой номларининг бир қисми турли тарихий воқеалар баёни, жумладан, ҳарбий юришлар муносабати билан эслатилади. Бир гуруҳ номлар эса, ўша пайтда мавжуд девон дафтарлари, яъни подшоҳ девонида солиқлар қайд этилган дафтарлар асосида келтирилган. Масалан, Ҳофиз Абру «География»сида Хуросон ўлкасининг вилоят, туман (булук) ва қишлоқлари муфассал рўйхат қилиб берилган ва бу маълумотлар девон дафтарларидан олинганлиги таъкидлаб ўтилган. Ҳофиз Абру асаридан Ҳирот булуклари рўйхати олдинги бобларда келтирилди. Бу маълумотлар Ҳиротнинг буюк шоири ва вазир Алишер Навоий давридаги ободончилик тарихини ўрганиш учун ҳам муҳимдир.

Баъзи ҳолларда манбаларда жой номларининг келиб чиқиши (этимология) ҳақида ҳам қисқа маълумот берилган. Масалан, Ҳофиз Абрунинг «География» асарида Самарқанд топонимининг этимологияси учун қуйидаги учта маъно борлиги қайд этилди:

- 1) Шамар-канд — Шамарнинг қишлоғи;
- 2) Шамар-канд — Шамар бузди (форс тилида «кандан» — бузмоқ демакдир);
- 3) Самизканд — катта қишлоқ.

Бу маълумотлар X—XI асрлардаги манбаларда ҳам бор. Жумладан «Самизканд» Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Масъудий» ва Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон луғат ат-турк» асарларида қайд этилган.

Зарафшон дарёси XV аср манбаларида «Оби Кӯҳак» («Кӯҳак суви») шаклида учрайди; X—XI асрларда ёзилган арабча географик асарларда, жумладан, Ибн Ҳавқалнинг «Китоб ал-масолик ва-л-мамолик» асарида бу дарё «наҳру Суғд» (Суғд дарёси) ва «наҳру Бухоро» (Бухоро дарёси) дейилган.

Салжуқийлар давлатида айниқса унинг пойтахти Марв шаҳри Султон Санжар (вафоти 1157) ҳукмронлиги йилларида жуда обод бўлган. Мурғоб дарёсига тўғон қурилиб, уни Султон Санжар шарафига «Султонбанд» (Султон тўғони) дейишган. Мўғуллар истилоси замонида (XIII аср) тўғон вайрон этилди. Темурийлар даврида Мирзо Шоҳрух фармони билан Марв шаҳри янгидан қурилиб, Мурғоб дарёсидаги тўғон қайтадан тикланди ва «Мурғоб тўғони» деган ном олди.

Марв шаҳрини Султон Санжар замонида «Марви Шоҳижон» деганлар. Марв шаҳрининг дарвозаларидан бирини «Аламдор дарвозаси» дейишган. Бу ном вақт жиҳатдан арабларнинг Марказий Осиёни босиб олиши даврига (VIII аср) тўғри келади. Араб қўшинларида байроқ кўтариб юрувчиларни форсчада «аламдор», «аламбардор» аташган (арабча «алам» — байроқ).

Мурғоб дарёсининг номини ҳалқ икки хил талқин қилган: 1) «Марв-об» — талаффузда вақт ўтиши билан «Марғ-об» шаклини олган; 2) Бу дарё Ғарчистон тоғлари дараларидан оқади, тоғлари қалин ўт-ўлан, чакалакзорлар билан қопланган ва уларни «марғ» дейдилар. Ана шу боис дарёни ҳам «Марғ-об» атаганлар, ундан «Мурғоб» шакли пайдо бўлган.

Каспий денгизининг Обискун денгизи, Журжон денгизи, Дарбанд денгизи, Гилон денгизи ва Қулзум денгизи каби номлари бўлганлиги қайд этилган. Булардан «Қулзум» номи бу денгизга хато берилган, чунки «Қулзум денгизи» аслида Қизил денгизнинг номидир, деб ёзади Ҳофиз Аbru.

Ҳозирги Шаҳрисабз шаҳри Темурийлар даври манбаларида, асосан, «Кеш» номи билан қайд этилган. Умуман, бу даврда «Кеш» топоними машҳур эди: «Кеш йўли — Шаҳрисабздан Самарқандга борадиган йўл; «Кеш суви»

(Оби Кеш) — Шаҳрисабз шаҳри ичидан оқиб ўтадиган сув; «Кеш довони» (Ақбаи Кеш) — Тахтақорача довони (Зарафшон тизмасида Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари оралиғидаги довон, мутлақ баландлиги — 1675 метр). Лекин «Шаҳрисабз» топоними ҳам шаҳар ва туман номи сифатида учрайди ва унинг этимологияси ҳақида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида шундай ёзади:

«Баъзи тарих китобларида битилмишдурким, Кеш шаҳри ўтган замонларда ислом олимлари йиғилган жой бўлган экан... У ерда жуда кўп имомлар ва фозил кишилар ҳам бўлганлар ва ҳаммалари учун дарс ва ақида мажлиси тузилган. Шу жиҳатдан Кеш шаҳри «Қуббат ал-илм ва-л-адаб» («Илм ва адаб қуббаси») деган лақаб олган. Баҳор чоғларида боғлари ва майсазорларининг тароватю кўркамлиги беқиёс бўлиб, ул шаҳарнинг томлари ва ҳовлиларигача (кўмкўк) майса билан қопланади. Шу сабабдан, уни «Шаҳрисабз» (Яшил шаҳар) атамишлар» (61, 163 а варақ).

«Бодхиз» топоними, у ерда шамол ҳосил бўлади, шу сабабдан «Бодхиз» (форсча «бод» — шамол, «хиз» — тур; «хистан» — турмоқ феълидан) дейишади, деб изоҳланган.

Амударё бу даврда асосан, «Жайхун» номи билан машҳур бўлган. Шунингдек, уни «Оби Омўя» (Омўя суви) ҳам дейишган, дарё бўйида Омўя қишлоғи ҳам бўлган. Ҳофизи Абрӯ бу ҳақда яна шундай ёзади: «Сомонийлар даврида (X аср) Бухоро пойтахт эди. Жайхундан асосий кечув жойи ана шу Омўя қишлоғи ёнида бўлган. Шу сабабдан дарёни ҳам «Омўя дарёси» деганар» (72, в. 221 б).

Туркистон, Туркистон тоғлари, Туркистон ҳудуди (вилоят), Туркистон аҳолиси, деганда шу давр манбаларида, асосан, Фарғона водийсининг жануби-шарқий, шарқий ва шимоли-шарқий қисмлари ва унга ёндош тоғли ҳудудлар ва ўша ерларда яшаган туркий халқлар назарда тутилган.

Ҳозирги Қозоғистондаги Туркистон шаҳри «Ясси қишлоғи» (қаряйи Ясси) номи билан тилга олинган (61, 294 б варақ). Лекин баъзида Туркистон деганда Сирдарёнинг қуйи ҳавзасидаги шимолий ерлар ҳам тушунилган. Масалан: «Амир Мусо... қочиб Туркистон томонга кетган эди... У ердан Янги (ҳозирги Тароз шаҳри) орқали юқорига кетиб, яйлов ва тоғликлардан Жайхун сувидан ўтиб Шибурғонга Зиндаҳашим... қошига кетди» (61, 142 а варақ).

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» асарида «Туркистон» тушунчасига, қадимги давр учун Мовароуннаҳрдан шарқдаги ўлкаларни, жумладан, ҳозирги Монголия территориясини ҳам киритади. Масалан: «Туркистон ўлкасида Туманакхондан шавкатлироқ подшоҳ йўқ эди» (61, 24 а варақ). Яна шу асарда XII—XIV асрлар тарихий воқеалари баёнида (қорахонийлар, қорахитойлар ва мўғуллар даври) «Мовароуннаҳр ва Туркистон» ёки «Туркистон ва Мовароуннаҳр мамлакатлари» шаклларида, яъни иккита ном бирга келади. Масалан: «Қозонсултонхоннинг (1332—1346) Мовароуннаҳр ва Туркистонда (яъни Чигатой улусида) ҳукмронлик муддати ўн тўрт шамсий йилдир» (61, 91 б варақ).

«Туркистон, Кошғар ва Хўтанга (Соҳибқироннинг Рум мамлакатигаги ғалабаси ҳақида) мактублар юборилди» (61, 415 а варақ).

XV аср манбаларида учрайдиган топонимларни назардан ўтказиб, баъзи номларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида ҳам хулоса қилиш мумкин. Чунончи, Амударё Балх шаҳри номи билан Балх дарёси, Сирдарё — Хўжанд дарёси, Оқбўра — Ўш дарёси, Орол денгизи — Жайхун кўли, Қашқадарё — Кеш дарёси ёки Қарши дарёси ёки Қашқа дарёси (оби Қашқо) номлари билан тилга олинган. Қашқадарё водийсини «Қашқа манзили» (манзили Қашқо) дейилган.

Баъзи топонимлар шахс номларидан пайдо бўлган, яъни антропонимлардир. Масалан, Амир Темур XIV асрнинг 80-йилларида ўз лашкари амирларига ариқлар қаздириб, Мурғоб дарёсидан сув чиқаришни ва янги ерларни обод қилишни буюради. Қазилган ариқлар ўша амирлар ва зодагонлар исми билан аталади. Жумладан: Умар Тобон ўғли, Оқ-Буғо, Шайх Али баҳодир, Давлатшоҳ Жондор, Ҳасан Жондор, Алоуддин иноқ, Менгли хожа, Кебекчи-юртчи; бир ариқ Амир Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон-оғо исмидан Қутлуғ-хотун дейилган (72, 228 б варақ). Бу ҳақда Марғоб дарёси тавсифида ҳам айтилди. Самарқанд шаҳридаги дарвозалардан бирини уни қурган шахс номи билан Шайхзода дарвозаси атаганлар.

Темурийлар даври манбаларида қайд этилган айрим топонимлар, вақт ўтиши билан, уларнинг ҳозирги мавжуд шаклидан фарқ қилади. Масалан: Хоразм қумлари (реги Хоразм) ҳозир Қорақум деб аталади. Хоразм қадимда ва ўрта асрларда анча машҳур бўлганлиги ва ҳозиргига нис-

батан кенгроқ жойни ташкил этганлиги сабабли, бу қумлар Хоразм қумлари деган ном олган.

Самарқанд вилоятидаги Иштихон туманининг номи «Штихан» ва Нурота топоними эса «Нур» шаклларида қайд этилган; демак «ота» сўзи кейинроқ қўшилган. Жиззах топоними «Дизак» ёки «Дизақ», Тошкент вилоятидаги ҳозирги Чиноз — Чинос, Қашқадарё вилоятидаги Ғузор — Хузор, Андижон шаҳрининг номи икки хил: Андигон ва Андижон, Или дарёси — Ийла суви (оби Ийла) шаклларида ёзилган.

Қарши топоними ҳақида Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да шундай маълумот беради: «Бу жойнинг Қарши, деб шухрат топганлигининг сабаби, Кепекхон (1318—1325) Насаф ва Нахшабдан икки фарсах масофада бир қўрғон бино этган эди; мўғуллар қўрғонни «қарши» дейдилар. Қиш фаслида ҳазрат (Соҳибқирон) ўша ерда тўхтамоқни ихтиёр этди ва Қарши ҳисорини тикламоққа фармон берди» (61, 113 б—114 а варақлар).

Туркий топонимлар. Темурийлар даври манбаларидаги жой номларининг умумий рўйхатини тузганимизда, ўша пайтда туркий топонимлар Марказий Осиё ҳудудининг барча қисмларида мавжудлиги кўринди. Масалан, жанубий ва ғарбий қисмида: Қизилрабат, Ём, Жигдалик, Оққунай, Қорақоқ, Ёлғизбоғ, Қўзимундоқ, Дурбарчин, Оқсарой, Қутлуғюрт, Тахтақорача, Чечакту; марказий қисмларида: Қорабулоқ, Ўратепа; шимолий қисмида: Тошкент, Ўтрор, Сайрам, Оқсув, Қорачуқ; айниқса шарқий қисмида: Бўрибоши, Ўртоғ, Ўзангёр, Кўксоли, Итичмас, Олакўл, Юлдуз, Қорахожа, Суғурлўғу, Чечаклик, Кунгес, Қорабулоқ, Қоратошқоя. Бу қисмда қадимий туркий топонимлар ҳам анчагина: Бўрибоши, Ўртоғ, Ўзангёр, Кўксоли, Итичмас, Алакўл, Юлдуз, Суғурлоғу, Судкўл, Чечаклик, Кунгес, Қорабулоқ, Қоратошқия.

Географик атамалар ва тушунчалар

Темурийлар даври ёзма манбаларида қайд этилган географик атамалар рельеф, гидрография, ландшафт, иқлим, ўсимлик, ҳайвонот олами, ижтимоий воқеалар кабиларни ўзида акс эттириб келади.

1. Ернинг умумий ҳолати билан боғлиқ атамалар ва тушунчалар: Ер шари, доира, уфқ, экватор, меридиан, иқ-

лим (географик зона), етти иқлим, иқлимлар ўртаси, Ернинг айланаси, (географик) узунлик, (географик) кенглик, Ернинг обод чораги (рубъи маскун), Ернинг обод қисми (маъмура), еттинчи иқлимнинг нарёғидаги ерлар, жанубий кенглик ва ҳ.к.

2. Рельеф ва ландшафтни ифодаалаб келувчи атамалар: тоғ, тоғ олди (поёни кўҳ), тоғнинг этаги (домани кўҳ), дара (дарғола), қир (пушта), дашт, шўр ер, тошлоқ ер, тоғ ён бағри (болойи кўҳ), ўтиш оғир бўлган тоғлар (кўҳистони дурушт), юмшоқ ва текис ер (замини нарм ва ҳамвор).

3. Гидрографик терминлар: дарё, ариқ (об, жўй, рўд), денгиз (дарё, баҳр), кўл (буҳайра, батиҳа, кўл), чашма, булоқ, оқим (жараён), денгиз сувининг қалқиши ва қайтиши (мадд ва жазр), қудуқ (чоҳ), соҳил, қўлтиқ, қўлтиқча, гавань (фарза), ирмоқ (шоҳ, шатр), бўғоз (даҳан); дарёнинг юқори оқими (болойи об), чучук сув (оби хуш), шўр сув (оби шўр), қуруқ ўзан (рўдхона), дарёнинг қуйи қисми (пойоб).

4. Об-ҳаво ва иқлимга оид атамалар ва тушунчалар: ёғин-сочин (борандаги), қиш (шито, зимистон), ёз (сайф, тобистон), баҳор, куз (ҳариф), фасл, совуқ (сармо), иқлим (ҳаво), ноқулай иқлим (ҳавойи муҳолиф), яхши иқлим (ҳавойи соз), мўътадил иқлим (ҳавойи мўътадил), иссиқ иқлим (ҳавойи гармсер), совуқ иқлим (ҳавойи сардсер) ўта совуқ (фарти сармо), ўта иссиқ (фарти гармо).

5. Турлича географик атамалар жумласига сиёсий-маъмурий, иқтисодий география, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва ҳ.к. атамалар киради. Чунончи: ер, майдон (арз), тобеъ ерлар (аъмол), аҳоли (аҳл, мардум), мамлакат, вилоят (билод, жулга, диёр, кишвар), чегара (ҳад), қишлоқ (деҳ, қаря), шаҳар (шаҳр, мадина), қўрғон, маъмурий марказ (қасаба), атроф, туман (ноҳият), обод жой (иморат), экинзор (мазориъ).

Қуйидаги атамалар кўп учрайди: шаҳар (шаҳр), тоғ (куҳ), денгиз (дарё), булоқ (чашма), қалъа, ноҳият, вилоят, қишлоқ (деҳ).

Темурийлар даври форсийзабон манбаларда форсча ва арабча атамалар аралаш келаверади ва бу ҳол араб тилида битилган манбаларнинг таъсири кучли бўлганлигини, форсий асарларни ёзишда муаллифлар кўпроқ араб тилида ёзилган географик манбалардан фойдаланганларини кўрсатади. Масалан: кўл — буҳайра, батиҳа, кўл; булоқ

— чашма, булок; дарёнинг бошланиши — махраж, манба, асл, сар; соҳил, қирғоқ — соҳил, канор, лаб; дарё — наҳр, жўй, руд, об.

Темурийлар даври ёзма манбаларида қайд этилган Марказий Осиё жой номлари

Аббос — ариқ Самарқанд вилояти Камонгарон қишлоғи

Аббос — ариқ Самарқанд вилояти Анҳор тумани

Абивард — вилоят, Хуросон

Абиш — жой, Мўғулистон (Қирғизистонда)

Абр-Киту — доvon, Мўғулистон

Аброн — экинзор, Қашқадарё вилояти, Насаф яқинида

Аброни кўна — тепа-мозор, Қашқадарё вилояти, Насаф яқинида

Авбожа гузари — Кофарниҳон дарёсининг Амударёга қуйилиш жойидаги гузар (кечув). Ҳозир у ерда Амударёнинг ўнг соҳилида Айваж қишлоғи бор.

Адоғ — мавзе, Хоразм

Азаж суви — Сирдарёнинг қуйи irmoқларидан бири

Айтоғон — мавзе, Кеш вилояти

Айғар-Болий чўли — Мўғулистон

Алажўл — кўл, Мўғулистон

Аландор — дарвоза, Марв шаҳри

Алиобод — мавзе, Тошкент вилояти

Алиобод — туман маркази, Самарқанд вилояти, қадимги Сугднинг шимолий қисмида

Алмолиғ (Олмалиғ) — экинзор, Самарқанд вилояти, Миёнқол

Алмолиғ (Олмалиғ) — шаҳар, Мўғулистон

Алой — ҳозирги Олой тоғлари, матнда Олой шаклида ҳам ёзилган.

Алокўл — кўл, Мўғулистон

Алон — тепа, Қашқадарё вилояти Кеш (Шаҳрисабз) яқинида

Алоқасроқ тоғи — Кеш билан Самарқанд оралиғидаги тоғ

Амир Абўка мадрасаси — Самарқанд

Амирзода Абдуллоҳ ариғи — ариқ, Бухоро вилояти, Тавовис.

Амирон — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол

Амир Фирўзшоҳ мадрасаси — Самарқанд, Кўйи Дарби Олийя

Амир Қосим мадрасаси — Самарқанд

Амтоди Калон — ариқ, Қашқадарё вилояти, Насаф (Қарши) яқинида

Андигон, Андижон, Андигон кўргони — ҳозирги Андижон шаҳри

Андигон ёки Андижон вилояти (вилояти Андигон) — ҳозирги Андижон вилояти ёки Андижон

Андижон доvони — Кошғар билан Фарғона водийси оралиғидаги тоғ доvонларидан бири, тахминан Карвонқўл доvони

Анхўд — шаҳар, Балх вилоятида

Анимакасўр — ариқ-нов, Қашқадарё вилояти, Кўштепа (Қарши яқинида)

Анҳор — мавзе, Тошкент вилояти Шохрухия тумани

Анҳори Амир Шоди — мавзе, Тошкент вилояти, Шохрухия тумани

Анҳори ғиёс — мавзе, Тошкент вилояти Шохрухия тумани

Анҳор — туман, Самарқанд вилояти

Анҳор тумани — Самарқанд вилояти

Анҳори жадид — туман, Самарқанд вилояти
Ара-Борий — мавзе, Мўғулистон (Қирғизистонда)
Арал — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Араҷуддиза — қишлоқ, Қашқадарё вилояти, Насаф яқинида
Арбижон — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Аржату довони — тоғ довони, Мўғулистон
Арпа-ёзи — мавзе, Мўғулистон (мақоми Арпа-ёзи)
Артуҷ дараси — ҳозирги Вардуж дараси ва дарёси, Кўкча дарёсининг юқори, асосий ирмоқларидан бири, Амударёнинг юқори ҳавзасида
Арғутапа — мавзе, Тошкент вилояти
Арди — қишлоқ, Бухоро вилояти Тавовис манзилгоҳи
Ариз — қишлоқ, Бухоро вилояти Тавовис манзилгоҳи
Арҳанг — XIV аср иккинчи ярмидан бошлаб Арҳанг Сарой
Арҳанг Сарой — Қадимги Тўхористон вилоятидаги Арҳанг шаҳри; XIV аср 2-ярмидан Арҳанг-Сарой ном олган; тахм. XVI асрдан бошлаб уни Имом (Ҳазрат Имом) ҳам атаганлар. Ҳозирги номи Имомсоҳиб, Панж дарёсининг чап соҳилида, Афғонистонда
Асбоби Маволи (Деҳи Марудак) — қишлоқ, Самарқанд вилояти Кат-тақўрғон тумани
Аҳси, Аҳсикат — қалъа, Фарғона водийси
Аҳсикат суви — Сирдарё
Аҳо-Диктў мавзеси — Мўғулистон
Ашпара — қ. Ошбара

Бадал — довон, жой, Мўғулистон; Учтурфондан Қирғизистонга ўтадиган жойдаги, довон.

Бадахшон шаҳри — қадимги Бадахшон тарихий-географик ўлкасининг маркази; ҳозирги номи Файзобод, Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар, Бадахшон вилоятининг маъмурий маркази.

Бадахшон — вилоят

Баёиқара — тепа, Самарқанд вилояти Анҳор тумани

Баланд — ариқ, Бухоро вилояти Тавовис манзилгоҳи

Балдар — экинзор, Тошкент вилояти Чирчиқ водийси

Балдари Боло — экинзор, Тошкент вилояти Чирчиқ водийси

Балх — Шимолий Афғонистонда, ҳозирги Мазори Шариф шаҳрининг ғарбидаги кўҳна шаҳар. Утган асрлар ёдгорликларининг бир қисми ҳозир ҳам сақланган.

Балх — вилоят, Афғонистон

Барбўйдиза — қишлоқ, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Барин — ариқ, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Барка-ғўрён — Мўғулистон

Барколик — жой, Тошкент вилояти Чирчиқ водийси

Бармак — экинзор, Тошкент вилояти Шоҳрухия тумани

Бармалик — ариқ, Самарқанд вилояти Суғди Калон тумани

Баровуд — экинзор, Тошкент вилояти Чирчиқ водийси

Баронкат — экинзор, Тошкент вилояти Шоҳрухия тумани

Барсанг — мавзе, Шош (Тошкент) вилояти

Барси кўҳна — экинзор, Тошкент вилояти

Бахшикант — ариқ, Самарқанд вилояти Анҳор тумани

Бақлон (Бағлон) — вилоят, Афғонистон

Бақлон жулгаси — ҳозирги номи Бағлон, Шимолий Афғонистондаги во-дий, вилоят ва шаҳар

Бағлон (Бақлон) — вилоят, Афғонистон
Бағлон йули — Афғонистон
Бидак — мавзе, Панжикент яқинида (Тожикистон)
Бидистон — экинзор, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани
Бийлан мавзеи — Қозоғистон
Билғуту — мавзе, Мўғулистон
Бодбод — Хожа Аҳрор мулки, Самарқанд вилояти Суғуди Калон тумани
Бодом суви — ҳозир шу номдаги жилға, Қоржонтовдан бошланиб Чимкент шаҳрининг жанубидан оқиб ўтади ва Арис дарёсига қуйилади.
Бодхона — мавзе, Насаф
Бодғис — мавзе, вилоят, Хуросон
Бодғис яйлоқи — яйлов, Хуросон
Бозғўна — ариқ, Самарқанд вилояти Суғуди Калон тумани
Бозор — ариқ, Бухоро вилояти Тавовис манзилгоҳи
Бозори асп — отбозор, Самарқанднинг жануби-ғарбий теварагида
Бозори Досгарон — бозор, Самарқанд шаҳри
Бозори Мисгарон — бозор, Самарқанд шаҳри
Бозори Мурғфурушон — бозор, Самарқанд
Бозори Мусаққаф — бозор, Самарқанд
Бозори Муҳаммад Чоп — бозор, Самарқанд
Бозори (Регистон) — бозор, Самарқанд
Бозори Санбусапазон — бозор, Самарқанд
Бозори Сардўвоник — бозор, Самарқанд
Бозори Хавиҷфурушон — бозор, Самарқанд
Бозори Хинафурушон — бозор, Самарқанд
Бозор ва Чаҳорсўқ — Самарқанд шаҳри
Бойбот мавзеи — Мўғулистон
Бойсун — ҳозирги Сурхондарё вилоятидаги Бойсун туманининг маркази
Бойтоқ — мавзе, Мўғулистон
Болой-Қоз — мавзе, Мўғулистон
Бошқўпрук гузари — Тожикистоннинг жанубида
Боғжаъ — экинзор, Самарқанд навоҳийси
Боғи амир Абдулаввал — боғ, Самарқанднинг Фарундиза маҳалласи яқинида
Боғи Биҳишт — Самарқанд
Боғи Гироншоҳ — боғ, Кеш (Шаҳрисабз)
Боғи Дилқушо — боғ, Самарқанд
Боғи Диловар — боғ, Самарқанд шаҳри Фарундиза маҳалласи
Боғи Калон — боғ, Қашқадарё вилояти. Насаф яқинида
Боғи Мотирид — боғ, Самарқанд
Боғи Хотунон — боғ, Самарқанд шаҳри Фарундиза маҳалласи
Боғи Чинор — боғ, Самарқанд
Бузовард — мавзе, Самарқанд вилояти Анҳор тумани
Бузовчи — мавзе, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Булложир — Мўғулистон
Булунғур суви (Булунғур ариғи) — Зарафшон дарёсидан сув олувчи Марказий Осиёдаги энг қадимги каналлардан бири (милoddан аввал қазилган). Улуғ қишлоғидан бошланади: узунлиги 90 км, сувининг суғоришдан ортган қисми Оқдарёга қуйилади.
Булунғур — ариқ, Суғди Калон тумани Самарқанд вилояти

Булғусўф — экинзор, Тошкент вилояти Хўжакент тумани

Бурдағўй — жой, Жайхун бўйида Термиз яқинида

Бухоро — шаҳар

Бухоро вилояти

Бухоро навоҳийси

Буюрлогў йўли — Мўғулистон

Бўдо-тў довони (гирева) — Помир

Булмас — ариқ, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Бўлунғўр (Булунғур) — жой, Самарқанд вилояти.

Бўрдолиқ — Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган турар жой. XIV аср 2- ярмида Марв — Қарши қарвон йўлидаги дарёдан ўтиш жойи, асосан, шу ерда бўлган. Бўрдолиқ XV—XVI асрда ҳам ўз аҳамиятини бирмунча сақлаб қолган бўлса-да, бироқ бу даврда Калиф гузари машҳурроқ эди. Ҳозирги номи ҳам Бўрдолиқ (Бурдалиқ), Туркменистоннинг Чоржўй вилоятида, кичик турар жой.

Бўрибоши йўли — Мўғулистон

Бўричик — қишлоқ, Миёнқол тумани Самарқанд вилояти

Бўриқўл — экинзор, Сўғди қалон тумани (Самарқанд вилояти)

Бўтамон — қишлоқ, Кеш тумани Қашқадарё вилояти; бошқа номи Талли Варбих

Бўтатож — қишлоқ, Миёнқол тумани Самарқанд вилояти

Бўшод — Шарқий Туркистон

Бўгом-Осийқўл — Мўғулистон

Валкин — мавзе, Сўхох (Сўқоқ қишлоғи) яқинида, Тошкент вилояти

Ванг — қишлоқ, Миёнқол тумани (Самарқанд вилояти)

Ванокатпазир — қишлоқ, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Варжў — экинзор, Миёнқол тумани (Самарқанд вилояти)

Варозон — қишлоқ, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Вахш суви (оби Вахш) — Амударёнинг ўнг irmoғи

Габристон — қишлоқ, Миёнқол тумани (Самарқанд вилояти)

Гадон (Гадонак) — мавзе, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Гандуми сара — экинзор, Насаф тумани (Қашқадарё вилояти)

Гирдова — экинзор, Шош (Тошкент) вилояти

Гултепа — мавзе, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани

Гунбази амир Зайнул ул-Обидин — Миёнқол тумани (Самарқанд вилояти)

Гунбази Кориз — мавзе, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани

Гунбази Ягон — жой, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Гурлан ариғи — ариқ, Ҳоразм.

Гўрков — қишлоқ, Самарқанд вилояти Дарғом ариғи ҳавзаси

Дабусия — шаҳарча, Самарқанд вилояти

Давлатобод — мавзе, Самарқанд вилояти Шовдор тумани

Дам — ариқ, Кеш (Қашқадарё вилояти)

Дами Мухтор — ариқ, Самарқанд вилояти Нарпай тумани

Даран Дарвоз — жой, Ҳисор тизмасининг жанубий қисмида

Дарайи Гез суви — Балхоб дарёсининг тоғдан оқиб чиқиб Балх шаҳрига етмасдан ҳосил қилган тармоқларидан бири. Дарайи-Гез яйлов ва хоннинг ов қиладиган жойи, аҳоли масканлари жойлашган обод жой бўлган

Дарбанди Оҳанин — Бойсундан (Сурхондарё вилояти) ғарбда Саримас тизмасидаги тор дара; узунлиги 2 км, эни — 5—20 м, қояларининг нисбий баландлиги 150 метр чамаси. Қадимий машҳур тоғ йўли, ҳозирги Катта Ўзбекистон трaktидан шарқроқдан ўтган. Ёзма манбаларда унинг номи турлича ёзилган: форсча «Дарбанди Оҳанин» (Темир Дарвоза), қадимги туркий тилда: «Темур қапуғ» («қапуғ» — дарвоза) арабча «Боб-ул-Ҳадид» (Темир дарвоза), мўғулча «Қаҳлаға» ёки «Қаҳлақа» («қалға», «халға» — дарвоза). Қадимда дара ёнида шу номдаги аҳоли маскани, кўрғон ҳам бўлган. Уни Бузғалахона ҳам деганлар. Ҳозирги вақтда Дарбанди Оҳанин яқинида Дарбанд қишлоғи бор. Бойсун тумани ҳудудида.

Дарби Алиё — жой, Самарқанд

Дарби Оҳанин — жой, Тошкентнинг шимолий теварагида

Дарби Сўзангарон — маҳалла, Самарқанд

Дарби Сўзангарон — жой, Самарқанд

Дарби Шайхзода — жой, Самарқанд

Дарвозайи Кенти — жой, Тошкент

Дарвозайи Хокий — жой, Кеш тумани Қашқадарё вилояти

Дарзий — тўғриси «Варзий» ҳозирги Варзоб, Тожикистондаги тоғли ноҳия, Ҳисор тизмасида.

Дарзоб — жой, Самарқанд вилояти Сўғди Калон тумани

Дарғоти Давлати Темур — жой, Самарқанд вилояти Шовдор тумани

Даштаки Тийўли Көпакхоний — мавзе, Самарқанд вилояти Анҳор тумани

Дашти Мавлоно Фахриддин — Самарқанд вилояти Анҳор тумани

Дашти Сабил (Сабилӣ) — жой, Самарқанд вилояти Шовдор тумани

Дашти Ўйи паст — жой, Самарқанд вилояти Шовдор тумани

Дашти Қипчоқ (Дашти Қибчоқ; Дашти Қифчоқ) — асосан, ҳозирги Қозоғистоннинг ўрта ва ғарбий қисмига тўғри келган, то Волга дарёсигача; бошқача аталишлари: Дашти Қипчоқ ва Жўчи улуси; Дашти Қипчоқ ва Ўзбек мамлакатлари

Даҳайи муллобон — жой, Размоз ариғи ҳавзасида, Самарқанд

Даҳайи нав — ариқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол

Даҳайи Ҳиндувон — жой, Самарқанд шаҳрининг жануби-шарқий теварагида

Даҳбед — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол

Даҳдоди Шодмон — қишлоқ, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани

Даҳкий (Дақий) — мавзе, Самарқанд вилояти Ургут тумани

Девори Кўндаланг — жой, Самарқанднинг жанубий теварагида

Девори қалъа — жой, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Деҳи Гадо (бошқа номи Заҳоб) — қишлоқ, Самарқанд вилояти Анҳор тумани

Деҳдод — мавзе, Самарқанд вилояти Анҳор тумани

Деҳи мавлоноӣ Мирак — экинзор, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани

Деҳистон — жой, Марв

Деҳи Хожа Калон — экинзор, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани

Деҳи Ҳайдаршоҳ — экинзор, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани

Деҳқон — қишлоқ, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Деҳнав — тахм. ҳозирги Деҳқонобод яқинидаги тураржой.

Дигирсо — экинзор, Тошкент вилояти Чирчиқ водийси

Дизак (Дизақ) — мавзе, ҳозирги Жиззах шаҳри

Дизак — туман, Самарқанд вилояти

Дийўк — кўл, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани
Димишқ — қишлоқ, Самарқанд шаҳрининг ғарбий теварагида
Добон-Ясир — жой, Мўғулистон
Дойиж — қишлоқ, Самарқанд вилояти Миёнқол тумани
Докийи Кўча Малик — жой, Самарқанд вилояти Анҳор тумани
Домакий — мавзе, Тошкент вилояти Муғолоқ тумани
Донгий — экинзор, Самарқанд вилояти Кўча Малик (Анҳор) тумани
Дупулайи Ёрий — кўприк, Зарафшон дарёсида
Дўбшин-Юлдуз доवони — Мўғулистон
Дўдарон (бошқа номи Кўштепа) — қишлоқ, Қашқадарё вилояти Насаф тумани
Дўлон — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Дўр-Барчин — жой, Термиз — Шаҳрисабз йўлида

Еттиқудуқ йўли — тахм. Ҳозирги Тошкент — Жиззах автомобиль йўли (шимолий йўл).
Ёбиси Санча — экинзор, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Ёйиқ суви — дарё, Дашти Қипчоқ
Ёлғизбоғ — мавзе, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Ёлғиз-оғоч — Самарқанд вилояти
Ёлғиз-Яғоч — Самарқанд-Қашқадарё йўлида
Ёлғиз-Яғоч майсазори — Самарқанднинг ташқарисида
Ём (Оби Ём) — сой, Самарқанд вилояти
Ём суви — ҳозирги Жом сойи, Самарқанд вилоятининг жанубий қисмида
Ём (Работи Ём) — работ, Самарқанд; Самарқанд — Ҳирот йўлида
Ёрий — қишлоқ ва кўприк, Зарафшон дарёсининг юқори ҳавзасида
Ёрканд — шаҳар, Шарқий Туркистон
Ёркат — туман, Самарқанд вилояти
Ёрайлоқ — туман, Самарқанд вилояти

Жаббор — сой, Самарқанднинг ғарбий теварагида
Жайхун — Амударё
Жайхун суви (оби Жайхун) — Амударё
Жапор — тепа, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Жаржўй — ариқ, Самарқанд вилояти Шовдор тумани
Жата — Мўғулистон
Жата улуси — Мўғулистон
Жағдамак — кўприк, Насаф (Қашқадарё вилояти)
Жаҳаки Тамғачи — жой, Самарқанд вилояти Шовдор тумани
Жигдолик — мавзе, Кеш атрофида
Жижиқту манзили — Марв билан Амударё оралиғида
Жижол — мавзе, Хўжанднинг чеккасида
Жодруд — Муғиёндарёнинг бошқача аталиши, Зарафшон дарёсининг ирмоғи
Жолбош — қишлоқ, Тошкент вилояти Муғолак тумани
Жорин (Чорин) мавзеи — Мўғулистон
Жорин суви — Чорин дарёси (Қирғизистон)
Жувозак — тепа, Самарқанд вилояти Шовдор тумани
Журм довони — Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони.
Журм суви — ҳозирги Журм дарёси, Кўкча дарёсининг юқори, асосий ирмоқларидан бири.

Жўйбор — ариқ-жилғалари кўп жой; бу ерда Самарқанд шаҳри ва атрофлари назарда тутилган
Жўйбор — жой, Бухоро яқинида, Қашқадарёда ва бошқа жойларда.
Жўйбори мавзеси — Ғузордарёнинг қуйи қисми
Жўйбори амирзода Абдуллоҳ — жой, Самарқанд
Жўйбори Барин (Жўйи барин) — жой, Насаф (Қашқадарё вилояти)
Жўйбори Размоз — жой, Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани
Жўйи Девона — ариқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Жўйи Кўҳак — ариқ, Самарқанд вилояти Сўғди Калон тумани
Жўйи Нав — мавзе, Насаф (Қашқадарё вилояти)
Жўйи Руд — ариқ, Насаф (Қашқадарё вилояти)
Жўйи Шаҳр (бошқа номи Арозийи Навкат) — мавзе, Тошкент вилояти, Чирчиқ дарёсининг қуйи ҳавзасида
Жўйи Шўрако — ариқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Жўйи Ҳақ — мавзе, Насаф (Қашқадарё вилояти)
Жўклик мавзеи — Мавзе, Ўтрор яқинида
Жўклик чўли — Ўтрордан беш фарсах шарқда
Жўлол мавзеи — Мўғулистон
Забардиза — мавзе, Самарқанд вилояти Шовдор тумани
Занжирсарой — қўрғон, Қашқадарё
Занфана — экинзор, Насаф (Қашқадарё вилояти)
Зарангак — доvon, Зарафшон дарёсининг юқори ҳавзасида
Заргар — ариқ, Бухоро вилояти, Тавовис
Заргарон — қабристон, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон яқинида
Затаи — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Заткант — экинзор, Тошкент вилояти, Сўхоҳ яқинида
Заъфранжи — қишлоқ, Самарқанд вилояти Анҳор тумани
Заҳоб (бошқа номи Деҳи Гадо) — қишлоқ, Самарқанд вилояти Анҳор тумани
Зевар — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Зингарон — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Зирса — қишлоқ, Насаф (Қашқадарё вилояти)
Зовуд — экинзор, Тошкент вилояти Чирчиқ водийси
Зормон — қишлоқ, Самарқанд вилояти Кучаи Малик (Анҳор) тумани
Зоғ — ариқ, Тошкент шаҳрининг шимолий теварагида
Зуш — қишлоқ, Бухоро вилояти

Ижнай-Южни чўли — Мўғулистон
Икриёр — жой, Бухоро вилояти
Ила дарёси (рудхонаи Ила) — Или дарёси
Ила суви — Или дарёси
Иртиш; Иртиш суви — Иртиш дарёси
Исбаёк — экинзор, Самарқанд вилояти
Исиқкўл — Иссиқкўл
Испандиза (Испанди, Испанза) — жой, Самарқанд вилояти Ургут тумани
Ит-Ичмас мавзеи — кўл, Мўғулистон (ҳозирги Сассиқкўл)
Ит-Ичмас чўли — Мўғулистон
Итоқум — жой, Мўғулистон
Ишкамиш — Бадахшон
Ишкамиш яйлоқи — Қундуздан 90 км жануби-шарқдаги мавзе, ҳозир ҳам шу номда
Иштихан — туман, Самарқанд вилояти

Иштихон (Штихан) тумани — Самарқанд вилояти
Ишқобод — ҳозирги Ашгабат (Ашхобод), Туркманистон

Йизанлик — сой, Самарқанд вилояти Анҳор тумани
Йилбош — қишлоқ, Шош (Тошкент) вилояти Муғолак тумани
Йилканд — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Йилканди Абу Исҳоқ — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол
Йилонлик — сой, Самарқанд вилояти Анҳор тумани
Йилқичи — мавзе, Самарқанд вилояти Шовдор тумани
Йиркў-ато — мавзе, Шош (Тошкент) вилояти
Йисак — мавзе, Самарқанд вилояти, Миёнқол

Кабутархона — экинзор, Самарқанд вилояти Шовдор ва Анҳор туманларида

Кадан — қишлоқ, Самарқанд вилояти, Миёнқол

Кайту мавзеи — Мўғулистон

Камархона — жой, Самарқанд вилояти

Каркин ҳисори — қўрғон, Амударё бўйида

Каргас довони — Кўкча дарёсининг юқори ҳавзасидаги тоғ довони

Кармина — қасаба, Самарқанд ва Бухоро оралиғида

Касим (Кашим) мавзеси—ҳозирги номи Ишқошим; Бадахшон вилоятидаги Афғонистон билан чегарадош жойда жойлашган ноҳия маркази

Келиф — Амударёдаги кечув ва жой

Келифпул — мавзе, Амударё бўйида

Кеш шаҳри;

Кеш — Шаҳрисабзнинг қадимги номи

Кеш водийси; Кеш жулгаси — Кеш дарёси (Қашқадарё) водийси

Кеш ори — Шаҳрисабз тумани ва атрофлари

Кеш суви (оби Кеш) — Қашқадарё

Кийту — яйлоқ, Марв яқинида

Кичик Юлдуз — тоғ яйлови, Мўғулистон

Кишм — Бадахшон вилоятидаги қадимги шаҳар, Кўкча дарёсининг (Панж дарёсининг сул ирмоғи) юқори ҳавзасида

Кадўд — мавзе, Самарқанд вилояти Ургут тумани

Калаки Мавлоно — мулк, Чирчиқ дарёси соҳилида

Калоғон (Капоён) — тепа, Самарқанд вилояти Шодмон тумани

Камонгарон — мулк, Самарқанд вилояти Шовдор тумани

Капақишлоқ (бошқа номи Мазорак) — қишлоқ, Самарқанд вилояти Миёнқол

Капақўл — сой, Самарқанд вилояти Анҳор тумани

Кармон — мавзе, Самарқанд вилояти Анҳор тумани

Кат — мавзе, Насаф (Қашқадарё вилояти)

Катвора — мавзе, Тошкент вилояти, Чирчиқ дарёсининг қуйи ҳавзасида

Кентий — дарвоза, Тошкент шаҳрининг шимоли-шарқий томонида

Кодлак — мавзе, Тошкент вилояти Муғолоқ тумани

Койний — тоғ ва руки, Кеш (туманининг) Митани Калон қишлоғида

Коми Абу Муслим — ариқ ва туман, Бухоро вилояти

Коми Абу Муслим тумани — Бухоро вилояти

Коми Оқсоч — ариқ, Бухоро вилояти, Тавовис

Кониғил — яланглик, Самарқанд шаҳридан шарқда

Кониғил — мавзе, Самарқанд вилояти

Кониғил — (сахройи Кониғил; Кониғил) — яланглик, Самарқанд

Кони Лаъл — Бадахшон
Кони Хок — тоғ, Тошкент вилояти, Чирчиқ дарёсининг юқори ҳавзасида
Кориз — ариқ, Кеш (Қашқадарё вилояти)
Косатарош — экинзор, Зарафшон дарёсининг юқори ҳавзасида
Косон — қишлоқ ва ариқ, Насаф (Қашқадарё вилояти)
Кот (Кат) — шаҳар, Хоразм Амударёнинг ўнг соҳилидаги шаҳар, Хоразмнинг қадимги пойтахти, ҳозирги номи Беруний шаҳри, Қорақалпоғистондаги Беруний туманининг маркази
Кот — шаҳар, қўрғон, Хоразм
Кот вилояти;
